



R 496  
1984/4



Э. В. М. 3  
**ГУЛЖСТОН**  
4  
1984



# ЛЕНИН

Ёдимда ҳамиша сен, падар, Ленин,  
Кўнглимда сўзларинг жон қадар, Ленин.

Денгиздай тўлғаниб, болқийди фикринг,  
Эзилган элимга озодлик бердинг.

Ишчи-деҳқонларнинг доҳийси ўзинг,  
Бир умр сақланар ёдимда сўзинг.

Сен элга ажойиб меҳрибон бўлдинг,  
Етимлар манглайин силади кўлинг.

Сен айладинг бутун элга хизматни,  
Сен туфайли топди элим ҳурматни.

Кутқардинг элимни зулму кулфатдан,  
Хорликдан, зорликдан ҳам уқубатдан.

Шунинг-чун ёдимда сен, падар, Ленин,  
Кўнглимда ўзингсан жон қадар, Ленин.


Барчанинг севгани сен, падар, Ленин,  
Халойиқ кўнглида жон қадар, Ленин.



# ИЛЬИЧ ЗИЁСИ

Нафиса СОДИҚОВА,

тарих фанлари доктори



Республикаимиз тарихи ва у босиб ўтган шонли йўллarga назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон соода-тида жаҳон пролетариати доҳийси Владимир Ильич Лениннинг нури сиймосини чуқур ҳис этамиз.

Утган асрнинг охириларида — 1898 йилда ҳаммага машҳур «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш» союзининг аъзолари Е. Иванов ва М. Леонов Туркистонга сургун қилиниб Тошкентга келишди. Улар дёйримизда В. И. Ленин ғоялари элчилари бўлдилар. Натижада Туркистон ўлкасида чоризмга қарши курашнинг биринчи ташаббускор жангчилари В. Корнюшин, А. Бахарев, М. Морозов, А. Худаш, В. Биховский ва бошқалар инқилобий ҳаракатни бошлаб юбордилар.

1902 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасида социал-демократик адабиётлар, жумладан, ленинчи «Искра» газетаси, большевикларнинг «Вперёд», «Пролетарий», «Борьба пролетариата» газеталари пайдо бўла бошладилар. Даврий нашрлардан ташқари, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести», «Капитал», «Германияда революция ва контрреволюция», «Анти—Дюринг», «Фалсафа қашшоқлиги» ва бошқа асарлари, В. И. Лениннинг «Ташкилий вазибаларимиз тўғрисида ўртоқларга хат», «Қишлоқ камбағалларнинг асарлари тарқалди. Буларнинг барчаси бу ерда социал-демократик гуруҳлар тузиш учун ғоявий замин яратди. 1904 йилда Тошкентда биринчи социал-демократик тўғрақ тузилди. 1905 йилда эса Туркистон ўлкасининг барча йirik шаҳарларида шундай гуруҳлар ташкил топди.

В. И. Ленин чоризмнинг чекка ўлкаси Туркистон ва унинг пойтахти Тошкентдаги воқеаларни сертаклик билан кузатиб борди. У 1905 йилдаги Булигин думасига сайловлар масаласида шаҳарлардаги, жумладан, Тошкентдаги сайловчилар миқдори билан қизиққан. Ленин II Давлат думасида Тошкентга атиги икки депутат ўрни берилгани мисолида бу давлат органининг синфий моҳиятини очиб ташлаган эди.

1912 йил 1 июлдан 2 июлга ўтар кечаси Тошкент яқинидаги Троицкий лагерида (ҳозирги Чирчиқ шаҳри) 1- ва 2-сеперлар батальонларининг кўзғолони В. И. Ленин диққатини ўзига тортган. Шу воқеа муносабати билан В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Туркистонда, Болтиқ флотига ва Қора денгизда солдат ва матросларнинг кўзғолонлари ва кўзғолон қилишга уринишлари Россияда янги революцион юксалик бошланганини кўрсатадиган янги объектив далилди» (В. И. Ленин, ТАТ, 22-том, 185-бет).

Марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланган ўзбек меҳнаткашлари рус ишчилари бошичилигида Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширдилар ва Советлар ҳокимияти ғалабасини таъминладилар. 1918 йил апрель ойида «Коллизей» театрида (ҳозирги Қори Еқубов номида Ўзбекистон Давлат филармонияси жойлашган бино) Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди иш бошлаган кунларда, 22 апрель куни съезд номига В. И. Ленин имзолаган Совет ҳукумати тарихий телеграммаси келди: «Ўртоқлар, Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизинг Совет асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлайди,— дейилган эди унда,— бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлади; сизларнинг ташаббусингизни табриқлаймиз ва шунга қаттиқ ишонимизки, сизлар бутун ўлкада Советларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасиз, мавжуд бўлган Советлар билан тўла ҳамкорликда иш олиб борасиз...

Съездингизни табриқлаш билан биз шунга ишонимизки, сизлар тарих томонидан съезда юкланган вазифаларни шараф билан бажарасизлар». 1918 йил 30 апрелда съезд В. И. Лениннинг тарихий кўрсатмаларини бажариб, Россия Федерациясининг таркибий қисми бўлган Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳукумати граждандар уруши йилларида Урта Осиёдаги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга интилди. Доҳий ташаббуси ва унинг раҳбарлигида 1919 йил 8 октябрь куни РКП(б) Марказий Комитети, РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари комиссияси (Туркомиссия) тузилди. Туркомиссияни тузиш тўғрисидаги қарорда бундай дейилган эди: «Туркистон халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳамда ҳар қандай миллий тенгсизликнинг бу бир миллий гуруҳнинг бошқа бир миллий гуруҳга ҳисобига бўлган имтиёзларининг йўқ қилиниши Россия Совет ҳукумати юргизаётган бутун сиёсатининг асоси эканлигини, унинг органларининг барча ишларида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилишини, фақат шундай иш олиб боргандагина Туркистондаги туз меҳнаткашлар оммасининг Россия ишчи-деҳқонларига нисбатан ишончсизлик билан қарашини, рус чоризмининг кўп йиллик ҳукмронлиги натижасида вужудга келган ана шу ишончсизликни узил-кесил бартараф қилиш мумкин. Туркомиссияни составига В. И. Ленин сафдошлари Ш. З. Элиева, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ф. И. Голошечкин, Я. Э. Рудзутак, Г. И. Бокий кирган эди. Туркомиссия 1919 йил 4 ноябрь куни Тошкентга В. И. Лениннинг «Туркистонлик коммунист ўртоқларга» деган мактубини ҳам олиб келди. Доҳий бу мактубда шундай сатрларни битган эди: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Урта Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Доҳий мактуби Туркистон коммунистлари учун жанговар ҳаракат программаси — Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, маҳаллий аҳолининг кенг халқ оммасини давлат бошқаруш органларига жалб этиш учун, ички ва ташқи контрреволюцияни тор-мор этиш учун қудратли ғоявий қурол бўлиб қолди. В. И. Ленин юборган кишилар ўзларининг кўп қиррали ишларида марксизм-ленинизм таълимоти ва пролетар интернационали принципларига амал қилган ҳолда, ўлкада экономика, маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантириш, социалистик қурилиш соҳасида жуда кўп иш қилдилар. Ана шуларнинг барчаси Лениннинг феодализмдан капитализмга ривожланиш босқинини четлаб социализмга ўтиш ғоясини амалда рўйбега чиқариш имкониятини берди.

Ленин ва Ўзбекистон... Бу мавзу гоят кенг ва серқирра. Биз куйида шу мавзунинг бир қирраси, яъни В. И. Лениннинг ўзбек маданиятга кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида фикр юритишни истар эдик.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий  
адабий-бадиий журнали

№ 4 (410)

Апрель  
1984



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

В. И. Ленин ўтмишдаги жаҳон маданиятининг барча илгор ютуқлари бебаҳо бойлик эканини, маданий меросни ўзлаштириш ва ижодий қайта ишлаб ундан янги маданият қурилиши мақсадларида фойдаланиш зарурлигини қайта-қайта ўқитирган.

«Пролетар маданияти,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан эмас». «Янги жамият қураётган меҳнаткашлар эски ижтимоий муносабатлар томонидан яратилган ва социализмнинг моддий базаси бўлиб қолган маданиятигига қабул қилишлари мумкин. Шунингдек, В. И. Ленин мамлакатимизнинг барча халқлари маданий меросини чуқур ва ижодий ўзлаштириш зарурлигини ҳам ўқитиб ўтган.

1917 йил ноябрь ойида Совет ҳукумати «Ишчилар, деҳқонлар, солдатлар, матрослар ва барча Россия граждандарига» деган қақриқ эълон қилди. В. И. Ленин имзо чеккан бу қақриқда кенг жамоатчиликка қарата шундай дейилган эди: «Меҳнаткаш халқ табиий бойликлардан ташқари, улкан маданий бойликларга ҳам эга бўлди: бу ажиб гўзал бинаолар, ноёб ва ажойиб, сабоқли ва кўтаринки руҳ бахш этувчи буюмларга тўла музейлар, улкан маънавий хазиналарни асровчи кутубхоналар ва ҳоказолардир. Уларнинг бари энди камбағалга ва унинг болаларига аввалги ҳукмрон синфларникидан зиёда таълим беражак, уларни буткул бошқа одамга, эски маданиятга меросхўр, хали ҳеч кўрилмаган янги маданият ижодкорига айлантиради. Уртоқлар, бу халқ мулкини сергак кўриқлашимиз даркор» («Известия ВЦИК», 1917 й., 7 ноябрь). Бадийий бойликларни мамлакатдан ташқарига олиб чиқишни таъқиқлаш ва нодир санъат асарларини давлат рўйхати ва ҳисобига олиш ҳақидаги декретлар, Петроград, Москва, чекка ўлкалардаги саройлар, чорбоғлар, картина галерейларини мусодара қилиш ҳақидаги Совет ҳукумати қарорлари маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этди. Бу борада В. И. Лениннинг шахсан ғамхўрлик кўрсатиши алоҳида диққатга сазовордир. Унинг миллий ёдгорликларни авайлаб сақлашга оид маҳаллий Советларга берган оператив кўрсатмалари, Кремлдаги, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги таъмир ишларига бўлган эътибори фикримизнинг далилидир.

В. И. Ленин ўтмишнинг буюк сиймолари хотирасини абадийлаштириш, энг аввало, янги жамият кишиларини мафкуравий жиҳатдан тарбиялашдаги омиллардан бири, деб билди.

1918 йил 12 апрелда В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг «Республика ёдгорликлари ҳақида»ги тарихий декретига имзо чекди. Унда подшоҳлар ва уларнинг малайларига қўйилган ёдгорликларни олиб ташлаш, Россия социалистик революциясига бағиш-

ланган ҳайкаллар лойиҳасини яратиш бўйича конкурс ташкил қилиш масаласи кўтарилган эди.

Утмиш маданий меросига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш ҳақидаги В. И. Ленин кўрсатмаси, мамлакатда, жумладан, Совет Туркистонидида ҳам партия ва совет органлари томонидан изчил амалга оширилди бошланди. Масалан, Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 19 апрелдаги декрети билан князь Николай Романовнинг Тошкентдаги мажмуалари давлат мулки деб эълон қилинди. Уйи эса халқ музейига айлантирилди. В. И. Лениннинг шахсан кўрсатмаси билан Туркистон эҳолисига унинг ноёб ёдгорлиги — Урта Осиё Россия томонидан қўшиб олинган, Петербург кутубхонасига олиб кетилган VII аср араб ёзма ёдгорлиги — «Усмон қуръони» қайтариб берилди.

Доҳий 1920 йил 7 сентябрь Урта Осиё ва Қозоғистонда биринчи олий ўқув юрти — Туркистон Давлат университетини ташкил этиш ҳақидаги декретини имзолashi ҳам ўзбек маданияти истиқболи учун доҳияна ғамхўрликнинг ёрқин рамази бўлди. Москва ва Петрограддан Тошкентга 85 профессор, ўқитувчилар ва ўқув-таълим буюмлари ортлган 6 эшелон келди. Бу эшелон тарихга «Ленин эшелони» сифатида киргани бежиз эмас.

В. И. Ленин Ўзбекистон маданияти, фани ва обидаларига чуқур хўрмат ва эътибор билан қараган. Унинг табарруқ имзоси чекилган қатор ҳужжатлар рус, украин, белорус, грузин, ўзбек ва бошқа халқлар маданияти дурдонларининг сақлаб қолиниши ва умумбашарият мулкига айланишида улкан роль ўйнади.

1918 йилда РСФСР музей ишлари ва қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Бош комитети ташкил этилди, 1921 йилнинг 23 майида эса Турккомиссия ва Халқ Комиссарлари Совети Туркеспублика Халқ Маориф Комиссариати ҳузуринда Музей ишлари ва қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш комитети тузилди.

Бутунроссия Марказий Ижроия комитети Турккомиссия аъзолари М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак ўртоқларининг Туркистонга келиши билан ўтмиш ёдгорликларини сақлаш масаласига эътибор кучайтирилди. 1920 йилда Самарқандга келган В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе таклифи билан қадимги ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза қилиш бўйича Самарқанд комиссияси тасвир этилди.

Халқ Комиссарлари Советининг 1923 йил 5 ноябрдаги қарорига асосан Туркистон ўлкасининг турли областларида жойлашган 20 та қадимги ёдгорлик Туркистон маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти иختиёрига ўтказилди. Қўрилган тadbирлар натижаси-


да тарихий ва археологик жиҳатдан анча аҳамиятга молик 52 та ёдгорлик ҳисобга олинди; Туркистон АССРнинг еттига музейида моддий ва маънавий маданият бойликлари буюмларининг сони 114 минг 75 тага етди. Музей ишларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш учун Туркистонда ягона марказий аппарат тузилди, Урта Осиё халқларининг тарихий ўтмишини изчил ўрганиш учун шароит яратилди, ўлкада музей ишлари ривожлантирилди.

Шундай қилиб, ёш Совет республикаси учун ниҳоятда оғир бўлган йиллардаёқ, партия ва давлат ишлари билан гоъл бандликка қарамай, В. И. Ленин музей қурилиши ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берди.

Ҳозирда мамлакатимиздаги давлат музейларига 50 миллионга яқин мулоқий предметлари сақланади. Ўзбекистонда эса улар ярим миллионни ташкил этади. Музей бойликларини комплекшлаш, илмий тарзда йиғиш, асраш, тадқиқ этиш ва жамоат мақсадларида фойдаланишни марказлаштириш соҳасидаги ишлар Совет ҳукумати томонидан тасдиқланган «Совет Иттифоқи Давлат музейи фонди тўғрисида Низом» (1965) ва СССР Олий Совети томонидан 1976 йил октябр ойида қабул қилинган «Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун»да умумлаштирилган. Қонунчилик музей бойликлари, тарихий ва маданий ёдгорликларини СССРдаги барча халқларнинг муҳим маданий мулки, жаҳон маданияти хазинасининг таркибий қисми деб қарайди, уларни муҳофаза этишни, улардан жуда кенг қўламда фойдаланишни таъминлайди.

Музейларнинг роли ҳақидаги В. И. Ленин гоъларини ривожлантирувчи Совет давлати ишлаб чиққан низомларга мувофиқ, мамлакатимиздаги музей системаси фан, маданият ва ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларини ўзида бевосита намоён этувчи қомусий табиатга эгадир. Музейлар илмий муассасалар системасида алоҳида ўрин тутди, коллекцияларни системалаштириш, уларни илмий-планли равишда тузиш, маданият ва санъат ёдгорликларини сақлаш вазифаларини бажаради, омманинг маънавий эҳтиёжларини қондириш маърифатини оширишга хизмат қилади. Шу тариқа улар илмий-тадқиқот ҳамда илмий-оқартува муассасалари сифатида фан ва унинг соҳалари тараққиёти билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади.

Фан соҳасидаги ютуқлар музейлар тараққиётини белгилайди. Моддий ва маънавий ёдгорликлар тарих ҳақидаги турли муаммоларни ўрганишда ўзига хос бебаҳо манбаалардир. Бу йўналишда совет музейларининг таъбир доираси халқаро майдонга чиқиши



Марғилондаги «Атлас Абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг пушту тайёрлаш цехида.

Н. Шарипов фотоси


билан янада кенгайиб бормоқда. Барча қўшлар мамлакатлари билан коллекциялар, кўргазмалар алмашиши кенг йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда жаҳондаги 120 мамлакат билан маданий алоқа олиб борилаётир.

Республикамиздаги энг машҳур ва кўрам зиёратгоҳининг В. И. Ленин номи билан аталиши ҳам чуқур рамзий маънога эга. Тошкентдаги В. И. Ленин музейи ўзбек халқининг жаҳон пролетариати доҳийсига чуқур меҳр-муҳаббати ва миннатдорчилигининг тинчлиги сифатида қад ростлади. 1970 йилнинг 17 апрелида Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг очилиш маросимида ўртоқ Ш. Р. Рашидов шундай деган эди: «Шу нарса чуқур маънога эгаки, умумхалқ ифтихорига сазовор филиал биноси мисли кўрилмаган даражада қисқа вақт ичида барпо этилди, Ульяновск ва Шушенскоедаги улуғвор Ленин ёдгорликлари билан бир пайтда қад кўтарди. Ўртоқлар, шу нарса қувонарлики, Ўзбекистон ССР ленинизмни пропаганда қилишининг янги ажойиб макони билан бойиди. Ҳеч шубҳа йўқки, В. И. Ленин музейининг филиали Ватанимиздаги, чет мамлакатлардаги минг-минглаб меҳнаткашларнинг, барча авлодларнинг, барча миллатларнинг энг сеvimли жойи бўлиб қолади. Бу ерда яратилган бой экспозиция Ленин кўрсатган жасоратнинг улуғворлигини, ленинизмнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини янада чуқурроқ англашга, Ленин васиятлари Ўзбекистон диврида ва совет Шарқидаги барча республикаларда рўйбга чиққанлигини яққол кўришга ёрдам беради».

Бу — Ўзбекистон пойтахтидаги мраммар, гранит, ганчдан барпо этилган гўзал бинодир. Унда архитекторлар ва бинакорлар, монтажчилар ва рассомлар, халқ усталари ва олимларнинг зукко ақли, истеъдоди ва меҳнати ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Зеро, Ленин номи ила Советлар Иттифоқи, шу жумладан, Ўзбекистон, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бутун тараққиёпарвар инсоният соадати ва унинг истиқболи чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда Ленин иштини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шараф билан давом эттирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Февраль (1984 йил) пленумида айтган куйидаги сўзлари гоят тўғридир:

«Давомийлик — маъхум тушунча эмас, балки реал, жонли ишдир. Бинобарин, унинг моҳияти аввало тўхтамай, олға боришдан иборат. Борганда ҳам, илғари эришилган ҳамма натижаларга таяниб, уни ижодий бойитиб, коммунистларнинг, ишчилар синфининг, бутун халқнинг коллектив фикрини, куч-ғайратини ҳал этилмаган масалаларга, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларга қаратишдан иборат».



Жамол КАМОЛ

## УМИДЛИ ДУНЁ ҚУШИҒИ

Олуца бутотида дўмбоқ бир олучадек  
Бир қўшча ўлтирибди, Машриққа термулиб зор.  
У қўшни кутади, кўксига тегиб юрак,  
Шу кичкина юракнинг дунёдан умиди бор.

Унинг боши устида шивирлайди бир япроқ,  
Кўзини ўзмай турар у ҳам машриқ томондан.  
Унинг ҳам юрагида яшаш деган иштиёқ,  
Унинг ҳам умиди бор шу умидли жаҳондан.

Намиққан, ҳўл тупроққа икки тиззасин тираб,  
Уша кунчиқар ёққа тикилиб турар одам.  
«Офтоби!», дейди ҳар замон, «офтоби!», дейди  
пичирлаб,  
Интизор кўзларида умидлари бир олам...

Тиним билмас шу жоннинг қуёшдан умиди ҳақ,  
Лекин озмунча эмас ўртада масофаси.  
«Умидим сарвари» деб қўшини кутар илҳақ  
Ҳазрати Одам бошлиқ жону жонзот ҳаммаси.

Ана, уфқ кўксига шафақдан урилар ниш,  
Япроққа шўъла тушиб, ёришиб кетар фалак.  
Қанотларини силкиб, қўшча бошлайди хониш,  
Одам ўз юмушига ёпишади жонҳалак...

Умидли шу дунёда шундай бошланади кун,  
Кўёш осмон тоқига кўтарилар ловуллаб.  
Китъалар ёришади, тоғлар бўлиб лолугун,  
Дарёлар денгизларга қуйилади шовуллаб...

Шуълаларга гарқ бўлиб ярқираб чўлу чаман,  
Ҳамма ёқда ҳужирон ҳаёт деган зўр тилсим.  
Тунлари юлдузларга термулиб тўлмайман,  
Эрта яна порлайди менинг умид юлдузим!..

Ҳаёт корхонасида шундай кечади айём,  
Эртасига кўз тикиб, бунда боқийдир башар!  
Фақат одамизодмас, жону жонзот батамом  
Эртани кутиб яшар, эртани кутиб яшар!

Оналар нон ёпади, оталар экар экин,  
Бировага саҳар сулув, бировага кун ўртаси.  
Миллион йиллар кечади, миллион йиллар ва лекин,  
Умидли шу дунёнинг битмайдиган ҳеч эртаси.

Онг билан ёришган қалб, ишқ билан йўғрилган жон  
Эртага етайин, деб баъзан қонлар ютади.  
Муҳаббатнинг умиди эртадан жаҳон-жаҳон,  
Ҳатто нафрату алам эртага кўз тутайди...

Эй сен, миллион йилларнинг тўғйонин ёриб тикка,  
Узининг ўзлигини сақлаб келолган жоним,  
Нега қалтираб қолдинг, не учун бу таҳлика,  
Эртанинг умидидан айрилдингми, жаҳоним!..

Наҳотки ер юзида яқунга етиб ҳаёт,  
Энг сўнги эртасига етиб келибди башар!  
Йўқ, бу афсона эмас, хурофот эмас, ҳайҳот,  
Дунёмиз эшигини қоқиб турибди маҳшар!..

Миллион йиллик маърифат — меҳнат, ижод, машаққат,  
Жаҳоний интилишлар наҳотки бўлса бир пул?  
Наҳотки еримизда қойим бўлиб қиёмат,  
Буткул қору бориамиз куйиб кул бўлса буткул?

Атлантика уммони наҳот ҳайқириб-тошиб,  
Евро-Осиё оша Тинч уммонга қуйилса?  
Шимол муз океани ўз сарҳадидан ошиб,  
Ҳинд уммонига етиб, тўғйон бўлиб юлса!

Алҳазар, минг алҳазар! Одамизод дегани  
Шунчалар жоҳил бўлиб, шунчалар тушгани наст!  
Башариёт бошига солиб бу ваҳимани,  
Дарёдаги қилиб турган бир тўда балойи нафс!

Жаҳон ҳалокатига наҳотки бўлса сабаб  
Одамизод қадамдан чиққан иблис бедод?  
Уз она бешигидан атом гулхани ясаб,  
Жизганак бўлиб ёнса наҳот одам авлоди!

Наҳотки шу дунёдан, дунёдаги ҳаётдан,  
Ҳаётдаги наҳотдан устун келса манфаат!  
Эй, гушна кўзларини айирмай коинотдан,  
Жаҳонга мушт қадаган зўравонларга лаянат!

Зўравон деганларга дунё олмақ — бир ҳавас.  
Ҳамон фалакда кезар Гренада афғони.  
Агар тўқар бўлсангиз, бўғингиздан тутар, бас,  
Никарагуа қони, Никарагуа қони!..

Рейн соҳилларида аросат ичра қолиб,  
Эртанинг қадамидан инсонлар ваҳм тинглар.  
Машум бир арвоқ каби қора кўланка солиб,  
Ёнида турар бўлса «МХ»лар ва «Першинг»лар!..

Сенами, Миссисипи, Волга, Сир ёки Аму —  
Шарқираб оқа берсин, сура тинмасин, дейман.  
Кичкина шу Еримиз — Қуёшга қумуш кўзгу,  
Ҳай-ҳай, шилло ойнаи чил-чил синмасин, дейман!

Биламан, бу жаҳонда инсоннинг умри қисқа,  
Лекин башар бор бўлсин, яшаб-яшасин дунё.  
Мендан сўнг ҳам кун балкиб, табнат яшамаса,  
Мен бахтсизман бир уюм тупроқ остида ҳатто...

Ҳой, сен, шўрлик урушқоқ, худбинликда тошбағир,  
Бу дунёда ҳар кимса эканини йиғайди.  
Ҳаёт деган асрорин сен яратмадинг, ахир,  
Бас, уни йўқотишга қандай ҳадининг сифади!!

Ҳаммамиз одамлармиз, бизникидир шу дунё,  
Ер деб аталган макон ҳаммамизники демак.  
Шунчалар палидимсан, шунчалар бахти қаро,  
Уз уйига ўт қўяр қайси нодон, кўрнамак!

Инсонлар, ҳей, инсонлар, овоз қўйинг баралла,  
Уруш пайида юрган нокаслар бадном бўлсин.  
Таъналар тоши билан боши бўлсин дабдала,  
Оналарнинг оқ сути уларга ҳаром бўлсин!

Биз уруш кўрган халқимиз, ҳамон бағримизда ўқ,  
Юртимиз — шаҳидларнинг муқаддас хоки локи.  
Уруш солган жароҳат ҳали битганича йўқ,  
Ҳали битмаган буткул кўксимиз алам чоки...

Қуёшли шу тупроқда нону насибга тайин,  
Тинчлик, омонлик керак, бизга на ҳожат уруш.  
Ҳар бир халқ ҳар бир улус ўз ерига хўжайин,  
Бола-чақаси билан бахтиёр бўлса, на хуш!

Умидли шу дунёдан умид аримасин ҳеч,  
Уғилларимиз куёв, қизлар келинчақ бўлсин.  
Ҳамроҳимиз китобу рубоб бўлиб эрта-кеч,  
Тоғларда кўк чашмалар, боғларда чечак бўлсин!..

Олуца бутотида дўмбоқ бир олучадек  
Бир қўшча ўлтирибди, Машриққа термулиб зор.  
Тинчлик — омонлик, дейди кўксига тегиб юрак,  
Шу кичкина юракнинг дунёдан умиди бор...


Биз, ахир, инсонлармиз, ёруғ жаҳон олдига  
Маъсулмиз, тинчлик бўлсин ҳамиша эзгу ният.  
Еру осмон олинда, замин-замон олинда  
То абад юзи қаро бўлмасин башариёт!..

1984 йил


# ШУНҚОРЛАР ПАРВОЗИ



«Союз—Т—10» кемасининг командири, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Леонид Денисович КИЗИМ.



«Союз—Т—10» кемасининг борт инженери Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВ.



«Союз—Т—10» кемасининг тадқиқотчи космонавти Олег Юрьевич АТКОВ.

Космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1984 йил 8 февраль кuni Москва вақти билан соат 15 дан 07 минут ўтганда Совет Иттифоқида наватбади «Союз—Т—10» космик кемаси фазога учирилди. Уни кема командири, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси полковник Леонид Денисович Кизим, борт-инженер Владимир Алексеевич Соловьев ҳамда тадқиқотчи космонавт Олег Юрьевич Атьковдан иборат экипаж бошқармоқда. Экипажнинг мақсад-вазифаси бу гал ҳам космосда илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказишдан иборатдир. «Союз—Т—10» космик кемаси «Салют—7» орбитал илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилгач, космонавтлар Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьковлар меҳнат вахтасини ўташга киришдилар.

Космонавтлар, В. Ляхов ва А. Александровларнинг парвози вақтида ҳамда А. Березовой ва В. Лебедев экспедицияси пайтида «Салют—7»да тўлланиб қолган илмий аппаратура, ундаги юклар билан танишиб чиқдилар ҳамда медицина-биологик экспериментларни, Ер ва Дунё денгизларининг табиий ресурсларини кузатишни бошлаб юбордилар.

Космонавтлар бунгача станция жиҳозлари ва аппаратураларини жой-жойига ўрнаштиришга мўлжалланган ишларни бажардилар. Утган кунлар ичида улар қўл ориентацияси режимида бошқарув системаларининг ишларини, илмий аппаратура пултиларини синиш, иллюминаторларни кўздан кечириш ва суратга олишда қатор текширишларни амалга оширдилар. Булардан ташқари, совет космонавтлари вазнсизлик ҳолатига кўникиш ва профилактика воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг қийин даврида вестибуляр тузилишлар механизмини чуқурроқ ўрганиш мақсадида қатор медицина экспериментларини бажардилар.

Станцияда регламентли профилактик тадбирларни ўтказиш плани бўйича бугунги кунда экипаж олдида атмосферали намликдан сув регенерацияси системасида янги блокни ўрнатиш, «Аэлит»—01» аппаратларидаги айрим элементларни алмаштириш, радио алоқа воситаларини текшириб кўриш вазифаси турибди.

23 февраль кuni Москва вақти билан соат 11 дан 21 минут ўтганда «Прогресс-19» юк кемаси киши бошқарадиган орбитал комплекс «Салют-7»—«Союз—Т—10» билан автомат тарзда туташтирилди.

Космик аппаратларининг бир-бирини излаши, бир-бирига ёндашуви ва туташуви борт-автоматика ёрдами билан бажарилди. Бу жараёнларни учинчи бошқариш маркази билан орбитал комплексининг экипажи — космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьков назорат этиб турдилар. Юк кемаси станциянинг агрегат бўлмаси томонидан унга туташтирилди.

Февраль ойининг учинчи кунлигида экипажнинг иш программасига геофизик тадқиқотларни ўтказиш, «Прогресс-19» кемасидаги юкларни тушириб олиш, станцияда белгиланган профилактика тадбирларини бажариш киритилган эди. Планеталарро муҳитини, галактикадаги ва галактикадан ташқаридаги нурланиш манбаларини ўрганишни давом эттириш мақсадида 24 февраль кuni Кромелина кометаси фотосуратга олинди. Космонавтлар халқ хўжалиги вазифаларини ва илмий вазифаларини ҳал этиш манфаатлари йўлида Ер юзасини комплекс тадқиқ этишининг наватбади сериясини бошладилар. Экипажнинг докладлари ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра «Салют-7»—«Союз—Т—10»—«Прогресс-19» илмий-тадқиқот комплекси ичидagi системалар нормал ишлаб турибди. Шунқорлар парвози давом этаётир.

## МУТТАСИЛ САЁҲАТ

Сайёрамиз — Ер бир вақтнинг ўзида иккита асосий ҳаракатда иштирок қилади. Булардан бири — унинг Қуёш атрофидаги ҳаракати бўлиб, тезлиги секундига салкам 30 километри ташкил қилади ва бир йилда 939,5 миллион километри йўлни босиб ўтади. Бу йўлни соатига минг километр учадиган реактив двигателли самолёт 107 йилдан кўпроқ вақтгагина ўта олади.

Планетамизнинг иккинчи йўли, Қуёшнинг Галактика маркази атрофида ҳаракатида ҳамроҳлик қилишдан вужудга келиб, секундига 240 километри ташкил қилади. Бу ҳаракат

туфайли Ер Қуёш билан бирга учиб, бир йилда 7 миллиард 520 миллион километрли йўлни ўтади.

Шундай қилиб, планетамиз ўз бағридан бизга паноҳ бериши, еб-ичириши ва кийдиришидан ташқари, Коинот бўйлаб 4,5 миллиарддан ортиқ «табиий космонавт»ларни текинга сайр қилдиради. Бу жиҳатлари билан у Она дейилишига жуда ҳам ҳақли. Шу боисдан инсоният планетамизни ҳалокатга йўлловчи телбасифат барча сўёсатчиларни модаркуш деб аташга тўла ҳақлидир.

М. МАМАДАЗИМОВ

# ЭНЕРГЕТИКЛАР

**У**ЗБЕКИСТОН энергетикасининг байроқдори Сирдарё ГРЭСи шу йил март ойида юзинчи миллиард килловат соат электр энергиясини ишлаб чиқарди. Бу — республикамиз ташкил этилганлигининг муборак 60 йиллиги нишонланганидан йилда рўй берди.

Иттифоқда ленинча ГОЭЛРО плани амалга оширилиши учун кураш бошланган 1924 йили Совет Ўзбекистони энергетикасининг қалдирғочи — Бўзсув ГЭСи пойдевориغا биринчи ғишт кўйилган эди. ГЭСнинг лойиҳа қуввати 4 минг килловат бўлиб, бу ўша давр нуқтан назаридан юқори даража ҳисобланарди. Бугун эса Урта Осиёда энг йирик иссиқлик электр станцияси — Сирдарё ГРЭСининг йиллик лойиҳа қуввати 3 миллион килловат бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 40 фоизини ташкил этади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида республика электр станцияларининг иссиқлик энергияси қуввати 10 миллион килловатни, энергия ишлаб чиқариш қуввати эса 41 миллиард килловат-соатни ташкил этди. Энергетика бугунги кунда халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини янада тараққий эттириш, халқ фаровонлигини муттасил ўстириб боришда муҳим аҳамият касб этаётир. Уз навбатда энергетикамиз равнақи совет кишиларининг фидокорона меҳнати самаралари билан чамбарчас боғлиқ. Кичкинагина Бўзсув ГЭСидан Сирдарё ГРЭСига қадар босиб ўтилган шонли йилларда миллий кадрлар ҳам шаклланди, камол топди. Ана шу меҳнаткаш энергетиклар даврасида Холназаровлар сулоласининг ҳам ўз муносиб ўрни бор.

Жоназар бобо Холназаровлар оиласи энергетикларнинг навқирон ва кўркам шахарчаси Ширинда истиқомат қилишда. Шаҳар Мирзачўл ва Далварзин даштлари, Мўғултоғ ва Туркистон тизма тоғлари билан ўраб олинган, гўё яшил ва сулув Фарғона водийсининг бир парчасини эслатади.

Афсонавий Фарҳод ГЭСи ва қудратли Сирдарё ГРЭСининг қурлиши натижасида бу ерда кучли энергетика тармоғи вужудга келтирилди. Бу шубҳасиз, республикада улкан саноат базасини жадал ривожлантириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Сирдарё ГРЭСи комплексининг тарихи Жоназар бобо ва унинг фарзандлари ҳаёти билан ниҳоятда уйғун. Уларнинг тақдирини ҳам шу ГРЭС ва шахар қурилиши тақдирига ҳамоҳанг.

Жоназар бобонинг беш ўғил ва бир қизин бор.



Жоназар бобо ва Онахон буви фарзандлари даврасида.

Автор фотолари

Улар дам олиш ва байрам кунлари бобо уйда тўп-ланишади. Уша кун бу хонадон гўё тўйхона тусини олади. Негаки, бобонинг барча ўғиллари ота изидан боришяпти. Бугун уларнинг ҳаммаси энергетик. Жоназар бобо ўнр йўлдоши Онахон буви билан ана шундай фарзандларини тарбиялаганидан хурсанд.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари Жоназар қишлоқда биринчи бўлиб, колхозга кирди, тракторчилик касбини эгаллади. Ер ҳайдади, дон, пахта эди. Катта Фарғона канали қурилишида қатнашди. Ватан уруши йилларида Белоруссия, Иккинчи Украина ва Болтиқбўйи фронтларида фашистларга қарши жангларда иштирок этди. Икки бор оғир яраланди. Фрондан қайтган, қудратли Фарҳод ГЭСи қурилишида меҳнат қила бошлади. 1948 йили биринчи мартаба Сирдарё ва Мирзачўлда Ильич чироқлари порлади. Ана шу кундан бошлаб Жоназар бобо энергетика соҳасининг муҳим ишчиси бўлиб қолди. Худди шу соҳада бахтинин топди. Оғир, аммо сурурли, ҳалол меҳнати билан фарзандларига ўрнак бўлди. Шунинг учун ҳам фарзандлари — Абдуҳамид, Абдуҳаким, Тоҳир ва Рўзбойлар ота касбини эгаллашди.

Абдуҳамид Жоназаров Бекобод индустриал техникумида ўқиб, техник-электрик мутахассислигини эгаллади. Сўнгра отаси ёнига — Фарҳод ГЭСига ишга келди. Тез орада Ширинда Урта Осиёда ва Иттифоқда энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири — Сирдарё ГРЭСи қурилиши кенг миқёсда авж олдириб юборилди. Қурилиш 1970 йил 22 апрелда — улуг доҳиймиз Владимир Ильич Ленин тўғилган кунин бошланди. Орадан уч йил ўтгач, 1972 йил 22 декабрда иссиқлик электр станциясининг биринчи энергоблоки фойдаланишга топширилди. Худди шу йили Сирдарё ГРЭСига «СССР 50 йиллиги» номи берилди. Шундан сўнғ ҳар йили битта, баъзи йилларда эса иккитадан энергоблок фойдаланишга топширилди.

ГРЭСда автоматлашган ва механизмлашган мураккаб технологик жараёнлар юксак даражада тақомиллашган. Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида қозон агрегатлари, турбиналар, генераторлар, трансформаторлар, ёрдамчи қурилмалар иши кузатиб борилади. Қурилмаларни авария ҳолатидан ҳимоя қилиш, ёрдамчи воситаларни соғлаш автоматлаштирилган. Умуман, иссиқлик электр станцияси ва ундан фойдаланувчи тармоқларни республика энергосистемалари Марказидан бошқарилади.

Сирдарёнинг чап соҳилида, Жанубий Мирзачўл машина канали ёнида Ширин шаҳри қад кўтарган.

Шаҳарда ГРЭС қурувчилари учун маданий-маиший объектлар қурилган, мактаблар, болалар боғчалари, шифохона, ошхоналар, магазинлар, музика мактаби энергетиклар хизматида. Ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди.

ГРЭС қурилиши миқёси ва кўлами жиҳатидан ноёб ишоотлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ишлаш ҳар бир кишидан катта маҳорат ва алоҳида малака талаб қилади. Шуни назарда тутиб, электростанция қурилиши раҳбарлари Абдуҳамид Холназаровни Ленинградга иссиқлик электр станцияси автоматикаси ва реле ҳимояси соҳаси бўйича малака ошириш курсига ўқишга жўнатишди. Абдуҳамид ў ердан касби бўйича юқори даражали мутахассис бўлиб қайтди. Ҳозирги пайда у ГРЭС электр лабораториясининг катта масъули бўлиб ишлаётир. Реле қурилмаларининг бир маромда ишлашини таъминлаш, очиқ усулдаги тақсимлагичларнинг иш ҳолатини кузатиш каби масъулият унинг зиммасида. Актив жамоатчи сифатида меҳнат коллективда тарбиявий ишларни олиб боради. У устоз сифатида кўплаб шогирдлар ҳам етиштирди. Александр Стенин Абдуҳамиднинг устози бўлса, укалари Абдуҳаким, Тоҳир ва Рўзбойлар унинг шогирдларидир.


Абдуҳамид сингари Абдуҳаким ҳам, Тоҳир ҳам Бекобод индустриал техникумида техник-электрик мутахассислигини бўйича таҳсил олишган. Рўзбой эса техникумини тугаллаш арафасида. Ака-укаларнинг ҳаммасининг мақсад-маслаги битта, у ҳам бўлса, халқ ҳўжалигига кўплаб электр қуввати етказиб беришдек ишга муносиб ҳисса қўшиш.

Сирдарё ГРЭСи коллективи бугунги кунда КПСР Марказий Комитети Декабрь [1983 йил] пленуми қарорларини амалга ошириш учун зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Улар ишлаб чиқариш унумдорлигини бир процентга кўтариш ва маҳсулот таннарихини ярим процент туширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, иш сифатини яхшилаш, самарадорликни ошириш социалистик мусобақанинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Бугунги кунда иссиқлик электр станциясининг икки мингга яқин ишчиси умум-халқ мусобақасида фаол иштирок этмоқда. Улар орасида Жоназар бобонинг фарзандлари Абдуҳамид, Абдуҳаким, Тоҳир ва Рўзбойлар ҳам бор.

Ҳар тонг фарзандларини янги меҳнат ваҳтасига кузатиб қоларкан, Жоназар бобо дилдан бир эзгу ният кечади: «Ер юзида тинчлик бўлсин. Фарзандларимиз шонли ишимизни давом эттирсин», дейди у.

Ю. ШАФЕРОВ,  
И. МОИСЕЕВ



СССР 50 йиллиги номидаги Сирдарё ГРЭСининг умумий кўриниши.

# ШОНЛИ САҲИФА

Нажим ҲАМРОЕВ,

СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги ҳузуридаги Урта Осиё Ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

КПСС Марказий Комитетининг 1954 йил Март пленуми «Мамлакатда дон ишлаб чиқаришни янада кўлайтириш ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилганга ўттиз йил тўлди. Орадан ўтган ана шу қисқа давр ичида бепоян мамлакатимизда бўш ётган қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш борасида буюк ишлар рўйбга чиқарилди, халқимизнинг бунёдкорлик тарихига яна ажойиб саҳифалар битилди. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ўзлаштирилган ерлар ҳисобига изчил тараққий эттириш вазифаси шараф билан адо этилди. Асрлар давомида сувсизликдан қақраган ерлар ўрнида эндиликда бўстонлар яшнамда, бўғдойзорлар, пахтазорлар, бог-роғлар шовулламоқда.

Дастлаб Қозоғистон даштларига ҳўжум бошланди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ўн минглаб ватанпарварлар партия қақриғига биноан асрий чўллари ўзлаштиришга ўзларини сафарбар деб билдилар. Тарихий ҳўноқат қабул қилганга ўша 1954 йилнинг ўзидеёқ Қозоғистонда 13 миллион гектар қўриқ ер ўзлаштирилиши лозим эди. Кейинчалик эса бу ишлар ҳамма икки-уч барабар ортиши керак эди. Қўриқ ўзлаштирилиши бундай миқёс ва кўлами ўша пайтга қадар жаҳон тарихи учун бемисл эди.

1956 йили Қозоғистоннинг ўзлаштирилган қўриғидан биринчи миллиард пуд дон йиғштириб олинди. Ана шу меҳнат жасорати учун республика биринчи марта Ленин ордени билан тақдирланди. Бу пайтга келиб мамлакатнинг бошқа районларида ҳам қўриқ ўзлаштирилиши узоқ муддатга мўлжалланган программаси ишлаб чиқиля бошланди.

Урта Осиё республикаларида ҳам бу борада катта ишларни изчил амалга оширишга киришилди. Мамлакатнинг пахта, шולי ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига тобора ортиб бораётган эҳтиёжи деҳқончилик тараққиёти учун муҳим резерв бўлган ярим чўл ва саҳроларни кенг миқёсда ўзлаштиришни тақозо этарди. Йиррик чўл массивларини, биринчи навбатда Мирзачўлини ўзлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Партия ва ҳўкуматимиз бу ишларнинг юксак суръатлар билан давом эттирилиши лозимлигини таъкидладилар. Ирригация ва мелиорация ишшоотларини қўриш билан бир вақтнинг ўзида янги ерларда ташкил топаётган совхозларда уй-жойлар, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш истиқоматгоҳларида яшайдиган қурувчилар ва қишлоқ ҳўжалиги ишчиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари шаҳарлардаги соаноат корхоналари ишчиларининг ҳаёти ва меҳнат шароитларидан фарқ қилмаслиги лозим эди.

Ана шу асосда принципал жиҳатдан бутунлай янги, иш миқёси ва состави жиҳатидан мамлакатимиз ва чет элларда ҳам қиёссиз бўлган Мирзачўл ерларини ўзлаштириш Бош бошқармаси [«Главгосподниспострой»], ундан кейин эса Урта Осиё Ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармаси [«Главсредазирсовхозстрой»] деб аталган қурилиш-ўзлаштириш ташкилотлари тўзилдики, улар иқтисодий масалалар билан бирга социал масалаларни ҳам ҳал этишга қодир эдилар. Яъни замонавий агротехника тажрибаларига асосланган ҳолда қўриқ ерларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, шунингдек, барча қўлайликларга эга бўлган, ҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган замонавий шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиш ана шу ташкилотлар зиммасига юкланди.

Эндиликда Урта Осиё Ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармаси СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлигининг йиррик қурилиш-ўзлаштириш ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бу ташкилотнинг бўлиналари қўриқ ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ комплекс ишларни — ирригация-мелиорация системалари ва агро ишлаб чиқариш районларини лойиҳалаш ва уларни қўришдан тортиб, янги совхозлар қурилишининг ташкилий жараёнида улар-

ни эксплуатация қилиш ва ўзлаштирилган ерлардан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари олишгача бўлган тадбирларни амалга оширади.

Ана шу ишларни олиб бориш учун бизда қурилиш материаллари ва қурилиш индустриясининг йиррик соаноат базаси вужудга келтирилган. Ҳозирги пайтда ирригация-мелиорация ва соаноат-граждан қурилиши эҳтиёжлари учун 40 дан зиёд корхона бир миллион куб-метр ҳажмида йиғма темир-бетон бўюмлари ва конструкциялари, 4,2 миллион куб-метр сараланган рудасиз материаллари, 260 минг куб-метр керамзит, 6,5 минг шартли километр узунликда дренаж қувурлари, 88 миллион донга гишт, 13 минг тонна металл конструкциялари ва бошқа хил бўюмлар ишлаб чиқарадилар. Барча қурилиш ташкилотларимизнинг қурилиш материаллари ва конструкциялари га бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилмоқда.

Бош бошқарма принципал жиҳатдан бутунлай янгича бўлган комплекс қурилишга раҳбарлик қилиб, барча бўғинларда юксак натижаларга эришмоқда. Бошқармаимиз қуриляётган 9 та корхона маъмурияти, 4 та қурилиш-ўзлаштириш территориал бошқармаси, 3 та бирлашма, 25 га яқин умумий қурилиш, монтаж ва ихтисослашган трестлар, деярли 260 та қурилиш-монтаж бошқармалари ва кўча меҳанизмлашган колониаларни ўз атрофида бирлаштирган. Фақат 1983 йилнинг ўзидеёқ Бош бошқарма ташкилотлари 574 миллион сўмдан зиёд капитал маблағини ўзлаштирдилар.



Чорак асрдан зиёд вақтдан бери Урта Осиёда қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш ишлари олиб борилмақда. Бу ишлар Мирзачўлда ниҳоясига етказилмаётди. Эндиликда бу ерлар унумдор ўлкага айланади. Мирзачўлда деярли 360 минг гектар дашт ерларга сув чиқарилади, 60 дан зиёд юксак даражада механизмлашган замонавий совхозлар бунёд этилади. Бу ерларда 3,5 миллион квадрат-метр ҳажмида уй-жой қурилади. 50 минг ўқувчи учун мактаблар, 18 минг ўринга эга бўлган мактабгача болалар муассасалари, кўплаб шифохоналар, маданият уйлари, маданий-маиший объектлар қад кўтарди.

Жанубий Мирзачўл канали орқали Сирдарё сувини олаётган Мирзачўлдаги янги ҳўжаликлар йил сайин кўплаб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ҳўжаликлар давлатга 5,8 миллион тонна пахта хом ашёси, 13 минг тоннадан зиёд гишт, 150 минг тонна сўт, деярли 170 минг тонна картошка ва сабзавот етказиб бердилар. Мирзачўлда маҳсулотларини қайта ишлаб берадиган ўнлаб янги корхоналар қурилди ва қурилмоқда.

Қарши даштларини ўзлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам совет ишчиларининг яратувчилик руҳига монанд. Бу ерда Ўзбекистоннинг йилга 1,3 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берадиган йиррик иқтисодий райони вужудга келти-

рилмоқда. Амударё сувини 132 метр юқорига кўтариб берадиган Қарши магистрал каналининг қурилиши ва 1,6 миллиард куб-метр ҳажмига эга бўлган Толлимаржон сув олборининг бунёд этилиши натижасида 350 минг гектар ерни сўғориш имконияти юзага келди. Янги ўзлаштирилган ерларда 40 та совхоз бунёд этилди. Бу ҳўжаликларнинг барчаси уй-жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектларга эга.

Яқин-яқинларда қақраган даштлар ўрнида Толлимаржон, Дўстлик каби шаҳарлар, Нишон, Ульяновск каби район марказлари, Бўстон посёлкаси қад кўтарди. Улар бунёдкор инсон шаънига мўносиб ҳайкаллاردир.

Қарши даштидаги қўриқ совхозлар ҳозирнинг ўзидеёқ Қашқадарё областида етиштириляётган умумий пахта хом ашёсининг 40 процентини етказиб бераётди.

Қарши даштларини сўғориш ва ўзлаштирилиши биринчи навбати ниҳоясига етказилиши билан унинг иккинчи навбати бошлаб юборилди. Ана шу мақсадда ташкил этилган Қарши ирригация ва дашт ерларни ўзлаштириш территориал бошқармаси [«Қаршиирстелстрой»] 164 минг гектар ҳажмида қўриқ ўзлаштириши лозим. Бу ерда юзага келган дастлабки совхозлар ҳозирнинг ўзидеёқ давлатга 120 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Жиззах даштини КПСС XXV съездининг фарзанди деб атайдилар, чунки бу ерда ёппасига ўзлаштириш ишларининг бошланиши партияимизнинг ана шу олий анжумани қарорлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда йиррик магистрал ирригация ишоотлари қурилмоқда. Сувни 178 метр баландликка кўтариб берадиган тўрта насос станциясидан ўчтаси қурилмоқда. Уларнинг дастлабки агрегатлари орқали етказиб берилган сув билан 50 минг гектар қўриқ ерда сўғориш ишлари бошлаб юборилди, натижада эндигина ташкил топаётган совхозлар 100 минг тоннадан зиёд пахта етиштирдилар.

Уиничи беш йилликнинг охирида Ўзбекистон харитасида катта истиқболга эга ана бир пахтачилик райони — Бўхоро областида Қоровулбозор массиви пайдо бўлди. Бу ерларни Бўхоро Ирригация ва совхозлар қурилиши территориал бошқармаси [«Бухоранрсовхозстрой»] ўзлаштирилмоқда. Қоровулбозор массивида 80 минг гектар ерга сув чиқарилиб, 16 та совхоз ташкил топади ва улар келгусида йилга 160 минг тоннадан пахта ҳосили оладилар. Геологик жиҳатдан мураккаб шароитларга қарамасдан қурувчилар совхозларнинг дастлабки участкаларига сув етказиб бердилар. Бу ерда ҳам кейинги уч йил давомида 40 минг тонна «оқ олтин», кўплаб мева-сабзавот етиштирилди.

Қорақалпоғистоннинг жанубида — Қирқиз массивида ҳам янги пахтачилик районларини ўзлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом этаётди. Бу ишларни Совхозлар ва сув ҳўжалиги қурилиш Қирқиз бирлашмаси рўйбга чиқармоқда. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг янги базаси вужудга келиши ҳамда қурилиш индустриясининг тараққиёси натижасида автоном республика жанубининг социалистидий қиёфаси тубдан ўзгариб кетади.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил Май пленумидан кейин бизнинг бошқармаимиз Оролбўйи ерларини ўзлаштириб, бу ерда шолкорлик ҳўжалигини ташкил этишга киришган эди. Ташкил этилган ва этиляётган совхозлар мамлакатда етиштириляётган шолкорини 12 процентини, Ўзбекистон бўйича эса 68 процентини етиштирилмоқда. Ўзлаштириш ишлари бошлангандан бунён давлатга 2,5 миллион тонна шол кортилади. Бу — совхозлар қурилиши билан бир пайтинги ўзда шолчиликдаги самарали агротехник усулларни изчил жорий этиш натижасидир. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакики, Қорақалпоғистонда қуриляётган шолчилик системалари мамлакат бўйича анчагина такомиллашган системалар ҳисобланади.



# УЛУҒ ДАҲОЛАР ҲАЁТИ СОЛНОМАСИ

К. МАРКС



БИОГРАФИЯ

Е. А. СТЕПАНОВА

ФРИДРИХ  
ЭНГЕЛЬС  
ҚИСҚАЧА БИОГРАФИК СӨЧЕРК

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс... Бутун дунё пролетариатининг, барча меҳнатқиларининг бу икки дохийиси биргаликда пролетариатнинг коммунизм ғалабаси учун сиғийи кураш назарияси ва тактикасини ишлаб чиқди. Маркс номи билан боғлиқ энг илгор, ҳақиқий илмий назария инсониятга ва энг революцион сиғи бўлган пролетариатга дунёни билиш ва уни қайта ўзгартириш учун буюк қурол берди. Марксизмни улуг дохий Владимир Ильич Ленин янгича шартонда янада ривожлантирди, бойитди, шу тариқа марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган, В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида рус пролетариати бошлаган инқилоб — Улуг Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихида янги давр — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берди. Совет халқи Коммунистик партия раҳнамолигида буюк муваффақиятларни қўлга киритди, етук социалистик жамият қурди, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммунистик қурилиш соҳасида янгидан-янги ғалабарига эришмоқда. «Партиянинг кучи — унинг бирлигида, марксизм-ленинизмга садоқатида, оммаини ижодий активлигини ривожлантириш ва йўлга солиб туриш, уни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипшлаштириш, ленинча синлаган принциплар ва методларга амал қилиш қобилиятидадир», — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко 1984 йил Февраль пленумида сўзлаган нутқида.

Шундай: марксизм-ленинизм ғоялари улуг ижтимоий ғалабаларимизни таъмин этмоқда. Дарвоқе, маркс-

изм-ленинизм таълимотини янада чуқурроқ ўрганиш, улуг дохийларимиз — Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ильич Ленин ҳаётини тағни ҳам тереңроқ ўрганиш бизни маънан юксалтиради, актив ҳаётий позициямизни бундан ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради. Небарин, П. Н. Федосеев раҳбарлигидаги авторлар коллективи КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтида яратган «Карл Маркс» биографиясининг русча иккинчи наشري, Е. А. Степанованинг «Карл Маркс» қисқача биографик очеркини таъмин қилиб нашр этилиши ижтимоий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

«Карл Маркс» биографияси «Муқаддима»дан ташқари 16 бобдан иборат. Шунингдек, унга исмлар кўрсаткичи, даврий нашрлар кўрсаткичи илова қилинган, китоб Маркснинг ҳаёт йўли ва ижодини ақс эттирувчи — К. Маркс ва Ф. Энгельс музеида, шунингдек, КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Марказий партия архивида сақланиб турган кўпгина суратлар билан безатилаган.

Ҳар жиҳатдан мукаммал бу нашр «Муқаддима»сида илмий коммунизмга асос солган Маркснинг таржиман ҳолини яратиб бериб, даълатлик таърибларини қилиб қўрган одам унинг буюк садоқоши Фридрих Энгельс бўлганлиги, у Маркс тўғрисида таржиман ҳолга оид бир неча жуда ажойиб очерклар, шунингдек, Маркснинг айрим даврлардаги фаолиятини ёритиб кўрсатадиган бир қанча мақолапар ёзганлиги, аини пайтда кўнгида ўз дўстининг янада кенгроқ

таржиман ҳолини яратиш, айниқса, унинг I Интернационалдаги роликни тасвирлаб кўрсатишни оруз қилганлиги, улуг дохийимиз В. И. Ленин эса, ўзининг Маркс таржиман ҳолга оид очеркида ўз устоди ҳаётига оид асосий даврларини эмас, шу билан бирга унинг таълимотининг моҳиятини жуда чуқур ва оммабоп қилиб ифодалаб берганлиги ҳам алоҳида уқтириб ўтилади.

Ҳужжатларга ва синчиклаб текширилган тарихий фактларга суянган ҳолда, илмий асосда яратилган бу биография Карл Маркснинг барҳаёт сиғисини ўқувчи кўз ўнгига ёрқин гавдалантириб бера олади. Бу мукаммал илмий биографияни Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали таржимонлари таржиман этганлар.

«Карл Маркс» биографияси ҳамда тарих фанлари доктори Е. А. Степанованинг илмий коммунизм назарияси яратувчисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Карл Маркс» қисқача биографик очерки биргаликда ишчилар синфининг буюк дохийиси ҳақида ўзига хос Марксизмни ташкил этади, дейиш мумкин. Е. А. Степанова Карл Маркс ҳаётини илмий, жонли тарзда ёритиб беради ва китоби сўнгига: «Капитализм истиқболи йўқ жамиятдир. Фақат марксизм-ленинизм назарияси ва социализмдек ижтимоий практикагина планетамиз халқлари олдида тибора кескироқ бўлиб тураётган масала-

ларга жавоб бера олади», деган тўри, ҳаётий хулосага қелади.

Фридрих Энгельс Карл Маркснинг содик дўсти ва садоқоши эди. Маркс ва Энгельс бутун дунё ишчилар синфининг гениал устозлари, революцион ишчилар ҳаракатининг ғоявий илҳомчилари ва моҳир ташкилотчилари сифатида мангу барҳаётдилар.

«Маркс вафот қилганидан кейин, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — Энгельс ёлғиз ўзи Европа социалистларининг маслаҳатгўйи ва раҳбари бўлиб турди. Ҳукумат томонидан таъқиб қилиншларига қарамастан, кучлари тезлик билан тибора ортаётган неимис социалистлари ҳам, эндигина бошлаган ишларини ҳар тарафлама йўлба, мулоҳаза қилиб олиб боришга мажбур бўлган қолоқ мамлакатларнинг намояндалари — чунончи, испанлар, руминлар, руслар ҳам маслаҳат қилиш ва йўл-йўриқ олиш учун Энгельсга мурожаат қилар эдилар».

Тарихчи олима Е. А. Степанова «Фридрих Энгельс» қисқача биографик очеркида илмий коммунизм асосчиларидан бири, улуг мутафаккир, революционер ҳаёти ва фаолияти ҳақида самимий, илмий терең тарзда ҳикоя қилади. Ф. Энгельс ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида ўқувчида тўри, тўла тасаввур ҳосил қилади. Таъкидлаш керакики, юқордаги икки китоб каби, бу очеркининг ҳам ўзбек тилига таржиман қилиниши аини мудоао иш бўлган.

Уқтам МИРЗАЁРОВ

Тожикистон ССРнинг Ленинобод области, Қирғизистон ССРнинг Ўш области территорияларида ҳам қўриқ ерларни ўзлаштириш кенг миқёсларда олиб бориламоқда.

Шундай қилиб, қўриқларимизда агро-соноат комплекслари ва район агро-соноат бирлашмалари учун ишончли моддий-техника базаси вужудга келтирилди.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда янги қурилиш ташкилотлари, соноат ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ташкил топиб, уларда янги ишлаб чиқариш коллективлари шаклланди. Шунинг учун турли-туман мутаҳассисликдаги ўн минглаб малакали ишчиларни тарбиялаб етиштириш улкан бунёдкорлик ишларини ҳал қилиб боришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бош бошқарма-миз системасида мавжуд бўлган махсус ўқув юр-тлари — 8 та техникум ва 14 та ўқув комбина-тида ўрта маълумотга эга бўлган малакали ишчилар ва мутаҳассислар, шунингдек, кенг йўналишдаги қишлоқ механизаторлари тайёрланмоқда. Қўриқ ўқув юр-тлари ҳозиргача 35 минг мутаҳассис ва 180 минг малакали ишчи ва механизаторлар етиштирди. Шунинг-дек, 24 та профессионал-техника ўқув юр-тлари ишлаб турибди. Қисқиси, ўттиз мутаҳассислик бўйича ишчилар тайёрлаш имкониятига эгамиз.

Меҳнатқиларни маънавий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш бизнинг зиммамизга катта бурч ва масъулият юклайди. Шунин назарда тутиб, Бош бошқарма бўлинималарида маданий тадбирлар, физ-культура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилганлиги-ни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда 70 дан зиёд ракс ва вокал-чолғу ансамбллари, эстрада оркестрлари, драматик коллективлар ишлаб турибди. Уларнинг айримлари, масалан, Қаршидан «Марҳаб» ва «Орзу», Жизжаздан «Гул диверни» ансамбллари, Бекободдан эстрада оркестри республика ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари бўлдилар.

Кўплари меҳнат фаолиятини қўриқда бошлаган

минглаб ишлаб чиқариш ходимлари ўз ишининг устаси бўлиб шаклландилар, улар ўзларининг фидоқорона меҳнатлари билан умумхалқ ҳўрматига сазовор бўлдилар. Биз бу ўринда Янгиер су ҳўжалиги қурилиш трести 24-механизмлашган кўчма колонанинг бульдозер машинисти Александр Ром, Бўстон сув ҳўжайи қурилиши 34-механизмлашган кўчма колонанинг экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ғаниев, Қарши соноат-ўй-жой қурилиш трести 4-механизмлашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи, СССР Давлат муқофоти лауреати Мейли Ҳақимов, Қорақалпоғистон Ирригация ва совхозлар қурилиши 26-механизмлашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи Жаҳси Утеинёзов, Соноат-граждан қурилиш трести 97-қишлоқ механизмлашган кўчма колонна пардозловчилик бригадасининг бошлиғи Бекри Нитшаев ва бошқа жуда кўплаб меҳнат илгорлари номини ҳўрмат билан қайд этамиз. Улар ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топширқиларини адо этиш учун курашмоқдалар. Қўриқ ўзлаш-таршининг янги-янги марраларини забт этаётган 200 минг кишилик коллективимиз улар билан чинаями-га фахрланади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко партия Марказий Комитетининг 1984 йил Февраль ойидаги набатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: «Халқ ташаббусини, иш жойидаги меҳнатга омиликорлик билан ижодий ёндашишдан тортиб, давлатни, жамиятни идора қилишда актив қатнашиш-гача жуда кенг маънодаги ташаббусни ўз вақтида пайқай билиш ва қўллаб-қувватлай олиш тараққиёт-мизнинг энг буюк, айтиш мумкинчи, битмас-туғанмас маъбадидир». Ҷўкуварларнинг ишлари ва нитиқли-шлари партия ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиғига ҳа-миша ҳамоҳанг эканлиги бизни янада улугвор ишлар сари сафарбар этади.

Бошқармамизга қарашли қурилиш ташкилотлари ва қурилиш корхоналари партияимизнинг ишлаб чиқ-

риш унумдорлигини бир процентга ошириш, махсус-лот таннархини ярим процентга қалайтириш ҳақида-ги чакирғини қизғин қўллаб-қувватладилар. Бунинг натижасида бошқарма коллективи 1984 йилда план-дан ташқари 10 минг кубметр йиғма темирбетон, даярли 3 минг кубметр керамзит, 1 миллион дона гишт, 100 тоннага яқин металл конструкциялари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаради. Қурилиш-монтаж ташкилотлари қўшимча равишда 5 миллион сумлик иш бажарадилар. Бунинг эвазига 500 гектарга яқин суғориладиган ерлар ўзлаштирилиб, пиландан ташқа-ри 1 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилади, 9 минг квадрат метрдан зиёд маданий-маиший бино-лар ишга туширилади. Қурилиш-монтаж ишлари тан-нархини пиландан ташқари қалайтириш натижасида даярли 2,5 миллион сум маблағ ниқтисод қилиб қо-линади.

Урта Осие Ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармаси ўзининг ташкил топганидан буйн 8,6 миллилард сум капитал маблағ ўзлаштирди, 873 минг гектар суғориладиган ерларни қишлоқ ҳўжалиги та-сарруфига киритди. Қўриқ ерларда 160 совхоз қу-рилди ва қурилмақда. Ана шу давр мубайнида 7,16 миллион квадрат-метр ҳажмида ўй-жой, 90 минг 300 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 41 минг 200 ўри-га эга мактабгача тарбия муассасалари, юзлаб меда-ний-маиший хизмат объектлари фойдаланишга топ-ширилди.

Утган йиллар мубайнида 7,7 миллион тонна пахта, 2,5 миллион тонна шоли, 47 минг тонна гўшт, бошқа кўплаб қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етиштирилди. Бу эришилган ютуқларнинг барчаси партия ва ҳуку-матимизнинг совет халқи фаровонлигини ҳар томон-лама оширишга қаратилган буюк гамхўрлиги самар-расидир.

СССР Озин-овқат программасида олдинга сурилган проблемалар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини янада янги, янада юксак чўққиларга олиб чиқишга, меҳнатқил инсон ҳаётининг янада гўзал ва фаровон бўлишини таъминлашга даъват этади.



# АКАДЕМИК И. В. КУРЧАТОВ

Раҳим БЕКЖОНОВ,

Ҷаҳсон Фаһлар акадеһиясининг муҳбир аъзоси,  
республикада хизмат кўрсатган фаһ арбоби

Қаҳрамон АЗИМОВ,

физика-математика фаһлари кандидати

Ҳикояһиз совет атом фаһи ва техникасини яратиш ва уни ривожлантиришга бениҳоя улкан ҳисса қўшган олиһ, йирик давлат арбоби, тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳаҳморлик учун курашчи, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, академик Игорь Васильевич Курчатов тўғрисида боради.

Илһий-тадқиқот ишларини жуда кичик электр ўтказувчанликка эга бўлган материал-диэлектрикларнинг табиатини ўрганишдан бошлаган И. В. Курчатов кейинчалик янги соҳага — атом ядроси физикасига қизиқаболлади. Бу қизиқиш тўсатдан пайдо бўлгани йўқ, албатта. И. В. Курчатов узокни кўзлаган эди.

1932 йил атом ядроси сирларини ўрганиш бобида алоҳида ўрни олган давр бўлди. Шу йили англиялик олиһ Ж. Чадвик янги зарра — нейтронни кашф этди. Шу вақтининг ўзида ядронинг протон — нейтрон модели яратилди.

1932 йилнинг охирларидан бошлаб И. В. Курчатов А. И. Алиханов ва Д. В. Скобельциһлар билан биргаликда ядро тадқиқоти ишларига киришди. Ишларини жуда оғир шароитда бажаришга тўғри келди. Бу ҳақда таниқли олиһ К. И. Шчёлкин шундай деган эди: «У вақтларда ядро физикаси билан шугулланиш осон эмас эди. Баъзибир консерватив фикрдаги кишилар бу фаһни «ҳаётдан ажралган», «ишлаб чиқаришга фойда келтирмайдиган» фаһ деб ҳисоблар эдилар... Бахтишимизга, бундай мулоҳазалар Коммунистик партия, Совет ҳукумати томонидан маъқулланмади ва мамлакатимизда 30-йиллардан бошлаб кучли физиклар мактаби ўзгужуда келди».

И. В. Курчатов ўта ишчан ва ажойиб ташкилотчилик талантига эга бўлган инсон эди. Ҳар қандай илһий муаммо тўғри ташкил қилинган ишлар асосидагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкинлигини у яхши тушунар эди. Олиһнинг ана шу фазилатлари туфайли қисқа вақт давомида мамлакатимизда ядро физикаси фаһига мустаҳкам асос солинди ва бу соҳа жадаллик билан ривожлана бошлади.

1938—1941 йиллар фаһ тарихига ўзинга хос давр бўлиб кирди. Бу даврда атом энергиясининг сирларини билиб олиш ва уни «илмовлаш» ҳаракатида янги ҳал қилувчи интилиш бошланди. Бу вақтда бизнинг фаһимиз, унинг экспериментал базаси, олиһлар ва инженерларимиз бу интилишга тайёр эдилар. Олиһларимиздан Г. Н. Флёров ва К. А. Петриһлар янги шундай ҳодиса — ураниннг ўз-ўзидан бўлинишини кашф этдилар. Бу ҳақдаги илһий хабар 1940 йилнинг бошида Америкада чиқадиган журналда эълон қилинди. Лекин кейинчалик Америка журналларида мазкур ҳодисага тааллуқли ҳеч қандай илһий мулоҳаза ёки фикр қайд этилмади. Ажабланишли томони шунда эдики, ураниннг бўлинишини ва бошқа шу каби ҳодисаларни тадқиқ этиш натижаларини ўзида акс эттириб турган Америка илһий журналлар тўсатдан бу ҳақда оғиз очмай қўйди. Шундан кейин инглиз, немис ва француз тадқиқотчиларининг ишлари ҳақидаги хабарлар ҳам эълон

қилинмайдиган бўлди. Жаҳон уруши арафасида содир бўлган бу қутилмаган вазиятин англаб олиш мумкин эди. Бунда уран ядросининг бўлиниш реакцияси натижасида ажраладиган улкан энергиянинг ҳарбий мақсадлардаги аҳамияти илғари сурилди. Аммо 1941 йилда бошланган Улуғ Ватан уруши И. В. Курчатов кенг кўламада олиб боришни планлаштирган тадқиқот ишларини давом эттиришга имкон бермади.

Кўп ўтмай, фашистлар Германияси ва Америка Қўшма Штатларида ўта махфий шароитда янги, беқиёс даражада кучли қурол — атом бомбаси яратилаётгани маълум бўлди. Шу сабабли Совет Иттифоқида ҳам шу каби масалаларни тезликда ҳал этиш зарурияти туғилди. Бу вазифани бажаришга раҳбарлик қилиш И. В. Курчатовага топширилди. 1943 йилнинг бошида, оғир уруш шароитида уран проблемасини ҳал қилишга киришилди.

Улуғ Ватан уруши тугагандан сўнг, кўп ўтмай, АҚШда биринчи атом бомбаси синовдан ўтказилди. 1945 йил август ойида эса, Япония шаҳарлари Хиросима ва Нагасакида машъум воқоа содир бўлди: Америка ҳукумати бу ерда ўз атом бомбаларини портлатиб, жуда оғир жиноятга қўл ўрди. Шундан сўнг АҚШ ҳукумати жаҳон халқларига қарши зуравонлик сиёсатини авж олдириб юборди — «атом шантажи» бошланди. Шу шароитда бизда ҳам ўз атом бомбамизни яратиш зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам асосий ҳаракат, бутун куч мана шу муаммага қаратилди. И. В. Курчатов раҳбар сифатида ўзининг бутун қобилиятини ишга солиб, шу масалани тезликда ҳал қилишга киришди.

Баъзи чет эллик мутахассислар уруш туфайли кучсизланган Совет Иттифоқи яқин ўн йил ичида атом бомбасини ярата олмади, деб ҳисоблар эди. Лекин улар янглишган эди. 1946 йилнинг декабри ойида биринчи атом реакторимиз ишга туширилди. Занжирли ядро бўлиниши реакцияси ниҳоят «жиловланди». Бу реактор ядро бўлиниши реакцияси учун зарур бўлган ёқилғи-модда — плутоний элементини кўп миқдорда ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Ва ниҳоят, 1949 йилнинг 23 сентябрида мамлакатимизда биринчи атом портлаши амалга оширилди. Бу атом энергиясининг портловчи варианти эди, совет фаһи ва техникасининг мислсиз ютуғи эди. И. В. Курчатов бу ютуқнинг қўлга киритилишида шахсий намуна кўрсатди, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. У энди янги муаммоларни ҳал қилишни ўйлар эди. Улардан бири енгил ядроларни синтез қилиш ва шу асосда янги энергия манбаини қўлга киритиш эди.

И. В. Курчатов бошлиқ олиһлар, конструкторлар, инженерлар ва атом саноятидagi йирик ишлаб чиқарил коллективларининг ҳаҳморлиқда зўр ғайрат билан қилинган ишлари натижасида жонажон Ватанимиз мудофааси учун етарли бўлган атом ва водород (термойдро) қуролига эга бўлди. Совет олиһлари Ватанимиз ҳавфсизлигини таъминлаш ва СССРга қарши атом шантажи ва «соқуқ урушини» олиб боради-

ган Америка ҳарбий сиёсатчиларига зарба бериш йўлида ўзларининг шарофли бурчларини бажардилар.

Маълумки, ҳозирги замон энергетикаси Ер шаридаги ёқилғи қазилмаларининг запасига таянади. Бу запас ҳажми, табиийки, чексиз эмас. Шунга кўра ҳозирги кунда инсониятнинг диққат-эътибори келажакда энергия билан таъминлиши қандай бўлиши масаласига қаратилган.

Ҳозирги вақтда асосий энергетик ресурслар сифатида кўмир, нефть ва табиий газ ишлатилади. Уларнинг запаси эртаими-кечими тугайди. Табиий, мавжуд энергия танқислигининг олдини олиш учун янги турдаги энергия манбаини топиш зарур. Бу манба атом энергиясидир. Бундай заруриятнинг туғилишида қатор муҳим сабаблар асосий роль ўйнайди. Қуйида биз ана шулар ҳақида баъзи бир маълумотларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Тахминий ҳисобларга кўра Ер юзида ҳар йили 2,7 миллиард тонна кўмир ва 1,5 миллиард тоннадан ортиқ нефть сарф бўлади (ёндирилади), 2 миллиард тоннага яқин рудали ва рудасиз сочилувчи материаллар қайта ишланади. Ҳозирги замон заводлари, электростанциялари ва ички ёниш двигателлари чиқинди сифатида Ер атмосферасига жуда кўп миқдорда зарарли модда ва газлар, жумладан 200 миллион тонна кўл, 100 миллион тоннадан ортиқ олтингугурт оксиди, 200 миллион тоннадан кўл карбонат ангидриди чиқариб ташлайди. XX аср охирига келиб, бу рақамлар янада катталашши табиийдир.

Бу моддаларнинг сочилиши натижасида планетамизнинг устки ҳаво қатлами ифлосланади. Маълум ҳисобларга қараганда, Ернинг Шимолий яримшари ҳавосидаги олтингугуртнинг 90 процентга яқини, Жанубий яримшардагисининг эса 50 процентга яқини табиий эмас. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис бўлган йирик совет геофизикларининг айтишларича, зарарли газсимон чиқиндиларнинг шу йўсунда ортиб бориши сақланса, 2000 йилга келиб, Ер атмосферасидаги ҳавода зарарли моддаларнинг ўртача суткалик ҳаҷаратий ҳавфсиз концентрацияси доимо 10 марта катталашган бўлади. Бу, саноят чиқиндиларининг атмосферага чиқарилиши Ер юзидаги ҳаётга ҳавф тугдирди, деган гаплар.

Демак, ҳозирги кундаги кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифа мавжуд ва кейинчалик юзага келадиған ҳавфни бартараф этишдан иборат.

Атом (ядро) энергетикасига ўтиш эса, қўйилган вазифани тубдан осонлаштириши аниқ: атом электр станцияси ёки қисқача АЭСларнинг ишлаши учун кислород сарфланмайди, АЭСлар атмосфера ҳавосини ёниш чиқиндилари билан ифлослантирмайди.

Ҳозирги замон атом электр станцияларининг энергетик юраги ҳисобланган ядро реакторлари асосан уран ядроларининг иссиқлик нейтронлари таъсирида бўлиниш реакцияси ҳисобига ишлайди. Шундай нейтронларни ютган уран атомларининг ядролари уйғонган ҳолатга келадилар. Натижада ядро икки бў-

лаика ажралди. Учиб чиққан шу бўлакларнинг кинетик энергияси суюқлик (масалан, сув)ни иситишга сарф этилади; иссиқлик энергияси эса, ўз навбатида маълум усуллар билан электр энергиясига айлантирилади.

И. В. Курчатова СССРда ядро энергетикасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Унинг бошчилигида жаҳонда биринчи атом электр станцияси ишга туширилди. Бу воқеа 1954 йилда Обнинск шаҳарчасида содир бўлди. Бу АЭСнинг қуввати атиги 5 минг киловатт эди. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда кўпчилик кишилар бундай манбаларнинг нефть, кўмир ва газга асосланган энергетика билан «рақобат» қила олишигига ишонмаган эдилар.

Шундан сўнг И. В. Курчатова янги куч билан қувватлироқ атом электрстанцияларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини бошлаб юборди. Атиги 20 йил ўтар-ўтмас қуввати биринчи реактор қуваатидан 200 марта катта бўлган ядро реакторлари ишга туширилди. Бу ҳол инсонни ҳайратга соларлик даражада юксалиш эди.

1976 йил охири янада қувончлироқ воқеа билан ажунланган эди: қаҳратон Чукоткамизда Билибинск атом электр станциясининг тўртинчи энергоблоки фойдаланишга топширилди ва станция қуваати 48 минг киловаттга етказилди. Узоқ тундрада «Атомка» деб аталган бу энергия манбаининг ишга туширилиши шимол аҳолисининг ҳаётида улкан ўзгариш ясади. Энди у ўлкада майда дизель ва электр станциялар ўрнида янги қудай энергия манбаи пайдо бўлди. Бундан кейин узоқ тундрага қийинчилик билан минг-минг тонналаб ёқилғи етказиб туришига барҳам берилди.

АЭСнинг ўзига хос хизмати шундан иборатки, у фақат электр энергияси берибгина қолмай, совуқ ўлкада иссиқлик манбаи ҳам бўлади. Электр энергияси қишлоқ ва шаҳарчаларни ёритса, ишлаб чиқарилган пар, жумладан, катта майдондаги теплица-ларда ҳам «хизмат» қилади. Натичада шимол ўлкаси аҳолиси ҳўл меза билан таъминланади. Шунинг учун ҳам «Атомка»ни Чукоткадаги атом «кўши» деб ҳам атамоқдалар.

Халқаро энергетик конференция (МИРЭК)нинг 1974 йилда чақирилган конгрессида ядро энергетикаси қатнашувчиларнинг алоҳида диққат марказида бўлди. Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) экспертларининг ана шу конгрессга берган маълумотларига қараганда, 1980 йилда дунёдаги барча АЭСларнинг умумий қуввати 300 миллион киловаттга етиб, кейинги ҳар беш йилда у 2 мартадан кўпга ортиб борар экан. 2000 йилда бу рақам 5 миллион мегаваттнинг ташиқл этди. Бу рақамлар энергия маъносидан жуда ҳам улкан бўлиб, унинг амалда рўёбга чиқиши инсоният учун жуда ҳам муҳим воқеага айланади.

XX асрнинг биринчи яри, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, энергетика соҳасида катта муваффақиятга эришиш билан ажунланди. Бу даврда улкан энергия манбаи бўлган оғир атом ядроларининг перчаланиш энергиясидан фойдаланиш масаласи ҳал этилди. Танланган бу йўл одатдаги ёқилғи (кўмир, нефть, газ) ресурслари етишмаслигининг олдин олишда техника жиҳатдан реал ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган йўлдир.

Икки хил энергетика ривожланишининг экологик оқибатларини таққослаш ядро энергетикасининг афзаллигини кўрсатади. Бу ўринда шунга айтиб ўтиш керакки, атом саноати ва ядро энергетикаси соҳаси ҳозирги кунда инсон фаолиятининг меҳнат шароити энг қулай ва атроф муҳитга таъсири энг кам бўлган тармоқларидан бирига айланган.

Термоядро энергетикасини барпо этиш атом реакторларининг зарари таъсирини янада пайсантиради. Демак, натижада биосферанинг кейинги ифлосланишига маълум даражада чек қўйилади. Амалда худди ана шундай йўл тўтилмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмини термоядро энергияси даври, деб аташ мумкин.

Термоядро энергиясининг манбаи бўлган термо-ядро реакциясини қисқа вақт давомида юз берадиган хили мамлакатимизда И. В. Курчатова бошчилигида амалга оширилган. Фан ва техниканинг ҳозирги кундаги асосий вазифаларидан бири термоядро реакциясини портлаш кўрнишида эмас, балки бошқариладиган, аста-секин ўтадиган ҳолда амалга оширишдан иборат.

Термоядро реакцияси деб энгил атом ядроларининг бириктишидан оғир атом ядросининг ҳосил бўлиши жараёнига айтилади. Бундай жараёнларнинг асосийларидан бири — тўртта водород ядросининг бириктишидан битта гелий ядросининг ҳосил бўлишидир. Бунда 26 миллион электрон-вольтдан кўпроқ энергия ажралиб чиқади. Ваҳоланки, бензиннинг ёнишида ҳар бир молекуласида фақатгина 30 электрон-вольт энергия ажралиб чиқади. Агар бундай синтез реакцияда водороднинг дейтерий ва тритий изотоплари қатнаша, гелий ядроси ҳосил бўлади ва 17,6 миллион электрон-вольт энергия ажралиб чиқади.

Термоядро ёқилғисининг миқдори беҳисоб бўлиши билан бирга, у жуда арзондир: 1 литр сувдан дейтерийни ажратиб олиш учун 1 тийин сарф бўлади. Ажратиб олинган дейтерий эса, энергия манбаи сифатида 300 литр бензинга эквивалентдир. Умуман олганда эса, атиги 1 кг. водород изотопи 10 000 тонна кўмирнинг ўрнини босиши мумкин.

Термоядро реакциясини бошқариладиган ҳолда амалга ошириш мумкинлиги ҳақида И. В. Курчатова КПССнинг тарихий XX съездида баён этган ўз нутқида тўхталиб ўтган. Унинг асосий эътибори ке-

йинчилик худди ана шу шарафли муаммога қаратилган эди.

Термоядро реакцияларини амалга ошириш ва унинг энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масаласининг ҳал қилиниши инсоният ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатган бўлур эди. Бу йўналишда И. В. Курчатова раҳбарлигида бошланган ишларни ҳозир унинг ҳамкасби — шогирдлари муваффақият билан давом эттирмоқдалар.

Мамлакатимизда тадқиқот ўтказиш мақсадларида мўлжалланган турли хилдаги атом реакторларининг қурилишида ҳам И. В. Курчатовнинг хизматлари катта. Бундай реакторлар дастлаб Москвада, кейинчилик бошқа шаҳарларда қурила бошланди.

1956 йилда И. В. Курчатова Ўзбекистонда бўлди. Шундан сўнг у республикамизда ҳам тадқиқот реактори қуриш зарурлигини айтди. У бу заруриятга етарли асос борлигини таъкидлади. Республикаимизда пахтачиликни янада ривожлантириш, минерал ўғит ишлаб чиқариш ва кўпгина муҳим ишларни ҳал қилишда зарур бўлган қисқа яшовчи радиоактив изотопларни олиш масалалари республикамизда реактор бўлишини тақозо этарди. Шу тарихи 1956 йилда И. В. Курчатовнинг бевосита ёрдамида Совет Шарқида биринчи Ядро физикаси институти ташкил этилди ва 1959 йилда Тошкентда Урта Осёда ягона атом реактори ишга туширилди.

И. В. Курчатова Ўзбекистон Фанлар академиясининг фазрий академиги қилиб сайланган эди.

Ҳозирги кунда УзССР ФА Ядро физикаси институти йирик илмий-техника марказига айланди. У атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишнинг радиоактивацион анализи, катта дозалар дозиметриyasi ва бошқа кўпгина муҳим проблемаларни ҳал этишда мамлакатимизда асосий институт ҳисобланади.

И. В. Курчатова раҳбарлигида атом реакторлари кетма-кет Ўзбекистон ва Киев шаҳарларида ҳам қуриб, ишга туширилди. Мамлакатимиздаги қатор тадқиқот реакторларининг ишини, ҳал қилинадиган барча илмий-техникавий муаммоларни координациялаш масаласини амалга оширишда И. В. Курчатова раҳбарлик қилди. Олдинда яна кўпгина масалалар, бажарилиши керак бўлган ажойиб панлар турар эди. Лекин қутулмаган ўлим И. В. Курчатовнинг мазкур ишларни шахсан амалга оширишга ҳалақит берди.

Бу ўринда академик А. П. Виноградовнинг сўзларини келтириб ўтиш ўриналиди: «Мамлакатимизда атом фани ва техникаси яратилди. Эндиликда И. В. Курчатовнинг ҳамма билди. У ҳақда: «фан алангасида ёнди», дейиш мумкин».

«Россияда туғилганидан ва ўз ҳаётини улуг Советлар мамлакатининг атом фанига бағишлаганидан бахтлиман»,— деган эди И. В. Курчатовнинг ўзи. Ҳа, у бахтли эди, у ҳақиқий инсон эди.

Умарқул ПУЛКАН ўғли

## ЎЗБЕКИСТОНДАН

Созга солиб сўйлайинми дostonдан,  
Ёки сўлим диёр — баҳористондан,  
Бағри хўп тўлишган ойдек макондан,  
Тоғидани ёки боғу бўстондан,  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

Пахта экиб, халқи доврўғ таратган,  
Тинчликнинг ишига имкон яратган,  
Йўлимизни Коммунага қаратган,  
Куйлайми офтобдек балқиган  
жондан,  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

Ёши олтмиш, Октябрдир санаси,  
Ўзи тинчликсевар, халқлар онаси,  
Дунё бўйлаб машҳур кумуш толаси,  
Куйлайми пахтадан ёки дехқондан,  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

Ўзгача ҳусндор унинг ҳар тонги,  
Ойнадек қуриган шаҳарлар янги,  
Бу Ленин юртида шайда мангу,  
Куйлайми Лениндан — мангу  
дostonдан,  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

Тоғлари хазина — чўққисидан қор,  
Яйловда чорваси, қири бугдойзор.



Фасли ҳам ўзгача, бағри бир баҳор,  
Куйлайми гулзордан ё гулистондан —  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

Болини симириган Амудан, Сирдан,  
Оқ пахта ундирган бу она ердан,  
Партиям ёритган йўлини нурдан,  
Ё зафардан куйлайинми дostonдан,  
Она юртим, жоним — Ўзбекистондан.

## Навоий шахрига

Номи дostonларга уланган ўлка,  
Октябр нурига беланган ўлка,  
Довруғи оламга таралган ўлка,  
Меҳнатда чиққан мардларнинг жойи,  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

Кимё заводини айтиб ўтайми,  
ГРЭСинг нурига қалбим тутайми,  
Боғинг боғбонига шеърлар битайми,  
Қувватингга қувват тоғларнинг сойи,  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

Кўрган юз йилгача бўлар хумори,  
Ҳавасда лол боқар дунё мейвори.  
Улуг Москвада Фозгон мармари,  
Тошигдан кўрк олган Съездлар саройи,  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

Лангар чиннисига чойини дамлаб,  
Чўпонлар юмуши адирда қайнаб,  
Юлдуздай қўй-қўзинг семирдиб, яйраб,  
Таратар шўх наво чўпоннинг найи,  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

Сахийлик-саховат, жўмардлик сенда,  
Қуриш, яратилиш, журутлик сенда,  
Юксак оқ олтинву сўратлик сенда,  
Назаркарда бўлган бобонинг жойи  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

Партиям етаклар Коммуна томон,  
Камолонинг кўриб, завқим бир жаҳон.  
Белингга туташган Аму, Зарафшон.  
Маҳдингга куйлайман, юртим чиройи —  
Она шахрим ўзинг, жоним Навоий.

# ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЭКРАНИ



**Х**ОЗИРГИ ва келажак авлодларни мустақам тинчлик билан таъминлаш, ядро уруши хуррагини бартараф этиш бугунги кунда бутун инсоният олдида кўндаланг турган барча муаммоларнинг энг муҳим муаммоси бўлиб қолди. Зеро, империалистик кучларнинг хатарли ҳаракати, АНШ мазмунияти ҳамда НАТО бўйича иттифоқчиларнинг тутатган тажовузкор йўли бу муаммони тобора кескинлаштираётди.

Кинематография тинчлик учун курашда қудратли қуролдир. Ҳозирги замон ижтимоий тараққиётида илгор киносанъатининг аҳамияти, жаҳон кино арбобларининг хизмати ниҳоятда катта эканлигини бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимиз раҳбарлари мунтазам равишда таъкидлаб келаётди. Буни Москва, Тошкент Халқаро кинофестивали ва унинг иштирокчиларига йўланган табрикларда, мурожаатларда яққол кўриш мумкин.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкент Халқаро кинофестивали халқлар ўртасидаги дўстликини мустақамлаш, тинчлик учун кураш гоъларини кенг кинематографчилар оmmasига тарғиб этиб келаятган йирик киноанжуманлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Тошкент Халқаро кинофестивалининг нуфузи ўсиб, бошқа жаҳон киноанжуманлари қаторидан мустақам ўрин эгаллади. Тошкент фестивалига уч қитъа кинематографчиларининг мунтазам ва зўр қизиқиши кўпмиллатли давлатимиз юқори нуфузининг ишончли тасдиғидир. Анжуманининг аниқ гоъяли йўналиши, унинг дўстона кайфияти ҳамда муносабати, кинематографчиларнинг Тошкентда самийи кутиб олиниши республикамиз пойтахтида ўтказилаётган бу киноанжумани Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари тараққиқпарвар кино арбобларининг доимий тортилиш марказига айлантириб қўйди.

Тошкент Халқаро кинофестивалининг эзгу йўналиши унинг аjoyиб, илҳом бахш этувчи: «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озоdлиги учун», деган шиорида ҳам ўз ифодасини топган.

Совет Ўзбекистон пойтахти 1968 йили Осиё ва Африкадан юборилган 49 мамлакат вакилини, Европа ва Америкадан келган кўплаб меҳмонларни биринчи марта шодиёна кутиб олди. Нисбатан ёш ҳисобланган Тошкент Халқаро киноанжумани тезда оммавийлик касб этди, жаҳоний обрў қозонди. Аввал Осиё ва Африка мамлакатлари киноанжумани сифатида ташкил этилган эди, 1976 йилдан эса у уч қитъа — Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинофестивалига айлантирилди. Бу ҳол тасодифий эмас эди. Тараққиқпарвар уч қитъа маданияти арбоблари олдида турган тарихий масаланинг умумийлиги, Латин Америкаси кино санъаткорларининг олдинги ўтган фестивалларда мунтазам ва фаол қатнашиши Тошкент киноанжумани доирасининг кенгайишига сабаб бўлди.

1982 йил май ойида ўтказилган VII Тошкент Халқаро кинофестивали

## Абдулаҳад АБДУЛЛАЕВ,

Ташкилий Комитет раисининг биринчи ўринбосари, фестивалининг бош директори, ЎзССР Давлат кино комитети раиси

лида 96 мамлакатдан вакил бўлиб келган 500 га яқин чет эллик иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашди. Шу жумладан, Осиё, Африка ва Латин Америкасининг 69 мамлакат кинематографияси намуналари тақдим этилди. Жаҳонда равақ топаётган кинематографияларнинг биронтаси ҳам Тошкент Халқаро кинокуўриги солномасида таъкидланмай қолгани йўқ, десак, муболаға бўлмайди.

Уч қитъа кинофестивалининг ўз аънавалари бор. Бошқа халқаро кўрикларга ҳамisha ҳам ўз фильмларини юбориш имкониятига эга бўлмаган уч қитъа санъати билан дўстона учрашувини таъминлаган фестивалнинг ташкилий иши ва муҳтининг ўзи унинг жиддий халқаро анжуман эканлигини кўрсатади. Тошкентга таширф буюрган барча анжуман қатнашчилари ўзларини тенглар ичра тенг, инсонпарварлик, тинчлик ва ижтимоий тараққиётнинг умумий эзгу идеяларига мансуб кишилар қаторида ҳис этдилар. Еш кинематография ҳақиқатлари бу ерга бйрон бир совага ёхуд соврин олиш учун келмайдилар. Зеро, Тошкент фестивали, бошқа халқаро кинокуўриклардан фарқли ўлароқ, конкурс ҳам эълон қилмайди, соврин ҳам бермайди. Кинематографчилар бу ерда киносанъат соҳасида қандай ютуқларга эришганликларини намойиш эдилар, ўз касбдошларининг ўйлари, фикрлари, келажакдаги режалари билан ақиндан танишадилар, фикр алмашадилар.

Кўриққа тақдим этилаётган фильм-

лар миқдорининг доимий ва мунтазам равишда ошиб бориши ҳам фестивалнинг юксак нуфузидан дарак беради. Агарда биринчи фестивалда 105 та бадийи ва қисқаметражли фильмлар намойиш этилган бўлса, этинчисида 256 та бадийи, қисқаметражли ҳамда ҳужжатли ленталар расмий ва ахборот тарзида намойиш қилишга тақдим этилди. VII Тошкент Халқаро киноанжуманининг расмий фильмлар программаси мавзу ҳамда жанр ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб турди. Уч қитъа мамлакатлари халқларининг миллий озоdлик учун, мустақамлақчилиққа қарши олиб борган инқилобий курашлари «Қизил кўнжроқлар» (Мексика — СССР), «Амок» (Марокко — Гвинея — Сенегал), «Можаро» (Ҳазоир) сингари фильмларда ўз ифодасини топган.

Марокколик режиссёр Сухайл Бен Баркининг некинлик туйғулари билан суғорилган «Амок» картинаси XIII Москва Халқаро кинофестивалининг олтин совринига сазовор бўлди. Гвинея ва Сенегал кинематографчилари билан ҳамкорликда яратилган мазкур фильм ирқчиликка қарши, Жанубий Африка республикаси ирқчилари ўратган ва тубжой африкалик аҳолини оммавий қираётган давлат тузумига қарши ўзининг ашаддий ва дарғазаб норозилигини намойиш этади. Жанубий Африка халқининг ўз озоdлиги учун кураши картинанинг асосий мавзуси бўлиб, 1976 йилги Суэзтода бўлган воқеа фильмнинг яратилишида туртки вази-фасини ўтаган. Фильмда бантустанлардан бирида яшайдиган ўқитувчи

Мэтьюнинг Иоганнесбургга ўз қариндош-уруғларини илаб бориши кўрсатилади. Мэтью у ерда кул даражасига тушиб қолган, барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум африкаликлар билан ўзларини мамлакат хўжайини деб ҳисоблайдиган бир ҳовчу оқ танли мустақамлақчилар ўртасида ҳеч қандай тотувлик бўлмаслигини, бўлиши мумкин ҳам эмаслигини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил этади. Бироқ халқ қаҳрининг момақалди роғи етилиб келмоқда, шахталарда ишичлар кўзгалмоқда, кимки энди фақат танасининг ранги ўзга бўлгани учун қидаб бўлмайдиган ҳақоратлар ва хўрикларга кўнकिшини истамаса, ишичлар ҳаракатига қўшилмоқда эди. Фильм қаҳрамонининг акаси — касаб союзининг фаол аъзоси, кончилар кўзғолонининг ташкилотчиси Дельос қабиладар аро жанжалларни тўхтатишга, хўрланганларга қарши бир ёқадан беш чиқариб курашишга қорлайди: ахир, улар ҳаммадан кўра кўнпроқ худди мана шу хўрланганлар бирлигидан кўрақидилар.

Кўзғолон қон билан суғорилади. Махсус «командос бўлимларига ёланганлар — одамлар эмас, ола-була комбинезонлар кийиб олган ҳамда юзлари ўрнида совуқ противогазлар дўппайиб турган роботлардир. Улар вертолётлардан ҳам, бронетранспортерлардан ҳам курозли эриқлар борми, аёллар борми, болалар борми, ким тўғри келса, аёвсиз отиб кетаверади. Дельос ўндирилади. Мэтьюнинг синглиси Жозефина ақлдан озади. Бугина эмас. Мэтью экранда хўрлик ва реакциянинг қора кучлари билан қонли тўқнашда ҳалок бўлган яна жуда кўп, жуда кўп номларни айтиб туради. Кадрлар ортида эса машҳур африкалик қонанда Мариям Макеба жирсотида қаршилик ҳамда норозилик қўшиғи тобора баландроқ жаранглайди. Кураш давом этади. Ва унда хўрланганлар ҳамда ҳамма нарсадан маҳрум қилинганлар галаба қилади. Ҳа, тарихнинг қонунини шундай.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг битирувчи талабаси Абдул Халек Алил ўз сценарийси асосида суратга олган «Уйғониш» фильмида бугунги Афғонистонда рўй берган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Фильм марказида мамлакатдаги ҳозирги мураккаб вазиятни акс эттирувчи деҳқон оиласи тарихи туради. Инқилоб бу оила аъзоларини баррикадаларнинг турли томонларига ажратиб юборади. Ака-ўка Саттор билан Носирнинг тоғаси Рауф — фаол партия ходими. Уларнинг отаси, — ўз ихтиёри билан бўлмаса-да, — душман. Уларнинг яна бир тоғаси тегирмончи Наби — босмачиларнинг ашаддий тарафдори. Ким билан бўлмоқ даркор, нима учун курашмоқ керак, қайси мақсадларга эътиқот қўймоқ позим — ака-укалар қаршисида мана шу муаммоларни танлаш туради. Ва ниҳоят, улар инқилоб ҳимоячилари сифидан ўрин олади.

Вьетнамлик режиссёр Лонг Ван томонидан суратга олинган «Эртаги кун учун» фильми қаҳрамонлари қаршида ҳам ўз вақтида худди шунга ўхшаш муаммоларни танлаш масаласи турар эди. Бироқ фильм қаҳрамони Кан америкаликлар томо-



Ўзбекистонлик киномуҳлислар непаллик кинорежиссёр Мистер Карки (ўртада) билан суҳбатлашмоқдалар.

А. Иноқов фотоси

нида туриб ватанпарварларга қарши жанг қилаётган жанубий Вьетнам армиясининг кўйрочқоқ офицери мундирини кийиб, ўз халқига қарши боради. Кейин у янги давлат билан ҳамкорлик қилишни хоҳламай, ўрмонга бекинади. Унинг қасоси шундан иборат бўладики, миналаштирилган далалар схемасини одамлардан сир тутайди. Қачонки, ўзининг қизи хоинлигининг мислсиз оқибатини тушуна бошлайди.

Тошкент фестивалларида, бадий фильмлар билан қисқаметражли программаси ҳам қизиқарли ўтади. Чунончи, Сальвадорнинг ватанпарварлик кучлари («Сальвадор энгадзи»), Никарагуа («Сандино кеча ва бугун»), Зимбабве («Халқ айтади»), Экваториал Гвинея Республикаси, Экватор, Бурунди ва бошқалар биринчи марта ўз фильмларини Тошкент кинофестивалида намойиш этдилар. Айниқса, Фаластин Озодлик Ташкилати тақдим этган «Ўлимдан тугилган» қисқаметражли фильмининг алоҳида таъкидлашнинг истардики. Картина исроиллик боқинчилар қурбони бўлган ливанликларга бағишланади. Минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлади, бомбардировка остида ярадор хотиндан қизча туғилади. Гўдакка Фаластин деб ном

қўйишади. Бу кўп жабр-ситим чеқкан мамлакат келажаги туғилишининг ўзига хос рамаидир. Фильм ўлим ва зайроналик келтирувчи урушга қарши кучли норозилик сифатида жангланган. Уни суратга олган режиссёр Моника Маурер Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг дипломи ва соврини билан тақдирланди.

Кўпсонли фестивал киноленталари орқали томошабинлар кўз ўнгида даврнинг илғор ғояларини қарор топтириш учун кураш олами, ўйлар ва армонлар, одамларнинг катта ва кичик ташвишлари, уларнинг қувончлари ва қайгулари, уларнинг муаммолари ва умидлари намойиш бўлади. Киноленталарда миллий-озодлик ҳаракати, мустамлакачиликдан қўтилган мамлакатларнинг ижтимоий қайта шаклланиши, жамиятда аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги учун кураш маззулари чуқур ишлаб чиқилган, мустамлакачиликка қарши империализм билан курашни кучайтириш тўғрисидаги фикрлар эса алоҳида таъкидланган. Айтиш мумкинки, ўтган фестиваллардаги барча киноленталар уйғулдида Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқларининг ҳозирги ҳаётини кенг ва тўла бир тарзда гавдалантириб бера олади.

Айнанга кўра ҳар бир Тошкент Халқаро кинофестивалида «Тинчлик,

ижтимоий тараққиёт ва халқлар озошлиги учун курашда кинонинг роли» маззуида ижодий баҳс ўтказилади. Бу баҳс маҳорат масалалари борасидаги фикрлар билангина чекланмайди; урашув иштирокчилари Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳозирги замон кинематографияси тараққиётига таъсир қилувчи оммавий-сийсий омилларни, тинчлик учун курашда тараққиёпарвар кинонинг иштироки масалаларини очик-ойдин ҳамда атрофича чуқур муҳокама қиладилар. VII Тошкент Халқаро кинофестивали натижалари шуни кўрсатдики, кинонинг санъат сифатида жамият тараққиётида, таъсир этувчи кучга, омманинг тарбиялаш ва маърифатнинг қудратли қуролига айланиши, халқларнинг орзу ҳамда армонларини ифодалашга қодир бўлиши учун илғор кинематографчилар сафларининг бирилашиши реал ҳодиса бўлиб қолди.

Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Тошкент Халқаро кинофестивали аввалгилари сингари ёрқин байрам тусини олди, уч қитъа киносанъатининг намойишига айланди. Бугунги кунда эса навбатдаги VIII Тошкент Халқаро киноанижуманига қизгин тайёргарлик кўриляпти. Зеро, бу, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топ-

ганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган мўътабар йилдир. Пойтахтимизга 100 дан зиёд мамлакатдан таъшир буюрадиган киноанижуман қатнашчилари ва меҳмонлари Совет ҳокимияти йилларида ленинча миллий сиёсат туғайли халқ ҳўжалиги мислсиз тараққий этган, маданияти юксалган, индустриалашган йирик республикага айланган бугунги Ўзбекистон билан танишиш имконига эга бўлади. Фестиваль доирасида Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинч-тотува яшаш ташаббуслари ва ғоялари, жаҳон халқларининг империализм ва реакцияга қарши, тинчлик иши учун курашларини тарғиб этадиган қатор тадбирлар ўтказиш режалари белгилаб қўйилди. Фестиваль давомида бўладиган ижодий баҳсларда заминда тинчликни сақлаш ва халқлар ижтимоий тараққиёти учун тараққиёпарвар киносанъатининг маъсулияти хусусида, унинг империализм рижор сибасатини фож этувчи муҳим вазифаси борасида сўз боради.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу сафарги Тошкент фестивали ҳам давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни юксалтириш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озошлиги ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўйилади.

Мен халқаро Тошкент кинофестивалининг мунтазам иштирокчилариданман. Тошкент ҳақиқий дўстлик ва тинчлик байрамлари ўтказиладиган марказга айланиб қолди.

Рож КАПУР

Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказиладиган Халқаро кинофестивалларида Ҳиндистон кино санъаткорлари фаол иштирок этиб келмоқдалар. Уларнинг аксарият фильмларида мамлакат аҳолисининг турмуши, ички ва ташқи олами биринчи планда ўзига хос тарзда акс эттирилади. Томошабин киноэкран орқали бепойн Ҳиндистон кенгликларига, гажум шаҳар ва қишлоқларига, сержило Ганг бўйларига саёҳат қилади. Содда ва самимий, ҳақиқатпарвар ҳинд халқининг эзгу ниятларига шерик бўлади.

Ўзбек киномухлислари ҳинд фильмларини севиб томоша қиладилар. Айниқса Ҳиндистоннинг илғор киностудияларидан бири — «Рож Капур фильм» да суратга олинган асарлар анча йиллардан буён мухлислар эътиборини қозониб келаётди. Бу киностудия 1947 йилда ташкил топди. Унинг ташкил топишида машҳур ки-

## РОЖ КАПУРЛАР СУЛОЛАСИ

ноактёр, режиссёр Рож Капур ва унинг отаси, ўз замонининг илғор онгли зелииси, драматург, актёр, режиссёр Притхвхаж Капур (1904—1972)нинг хизмати катта бўлди.

Рож Капур киностудиясида дастлаб «Хўрсиниш», «Этик тозаловчи», «Жаноб 420», «Ганг дарёси мавж урган пайтда», «Эҳтиёт бўлинглар» каби машҳур фильмлар суратга олинган эди. Мазкур фильмлар учун киностудия коллективи Карлови Вари Халқаро кинофестивалининг биринчи мукофоти билан тақдирланди.

Жаҳондаги машҳур киноюлдузлар ҳақида гап кетгудек бўлса, Капурлар сулоласи алоҳида тилга олинади. Бу коллектив ўзига хос оилавий аёнана си билан машҳур. Сулоланинг тўнғич вакили Притхвхаж Капур совет ва ўзбек киномухлисларига «Дайди» фильми орқали яхши таниш. У мазкур фильмда асар қаҳрамони дайдининг отаси ролида, «Уч денгиз оша саёҳат» Совет—Ҳиндистон фильмида ва зир ролида экранга чиқади. П. Капур асосан 1927 йилдан то умрининг охиригача кино соҳасида ижодий иш олиб боради. Шу давр мобайнида у «Ақдсиз», «Оламаро», «Эндирилган

уй», «Рақдоса», «Видяпата», «Чақир», «Ситто» каби фильмларни суратга олишда етакчилик қилди.

Рож Капур бевосита отасининг раҳбарлигида ўн тўрт ёшдан бошлаб қатор фильмларни суратга олишда иштирок этди. У биринчи марта ўн тўққиз ёшида мустақил роль бажарди. Рож Капурнинг биринчи марта режиссёрлик қилган асари «Олов» фильmidir. Бу фильмда истеъдодли артистнинг капиталистик оламда торган азоб-уқубатлари тасвирланади. Шундан сўнг у «Елғир», «Дайди» фильмларини томошабинлар ҳўкимага ҳавола этди. Унинг «Сангам», «Менинг исми Масхарабоз», «Бобби» каби қатор ҳаётий кино асарлари киностудия фаолиятига шўҳрат келтирди.

Шу кунларда ўзбек томошабинлари яна бир ҳинд фильми «Абдулла» ни яхши кўтиб олдилар. Бу фильмда Рож Капур саҳрода яшайётган саҳий чол ролида намойиш бўлади.


Ўзбек киномухлислари тўртинчи Халқаро Тошкент кинофестивалида Капурлар сулоласининг яна бир вакили — Рожнинг кичик укаси Шаш Капур билан учрашдилар. Шаш Ка-

пур 100 дан ортик фильмларда суратга тушди. Рож Капурнинг ўғиллари Рандир, Риши, Рोजив Капурлар ҳам ота-боболари аёнана сига содиқ қолдилар. Рожнинг катта ўғли Рандир табиятан юморга мойил. У кўпроқ кинокомедияларда роль ижро этишни ёқтиради. Ҳозир Рандир қатнашган фильмлар йигирмадан ошиб кетди. Риши эса «Менинг исми Масхарабоз» фильмида қаҳрамоннинг болалиги, «Бобби» фильмида Рож Нот роллари орқали мухлислар муҳаббатини қозонди.

Эндигина 22 баҳорни қаршилайётган кенжа санъаткор Роживнинг орзу-умидлари кўп. У бор-йўги тўрт марта экранга чиқди. У совет киномухлислари билан бўлган учрашувда: «Қандай фильмларни суратга олмақчиси?» деган саволга келамаган отаси ва акалари изидан бориб, ўз даврини киноленталарда акс эттириш нияти борлигини айтди.

Ажойиб инсон, машҳур кинорежиссёр, ўзбек халқининг ақин дўсти Рож Капур ўзининг томошабинлар ҳақида мос, ранг-баранг фильмлари билан Тошкент кинофестивалига қатнашиб келаётди. Ҳар гал Тошкентга келганида, Рож Капур Ўзбекистон далаларида, шаҳар ва қишлоқ меҳнатқашлари, ҳамкасб санъаткорлар орасида бўлади.

М. УҚТАМОВ



Суратда: (чапдан) Риши Капур, Рандир Капур, Рож Капур, Рोजив Капурлар совет киномухлисларидан келган хатлар билан танишмоқдалар.

# БОЛИБЕК АМАКИ

(БОЛАЛИГИМ КЎЧАЛАРИДА ТУРКУМИДАН)



**Т**УРТ УРТОҚ қишлоқдан чиқарилган пахтахо-на олдда тизилмиш турибмиз. Сайим айта-нидиг, Фармон брига-дирнинг фармонини куй-тиб...

Кеча тўртталамиз ҳам тўққизинчи синфнинг сўнгги имтихо-нини топшириб, ўнга кўчганмиз. Сайимнинг қаромат қилшича, энди оши-гимиз олчи бўлиши керак. Биринчи-дан, катта бир майдонни ўзимизга бериб қўйишади. Ҳаш-паш дегунча эгاتларга сув тараб чиқамиз-да, сой бўйида салқинлаб ётаверамиз. Тол шоҳидаги транзитор «Сувчи йигит» қўшигини айтиб туради. Иккинчидан, табелчи Амин ака, йўқ, Фармон бри-гадирнинг ўзи хизматимизда бўлади. Кўй гуштидан палову майу шаробга-ча муҳайё қилади. Уч ой ёз курорт-дағдай ўтади. Учинчидан, ҳеч кимга сўз бермайдиган бижилдоқ қизчалар энди ҳайчиброқ гаплашмишди биз билан, «ака, акажонлаб қўлишарди. Бурxon хат ёзганда тўполон кўтариб, йўқитишга чақиб берган бувиюрнинг ўзи унга мактуб ёзди: уз сўраб, ялиниб-ёлвориб. Хуллас, ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам бизга чиқиши керак. Фармон бригадирдай одам са-ҳар мардондан уйма-уй юриб, бизни «полвоиларим, азаматларим» деб иш-га айтиб чиқиши ҳали бу бошлани-ши эмиш...

Умуман, Сайим лофчининг гапи-да,— озорқина бўлса-да,— жон бор эди. Чунки бу йил мактабни битираёт-ганларнинг учалови ҳам сўзсиз ўқиш-га жўнайди. Уқишга киролмаса ҳам, шаҳарда қолади. Шундай бўлса, Фар-мон бригадирнинг ишонган йигитлари биз бўлиб қоламиз. Унинг биз билан муроаса қилмасдан иложи йўқ.

Ниҳоят, Фармон ака: «Хўш, ҳамма йиғилдимиз», деганча, тез-тез юриб, олдимизга келди. Сўнгга бизга бир-бир синовчан қараб чиқиб:

— Энди кичкина мажлис қилиб оламиз,— деди.— Ҳўп, гапнинг лўнда-си, тўрт азамат, бу йил бир ишлаб беришлар. Сўвга қўяман. Энди бо-ла эмасизлар, хотин олсанларинг... хмм... Хўш, энди бемалол ишонса бўлади сувчиликни. Кейин, сувнинг пули яхши, биласизлар. Ҳўп, гап шу бўлмаса... Сен бурхон, Эригит икка-лар ўн беш гектарликча борсанлар. У ерда Сувонкул бор. Сен, Сайим Розик билан Шоднинг ёнига. Ушалар нима деса бажарсан... Бўптими?

— Бўпти, бригадир амаки! Малик-чи, у ҳам борсин.

— Йўқ, шомша. Маликов ўн ол-тиликка боради... Болибек амакига ёрдамчи бўлиб.

Сайим қулиб юборди. Менинг қо-воғим осилди.

— Бошқа жойга юборинг. Чопиққа бўлсам майли. Лекин у ёққа бор-майман,— дедим тўнғиллаб.

— Яшанг, амаки! Уша ёққа юбо-ринг,— деди Сайим жигимга тегиш учун.

— Бунақа гапни қўй, Абдумалик. Ҳарбийга борсанг, кўрасан. Топши-риқ берилдими, бақарши шарт. «Э-бев» деб ўтирилмайди. Қани энди бо-ринглар, шер йигитлар. Ҳамманга меҳнат дафтарча очтираман, стаж бў-лади. Уқишга нафи бор...

Сайим билан икки тарафи тўзтор тош қўчадан келяпимиз. Кўёш кўтари-либ, кун ҳалятдан дамни қайтарипти.

Сайим жигимга тега бошлади:

— Маликов, жа шерик билан тушиндигми? Ҳозир бориб кўрамиз, амакинг, қўноқнай, қозичка йўни ўтирибди. Кейин тушгача қоғоз қир-қасизлар, сояда ўтири-иб, майда-

майда гап қилиб. Уни амакинг пул-дек таҳин келтириб халтага жойлай-ди. Тушдан кейин ер-осмон тандир-дай қизийверади, синлар бутун бош-ли участка ўқаригини...

— Бас кил энди! Сен ҳам жонга тегдинг.

— Бўлар гап-да, жўра.

Анҳорнинг бетон кўпригидан ўти-шимиз билан Сайим шарақлаб кулиб юборди. Болибек амаки тол соясида шох қирқиб, қозичқа ясаб ўтирарди.

— Ассалому-алайку-ўм, амаки. Мана сизга шерик. Фармон ака айт-ди, эзиб ишларат экансиз,— деди Сайим.

Болибек амаки унга эътибор қил-мади. Менинг келишимни аввалдан билгандек:

— Абдумалик, бу ёққа кел, жиян,— деб ёнидан жой кўрсатди. Сайим: «Бўпти, жўра, соғ-омон юз қиришайлик»,— деб кўз қисиб кўйди-да, ҳўшата чалиб йўлга тушди.

— Онанг, укаларинг тузукми?

Болибек амакининг сўраганин шу бўлди. Яна ишини давом эттирди. У шу туришда деҳқонга эмас, кўпроқ дурадгор устага ўхшаб кетарди: ёни-да дастарла, қўлида теша, сал нари-роқда ялтираб турган кетмони ёнида болғача, уч қиррали эғов.

У қозичқаларни уч бўлак қилиб, сим билан боғлади. Кейин менга:

— Анави қоғозларни бу ёққа об-кел,— деди.

...Кун қизиди. Биз қоғоз кесиб ўти-рибмиз. Пичоқнинг «шиг-шиг» овози-дан тишларим зириллаб, ғашим кела-ди. Иккимиз ҳам жим. Ҳўв нарида арқонланган эшак ҳар замонда ҳан-раб кўяди. Узини гуп этиб иссиқ туп-роққа ташлайди-да, ағанаб чангитида. Пахтазордан ҳовур кўтарилади.

Ҳали-бери иш бошлайдиганга ўх-шамаймиз. Бу одамга ботиниб бир ни-ма деб бўлмаса, сал гап билан кўн-глингни сиёҳ қилади. Менга-ку, ҳали унақа қилмаган-а, лекин орқаворот-дан эшитаман, у кекса-ёш ёки эркак-ёш деб ўтирмай, бетинга кўзинг борми, демай гапириб юбораверар экан. Буни билганим учун даим ичимда ўтирибман. Зериканимдан уйку галаа қилади.

Ниҳоят, қоғозқопларни бўлаклаб, тахлаб, биттасига жойлашди. Энди бошласак керак, деб турганим, у:

— Ана болғача, кетмонингни ўт-кирлаб олгин,— деди.

Бир-икки болга уриб, бўлди қил-дим. Сезилмабман, у кузатиб турган экан. Қўлимдан олди-да, индамай, ўзи обдан пешлаб, қайтиб берди ва ни-ҳоят, ўзининг лаълидек кетмонини елкасига қўйди.

— Қоғозларни олмаймизми?

— Кейинроқ...

Шу куни кечгача трактор қазиган ўқарикларнинг кам-кўстини тузатиш, ёрдамчи ариқчалар олиш билан ум-римиз ўтди.

Эртас кунни саҳар чоғи далага етиб келганимда, Болибек амаки бир боғлам кечгачи қозичқаларни кўтариб, майдон ўртасидаги ўқарик томон ке-таётган эди. Иккинчи боғламини олиб, унга эргашидим. Сўнг шох-шабба, мойли қоғоз ва қирқилган қоғозлар-ни ташиб олиб бордик.

Уқарик сўнгини кетмонлаб, кўта-риқроқ беркидик-да, ариқ ёқалаб эриқ-олтимиз қадима ичкарига юр-дик. Тўхтаган еримизда Болибек ама-ки ариққа тушиб, қозичқаларни қоқди, шох-шаббани кўндаланг босди. Кейин устидан тупроқ ташлаб кўндим. Боли-бек амаки тупроқни тепкилаб зичла-ди. Шундан сўнгина катта чашма ариги дәмбасига бориб, озгина сув очиб келди. Сув биз ташлаган бандга

дуч келиб, қирғоқ билан тенглашгач, Болибек амаки ундан кўлоқ очиб, ёрдамчи ариққа сув бошқарди. Ёр-дамчи ариқ ҳам тўлди. Шундан сўнг дафтар варағича қилиб қирқилган қо-ғоздан олиб, биринчи жўякка сув оч-ди. У: «Мана шунақа қилинади», деб ўргатмай, чурқ этмай ишлар, мен унинг ҳаракатларини синчковлик бил-лан кузатиб, тақрорлаб борардим.

Мен жўякка сув тарайман, у бир қур кўз ташлайди, ёқмаса, менинг қоғозимни юлиб ташлаб, янгинини кўяди. Юрагим безиллаб турарди: ҳозир бир ачитиб бермасайди!

Бора-бора қўлим келишиб қолди шекилли, у менинг эгатларимга қўл урмай қўйди. Машгулотга берилиб кетганимдан кўннинг тиғи ҳам сезил-мади.

Тушлиқдан қайтгач, негадир мени дарров чарчоқ босди. Ҳар жўяк бо-шида ўтириб тураверганимдан белим, оёқларим қотиб кетди. Тупроқ тинда-лайвериб тирноқларим ости зирқирай бошлади. Офтоб ҳам тағтига олиб, ялангоҳ елкаларим, бўйним ачишади. Болаларнинг қий-чуви келаятган ан-ҳор томонга ҳасрат билан термула-ман. Тўрт-бешта қил-ялангоҳ болакай йўл устидига кумга ётиб олган, бир қанчаси қувлашмачоқ ўйналапти. Бир-бирини қувиб, гоҳ қирғоқ бўйлаб югуради.

Бирдан юрагим орзиқиб тушди: ақиндагина бизлар ҳам шунақа эдик, қайноқ саратонларда анҳордан чиқ-масдик. Ҳов юқоридан тушиб олар-дик-да, чалқанча ётиб, оқиб кетаве-рардик, оқиб кетаверардик...

Бўлар ҳаммаси ўтиб кетди-ми, а бунча тез...

Болибек амакининг эшгаига кўзим тушиб, қулгим кистайди. У йўл ўрта-сида, қоқ офтобда тикка қотган, ух-лаб қолганими нима бало! Тол сояси-га ўтса бўлади-ку. Зарурга зарур, унга нима зарур экан-а. Оббо эшга-й.

Сув, қанийди озгина дам олсак, эътибор бир шўнғиб чиқардим-да, қуюқ сояда беш минут бўлсам, мизғиб олардим. Лекин қайсар шеригим бу-ни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бир зайлда шовилмай ишлайди. Пешона-си қийиқча билан танғилган, эғнида костюм, ҳаво кун оққани сари дими-қиб борлапти, юзида йилт этган нам кўринилапти. Менинг ҳар мўйимдан тер қуюлапти.

Кўёш, ниҳоят, олсидан оқариб кў-ринган даре бўйи чангалзорлари ор-тига ўтди. Енгил шабада кўзгади. Атроф қоронғилашди.

Болибек амаки ариққа чўнқайиб кетмонини юваётганидан сездимки, ишни тўхтатдим. Дарҳол ёнига ўтиб, мен ҳам кетмонимни чая бошладим.

— Амаки, анча-мунча тараб қўй-дик, чоғи-а?— дедим уни гапга со-лиш учун.

— Ҳа, бир гектарча, ундан ҳам озор,— деди у, кейин кетмонни кў-тариб, йиғма каровотларимиз томон йўл олди. Рўқим тушиб, хафа бўлиб кетдим. Кун бўйи тиним билмай бир гектарга етказолмасак, шунча ерни қачон тугаллаيمиз? Ҳаммасиям май-лики, бунчалик ичимдан топ экан бу амаки. Ҳайрониман, жуда бурро, тили заҳар одам дейишарди. Ушандай бўлса ҳам майлиди, бир-икки саси-са, шу бахонада жўнаворардим. Бу нима юриш, икки кундан бери бир-гамиз, бетма-бет келиб гаплашмай-миз. Очяқ-ойдин бир иш буюрмайди ҳам, ўргатмайди ҳам.

Кумгонга олов ёқдим. У анҳор бўйида бир бог ўтиб чиқди. Шу пайт қишлоқдан худди унинг ўзидек сарикроқ, жиккаккина ўғли оват кел-

тириб қолди. У кун бўйи офтобда қоқ бўлган эшакка миниб, далада ўриб қўйган ўтни олди-га ўнгарди-да, қоронғуликда гойиб бўлди. Бу митти болақанинг отасидан бўлак одам эплломайдиган асов эшакни мингани, қоронғида кўркамий юриши мени ҳай-ратга солди.

Болибек амакининг уйдан келган мошқичиридан тузук ёлламадим, қат-тиқ толиқибман. Овқатдан сўнг Боли-бек амаки яна пахтазорга кирди. Ар-қонлаб судрагандек унга эргашидим. У: «Сен бормай қўяқол», деганди, шартта изимга қайтдим-да, каровот-тимни ёйиб, ётиб олдим. Фонуз кўта-риб, ариқ ёқалаб юрган Болибек ама-кига термулиб ётиб, ухлаб қолибман. Тушимда нуқул у билан гижиллашиб чиқдим. Эрталаб турганимда бошим пуқиллар, аъзойи баданим қақшаб оғрир эди.

Орадан ҳафта ўтди. Ун олти гектарнинг ҳаммасига сув тараб чиқ-қанлизи. Ишимиз енгиллашган. Фақат сув таралган жўяклардан хабар олиб юрамиз. Бунагача-ку, тиним билмадик. Ҳатто кечаси ой ёруғида ҳам ишла-дик. Фармон ака бир нарсадан ҳам мамнун, ҳам ниҳоятда таажжубда эди:

— Бу одамови Болибек билан қан-доқ чиқишиб кетдинг, ҳайронман. Ҳар ҳолда муғомбир экансан, кўнгли-ни толддинг, ука,— деди.

Унга ҳеч нарса дедимиз-у, бироқ ўзим ҳам тушунмасдим: унинг кўнгли-ни толадиган нима иш қилдимки... Кейин бошқаларга қилгандек аччиқ-тизич гапирмади ҳам менга, ким билсин нега бундай!

\* \* \*

**К**ЕЧА туш пайти Сайим-нинг олдига бориб кел-гандим. У майдон чек-касидаги балхи тут со-ясидаги каравотда чўзи-либ ётган экан, ётган кўйи қўл узатиб:— Кел-синлар, келсинлар, сувчи йиғит,— деди ишбайиб.

У билан бирпас ҳангамалашиб, кейин анҳорда бирга чўмилган кела-ётгандик. Артимга тикилиб, безаршиқ кулиб туриши ғашимни келтирди. Шеълим айтиб, кирпидек ҳўрпайиб олдим.

— Яхши юрибсанми?— дедим хуш-ламай.

— Емонмас, хўш ўзингдан сўра-сак. Қани, бу ёққа ўтир-чи, амакинг-дан гапир. Қалай айтганларим тўғри қилдимми-а, тўғримики?

— Амакимга нима қилпти, ҳамма қатори одам у ҳам.

— Бўлди, бўлди, тушунарли.

— Нима тушунарли!

— Топишибасизлар. Гап бор-ку, ўх-шатмасдан учратмас деб. Мана сен-гавм юқибди ундан.

— Менга қара, сенга ким қўйибди ўзи, отанг тенги одамни гап қилиш-ни.

— Ҳўп бўпти, бўпти. Ана гапирма-дик. Ишдан гапир, жўра, «Қўйқўтон» бўлдимки, ёки яна бир ой...

— Нега бир ой, индига ташлай-миз сувни, шерикларинг қани?

— Улар аллақачон «Шотутли»да. Уч кун бўлди. Мен мана охириги чала ерларга сув ҳайдаб қўйдим, кечда кўнгоб, ўша ёққа кетаман.

Бу ерда мен таомин бошқача аҳ-волни кўрдим. Майдоннинг дэстлаб сув олинган тарафиди жўяк пушта-

лари аллақачон оқариб қолган. Майдон ўртасидаги сув кўллаган нишаблик ялтираб турибди. Сайим бўлса бир ариқ суви элликтача зтага қозғасиз, ўлчовсиз бошқариб қўйибди. Бунақа сугоришлар ҳам бўларкану... Унинг шу қилгани Болибек амаки кўрсам, кетмон билан солиб қилиш ҳеч гап эмас...

— Улар йигирма уч гектарликни тугаллаб, «Шотутлига ўтишибди,— дегандим, Болибек амаки бунга: «Биз қачон тугатамиз?» деган маънода англади шеклилли, менга ноҳуш тикилди.

— Жуда чала сугоришибди,— дедим дарров.

Чойга ўт ёқиб турувдим, табелчи Амин сариқ мотоциклда келиб: — Ҳозир шийпонга бориңлар, мажлис бор, чойни ўша ерда ичасизлар,— деб тайинлаб кетди.

Мажлисга тракторчи, суви, чопиқчиларнинг ҳаммаси келган. Қизил алвон ёпилган столда колхоз раиси, агроном ва бригадир ўтирарди. Агроном тушгача ўтказилган текширув ҳақида ҳисоб берди. Ғал сугориш масаласига келганда, Сувонқул аканинг группасини сусткашлиқда айблаб ўтди. Розик акаларни мақтади. Бизлар эсига ҳам келмади. Ингилиш сўнгида икки чопиқчи аёлга бир кийимликдан духоба, тракторчиларнинг биттасига эллик сўм, Розик акаларнинг группасига юз сўм пул мукофоти берилди.

Менга жуда алам қилди. Болибек амакининг хотиржамлиги эса баттар жадлимини кўзгарди. Сой ёқалаб иш жойига қайтаётганимизда, биринчи марта ботиниб унга ёрилдим.

— Амаки, нимага ҳақингизни талаб қилмайсиз. Ушалардан сизнинг қаерингиз кам? Улар қўл учида ишлашади, пулни кўп олишади. Бунинг

устига, уларни мақташади, мукофот беришади.

У индамай эшитиб борди-да, бирдан:

— Бўлди қил!— деди кескин.— Нима, мукофот учун ишлайсанми? Ҳақингни тўғри бериб туришса, бўлди-да!

Кейин анчагача жим кетдик. Тумшайиб олганимга, яна ўзи гап бошлади.

— Уғлим, қўйвер! Ҳали келгусингда бунақа ишларни кўп кўрасан. Лекин нокаслар олдига сира паст тўшма, ҳалол ишлаки, бировнинг олдига тилинг қисқ бўлмасин. Буларнинг ишини қара, кеча суви ташлаган. Бир ёғи кўллаб, бир ёғи чўллаб ётибди. Бу гўзалар одам бўладими энди?! Ахир, бутун қишлоқ бола-бақраси билан кўз тиккан бу ерга. Кузда нима оламиз? Молдан ё томоркадан даромадимиз бўлмас... Шўрлик хотинлар бу заранг ерларни чопикдан чиқаргунча, ичкалари буралиб кетмайдими?! Қўлинг синсин, тоғанинг боққанинга буюрмасин, деб қаргамайдишми!?

У яна жимга қолди. Мендан ҳам садо чиқмасди. Бу пайтда Шотутли дала чеккасидан ўтаётгандик. (Унинг ўртасида катта шотут дарахти сақланган қолган). Далада зог кўринмас, Розик акалар шийпонда биздан кейин ҳам ўтириб қолган эди. Бир маҳал пахтазор ўртасидаги ўқариққа кўзим тушиб, ҳайрон қолдим: суви қуриб қолибдими! Мажлисга бораётганимизда ариқ лиммо-лим эди. Разм солиб қараб, аҳволни тушундим. Сув кўрнмаган, балки ариқ тўлидан катта тезлик билан оқиб кетаяпти. Демак, қайси бир бандни урган. Югуриб анҳор ёқасидаги тепаликка чиқдим-да, пайкал этагига тикилдим. Уҳ-хў, ойдинқул-қул! Негадир қувониб кетдим.

— Амаки,— дедим ўша ердан туриб,— мукофот олганларнинг аҳволини қаранг.

Ҳаёлланиб бораётган Болибек амаки хушёр тортиди.

— Нима гап!

— Уқариқни уриб кетибди, ҳаммаёқ, ойдинқул. Агроном билан раис бобо бир кўрсайди.

— Югур!

— Нима!— анграйиб у кишига қарадим.

— Югур кетмонга, тез бўл!

— Э, қўзверинг, амаки, ўзлари бир терлашсин.

— Чоп, дедим, ҳайвон!

Увоқонча одамнинг бунчалик бақришини сира кўрмоқдим. Зипиллаб қолдим. Кетмонларни олиб қайтаганимизда, у ўқариқ бошида тош қотиб турар, ранги бўздай оқариб кетган эди. Мен ўз кетмоним билан дуч келган ерни ўйиб, сувга ташлайвердим.

— Тўхта!

Болибек амаки костюми билан этигини ечи-да, кўйлак, шимда ариққа кўндаланг ётиб олди. Сув бир қалқиб тўхтади-да, сўнг унинг устидан ошиб, йўлида давом этди. Кўрғиб кетдим: «Бу одам нима қилаяпти ўзи!»

— Энди ташла!— деб бақирди у.

Ҳовлиқиб Болибек амакининг усти оша тупроқ ташлай бошладим. Шошилишча ишим унга, тупроқ кўпаймас, сув ўз йўлига кўндаланг тушган одамни кўйиб, жаҳл билан олға интилар эди. Яқин-атрофда бирор жонзот йўқ, обғим остида эса Болибек амаки бақирарди:

— Нуқул бир ердан олма, ўйиб юборгинг. Ғўзанинг тағидан олма! Ариқнинг лабидан ол, ана шу ердан, тез-тез!

Ҳар тупроқ ташлаганимизда, сув лойқа аралаш унинг юзларига шаллоп-лаб уриларди. «Дамба» олдига тупроқ кўпайиб, ариқ тўсилди. Сув далаганиб, қулоқлардан ёрдамчи ариқларга қуйилди. Улардан жўяқларга тарқала бошлади. Болибек амаки мени ҳамон тинчтиқмасди. Тупроқ билан унинг ярим танасини кўйиб юборгандим. Ниҳоят, кўлини кўтариб: «Мени торт», деди. Уни лой орасидан зўрға тургазиб олдим. У ариқ лабига ўтириб, нафас ростлади-да: «Сен юқорини кўриб чиққин, ҳамма эгатларга сув чиқаяптими, йўқми?»— деди. Сўнгра, юзини чайиб, ҳорғин кўзгалди. Кетмони, костюминини елкасига, этигини қўлга олиб, тамоми этни-бошидан лойқа сув чакиллаб, этакка юриб кетди. Ёши бир ерга бориб қолган одамнинг (қизик, шу топда миямга: «У неча ёшдакин», деган ўй келибди) шу кўйда юрганига ачиндим.

Юқоридан хабар олиб қайтганимизда, у сўкиниб, тизза бўйи сув кечиб юрар. Тўпналиб қолган сувини йўл топиб қочирмоқчи бўларди. Аммо, бу ер чуқурлик бўлгани учун, сувини чиқариб юборишнинг иложи йўқ эди. Мен етиб келишим билан у олдimgа чиқиб, уватга ҳорғин қўйди. Ғўзаларга ачинганидими, ё бошқа нарса ёдига тушганим, кўзлари жиққа ёш эди. Боя мени ҳақорат қилгани эсимга келмайди, қайтага ўз қилгидан хижолат тортиб, унга хавотири қараб қўяман. У кулолгачча сувга ботган ғўзалардан кўз узмайди. Ғўзалар чўкаётган одамлардек: «Кутқаринглар» деб илтижо қилаётганга ўхшайди...

Анчадан сўнг кетмонларимизни олиб йўлга тушдик. Анҳорга етгандик ҳамки, олдимизга хаворанг «Волга» келиб тўхтади. Машинадан кулимсираб раис, орқасидан агроном, Фармон ака. Розик акалар тушишди.

— Ҳа, Болибек, чўмилибсанми. Тагин кўйлак-иштон билан-а?

— Ҳа, жуда иссиқ, куйиб кетдим, раис бобо!— деди Болибек амаки зардалчи, сўнг ювингани анҳорга тушди.

Раис, ўша кулимсираган кўйи ҳамроҳларига ўғирилди. Улар кулимсираб менга қарашди. Узимни тиблмадим.

— Розик аканинг ойдинқўлида чўмилдилар,— дедим ўйлаб ўтирмай.

Раис: «Сен тиррнча, не даясан!» дегандек ноҳуш тикилди. Сув гапнинг тағига етди шеклилли, Розик акага ўқрайди. У ранги ўйиб, питирлаб қолди. Қўлимдан кетмонни юлиб олдию, уват бўйлаб чопиб кетди. Раис агроном билан бригадирни ҳам шу ерда қолдириб, Болибек амаки иккимизни машинасида қишлоққа олиб кетди. Уйда кийимларимни алмаштириб қайтиб борсам, Болибек амаки аллақачон пайкал оралаб юрарди. Энгизда иссиқ пахталик.

— Келинг, Абдумалик,— деди у очилиб.— Бугун роса чарчадинг-а? Ҳа, майли, эрта насиб бўлса, суви ташлаймиз, кейин бир-икки кун дам оласан.

У ўқариқ ёқалаб, мен дала этагидан юриб, сувин текшира бошладик. Сувга қонган жўяқларни бўғиб, адоғига етмаганларнинг сувини кўпайтириброқ қўйдик. Шу заўлда шомга қадар бутун пайкални кўздан ўтказдик.

Шу кеча Болибек амаки иккимиз биринчи марта хотиржам, биринчи марта очилиб суҳбатлашдик.

У етим ўтган болалигид, фронтдан яраланиб, бунинг устига, ўпкаси шамоллаб, яримта бўлиб қайтгани ҳақида гапирди. Дадам билан дўстлиги, иккаласи доим ҳазил-хўзул қилиб юриши, лекин дадам ҳазилни элпай олмади, бир неча бор чувч чиқиб қолганларини кула-кула сузлаб берди.

Бир кунни дадам ярим тунда келиб, уни каровоти билан судраб, сувли ўқариққа тушира бошлабди. Каровотдаги одам: «Ким у, нима қилаясан?» деб сакраб туриши билан дадам зинғиллаб қочиб қолибди. Чунки, Болибек деб ҳазиллашган одами колхоз раиси бўлиб чиқибди-да. Райондан мажлисдан қайтаётган раис шиферига обком вакилини шаҳарга ташлаб келишини тайинлаб, ўзи сувадан бори олиш баҳонасида машинадан тушибди. У кун бўйи жуда чарчаганидан Болибекнинг каровотида мизгиб олмақчи бўлган экан. Бироқ кўзи илиниши билан кимдир каровотни судраб қолибди...

Болибек амаки: «Даданг халққа ғамхўр эди, Фармон ҳам ёмон одаммас-у, бўшангроқ, уни Розиклар ўнатишяпти»,— деди. Сўнгра: «Даданг каллани одам эди, лекин ўқий олмади. Сен ўқигин эди. Уқиб келсанг, кўрмагандай бўлиб кетасизлар,— деб насихат қилди.— Менам, ажалга сабр берса, Бозорбекни ўқитаман. Қизларнинг йўриги бошқа. Эгаси чиқдими, бериб юбориш керак. Ишқилиб, соғ бўлишин...».


\* \* \*

Юзимни алланима сийлаб ўтгандай бўлди. Кўз очиб, дастлаб тиниқ зангори осмонни кўрдим. Жуда баланд-да қалдирғочлар чарх урар, уларнинг шўх вижир-вижири атрофини тўтиб кетганди. Осмон кун чиқар томонга сари оқаринқираб бориб, уфқ — қорли тоғлар орти эса қумушдай ярқираб кетганди. Сал ўтиб, олтинранг тус ола бошлади. Энг юксак чўққи ортидан қўшнинг бир чеккаси кўринди.

Мен бу гўзал манзарани биринчи бор кўраётгандай маҳлиё бўлиб қолдим. Секин-аста юқорилаб бораётган қўшга бутун вужудим билан тикилардим. Унинг нурлари кўзларимни қамаштирмас, балки юзларимни сийпалар, ўзи томонга қорларди. Гўё ҳозир, қўш чўққи ортидан кўтарилиб олган захоти, бутун борлиқ жарангос бир оҳангга тўлиб кетадигандай эди.

Шу маҳал ёнгинамизда бир шарпа туюб диққатим бўлинди. Қарасам, Сайим. У Болибек амакининг буш каровотида омонатгина бош эгиб ўтирар, ёнида кетмони, каттагина тугунчаги бор эди. Менга кўзи тушиши билан у алланечук ноҳор, гуноҳкор йўсунда кулимсиради...

Болибек амакини излаб, далага кўз югуртирдим. У ярқироқ кетмони елкасида, кўм-кўк, бўлиқ пахтазор оралаб кун чиқар тарафга, назаримда ўша қорли тоғлар сари одимлаб борарди.



А. ХОЛИҚОВ чизган расм

# ИНТИЗОМСИЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ!

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Социалистик меҳнат интизоми»ни мустаҳкамлаш юзасидан ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан меҳнат коллективларида интизоми ҳар томонлама мустаҳкамлаш хусусида оқилона фикрлар айтилган. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко сайловчилар билан бўлган учрашувда куйдагиларни таъкидлаб ўтди: «...Партия билан ҳукумат давлат маблағларини талон-торож қилиш, кўзбўямачилик ва хизмат мавқени суниётмоқчилик, ўғрилик ва порахўрлик каби шармандаллик ҳолларга қарши курашни кучайтирди. Бу вақтинчалик кампания эмас. Бу — доимо ва қатъият билан ўтказилаверадиган йўлдир. Бунда ҳеч кимга шафқат йўқ ва бўлмайдик ҳам. Бу хусусда ҳеч ким ҳам ҳаёларга бормаслиги керак. Шу босдан раҳбарларнинг яна ҳам юксакроқ масъулияти ва талабчанлиги, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари, барча совет кишилари шу масалаларга доимо эътибор беришлари, халқ контроли, ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов органлари самарали ишлаши лозим.

Ҳозирги пайтда ҳар бир коллективдан, ҳар бир кишидан ишга бўлган шахсий масъулият туйғусини ошириш, ишга ҳўжалик эгаси кўзи билан қараш, меҳнат интизоми бузувчиларга, ҳўжасизликка, талон-торож қилишга, ишқўлма ва дангасаларга, ичкилик-боз ва прогулчиларга қарши фаол курашиш талаб этилади.

Қаерда меҳнат интизоми бўш бўлса, назорат, масъулиятсизлик сўзаси, у ерда ҳўжасизликка йўл қўйилади. Бундай ҳўжасизлик Тошкент темир йўл бўлинимасига қарашли станцияларда кўпга содир бўлганлигини кўрди. Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги юкларни ташиш ишларининг яримдан кўпи темирйўл транспорти ҳиссасига тўғри келади. Вагонлар ва контейнерларда юзлаб хил ва минглаб тонна халқ ҳўжалиги юклари ташилмоқда. Бу жиҳатдан Шумилов станцияси Тошкентдаги энг йирик юк ортши ва тушириш жойларидан бири ҳисобланади. Республикаимиздаги ва пойтахтдаги энг йирик базелар ана шу станциядан юк оладилар ва шу станция орқали юк жўнатадилар. Бироқ бу ерда рўй бераётган тартибсизлик, назоратнинг сустлиги айрим кишиларга давлат, халқ мулкани талон-торож қилишга кенг йўл очиб берган. Чўноччи, станциянинг 3-участкиси темирйўлчилари Ҳ. Омонов, В. Ерофеев, Ш. Юсупов, М. Илсёсов, М. Музаев, А. Ситов, С. Хамралиев, А. Миногин ва бошқалар икки йил мобайнида давлат мулкани талон-торож қилиш билан шуғулланиб келганлар. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаятган вагон контейнерларини очибди, ундаги нобб молларни мунтазам равишда «ташиб кетганлар». Оқибатда икки йил давомида давлатга 77 минг 435 сўм 86 тикий зарар келтирилган.

Социалистик интизомага қатъий риоя қилиш туфайли ҳар бир кишининг ўз ишга масъулият туйғуси ошади, меҳнати баракели бўлади. Тошкент темир йўл бўлинимасида юзлаб ишчилар юксак меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар, топширилган вазифага ҳелол ва виждонан муносабатда бўлмоқдалар. Битта мисол: комсомол аъзоси Раҳмонберди Каримович

Каримов ва унинг ўртоғи Аҳат Тўлаганович Эргашев вагонлардан айрим нобб моллар гойиб бўлаётганлигини сезиб қолишди. Кеңқурун улар ҳеч кимнинг даъватисиз ўз ташаббуслари билан юкларнинг қандай сакланаётганлигини текширишга қарор қиладилар. Темирйўлдаги состав вагонларининг бирида тамга бузилган, эшиклари ланг очилиб ётар, ерда эса минерал сув шишаларининг синиги кўзга ташларди эди. Кириув натижасида шу нарса маълум бўлдики, жиноятчилар 23 қути минерал сувни ўғирлаб, станция яқинидан оқиб ўтадиган канал сувига яширишлар. Р. Каримов эсачиби, юкни сувдан олиб чиқди. А. Эргашев эса станция навабчисини содир бўлган воқеадан воқиф этди. Зудлик билан қўрилган чора-тадбирлар туфайли милиция ходимлари илгари судланган, мунтазам равишда ичкиликбозлик қилиб, ўғирлик кўчасига кирган икки жиноятчини қўлга олдилар. Бу қўли эгри шахсларнинг иши судга оширилди. Шундай қилиб, юк қабул қилиб топширувчилар — Р. Каримов ва А. Эргашев ўз бурчларига чинакам садоқат туйғусини намойиш этдилар. Бундай мисолларни кўпгаб келтириш мумкин.

Бироқ Тошкент транспортдаги бир қатор станцияларда меҳнат интизоми ҳамон суст. Бу жойларда ишга кечикиб келиш ҳоллари, прогуллар, ичкилик



бозлик тез-тез учраб туради. Транспорт бўлинималарининг раҳбарлари қонунда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш ишларига лоқайдлик билан қарамоқдалар. 2-Тошкент вагон депосида 1983 йилда 1982 йилга нисбатан меҳнат интизоми бузиш ҳоллари 35 процентга кўпайиб кетди. Бу ерда вагон провондникларининг ўз вазифини суниётмоқчилик ҳоллари содир бўлмоқда. Улар юк ташиш ва йўловчиларни элтишда мавжуд қонун-қондаларга мутлақо риоя қилмаётдилар. Дено раҳбарлар эса бундай номатлуб аҳволга панжа орасидан қарамоқдалар. Масалан, провондик Дилшодбек Сиддиқов январь ойда 928-поезднинг вагонига 6 та билетсиз пассажирини олиб кетаётганлиги, шунингдек, 20 донна чойшабини қайта ишлатганлиги маълум бўлди. Лекин унга нисбатан етарлиқ жазо чоралари қўлланилмади. Шунингдек, 636-поезд провондиги Абдуфаттоҳ Маҳмудов 11 кишини, провондик Аппон Маматбоев эса 15 кишини билетсиз олиб кетаётганлиги маълум бўлгач, уларнинг ҳар иккиси бўлинича бошлиги буйруғига биноан бошқа ишга ўтказилди. Бироқ вақтинча ишга ўтказиш ҳоллари «жазо муддатиде» тугагандан сўнг эмас, балки муддатидан илгари амалга ошириляпти. Улар тез орада яна ўз ишларига тикланмоқдалар. Масалан, 1983 йилнинг 14 март қарорига биноан провондик Маҳмуджон Эргашев уч

ойлик муддатга ўз вазифасидан четлаштирилди, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна ўз ишга тикланди. Провондик Ж. Тошхўжаевнинг жазо муддати бир йил бўлишига қарамасдан икки ярим ой ичидеёқ аввалги вазифини бажаришга киришди.

«Тошкент» ва «Салор» станциялари йўлларида ҳам меҳнат интизоми бузиш ҳоллари тез-тез рўй бераётди. Текшириш ишлари шунини кўрсатдики, бу жойларда интизоми бузиш ҳоллари қайд этиладиган журнал йўлга қўйилмаган, интизоми бузувчилар, ичкиликбозлар коллектив ўртасида бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган.

«Қизил тўқимачи» станциясида ҳам шундай аҳволга дуч келамиз. Станция шахсий составининг 22 проценти меҳнат интизоми бузганлиги учун жазоланганлиги бежиз эмас. Айрим ходимлар эса ҳатто ўн кунлаб сабабсиз ишга келмаган ҳоллар қайд этилган. Поезд тузувчи Геннадий Скачков ичкиликка муқкасидан кетганлиги туфайли бир неча кун ишга чиқмаган. Бу масала ўртоқлик судида орадан бир ой ўтгандан кейингина муҳокама қилинган, шунда ҳам унга фақат хайфсан берилган ҳолос. Станциядаги профилактика кенгаши фақат қозғалмавжуд ҳолос. Қарлар бўлими эса ходимларни тарбиялаш бўйича тадбирлар планига ҳам эга эмас. Бу ҳол меҳнат интизоми бузувчиларга эркинлик яратиб қўйган.

Тошкентдаги ҳарбийлашган қўриқлаш отряди муассасаси (бошлиги В. Н. Сидун)да ўтган йилнинг саккизи ойи мобайнида меҳнат интизоми 16 марта бузилган. Шахсий составининг 20 проценти ишдан бўшаб кетган. Меҳнат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги оқибатида юкларни ўғирлаш ҳоллари содир бўлган.

Бундан ташқари, иш вақтида ичкиликбозлик қилиш, тушликка чиқиб гойиб бўлиб кетиш ҳоллари қайд этилди. Масалан, вагон қўриқовчи Баҳром Пишчок Шумилов станциясида вагон қўриқлаш ўрнига қўлида жангвор қуроли бўла туриб қўриқовчилик қилади. Милиция ходимлари қайфи тароқ ҳолда уни қўлга оладилар. Ишга бу қадар ўта масъулиятсизлик ниҳоятда ташвиш уйғотди. Тошкент темирйўл бўлинимаси раҳбарлари бу иллатларга қарши зудлик билан кескин чоралар кўрмоқлари лозим.

Давлат планлари ва топширилган аниқ бажарилган, партия ва ҳукумат қарорлари онгли суратда амалга оширилган, барча ходимлар ўз меҳнат вазифаларини, ҳўжалик раҳбарларининг буйруқ ва фармойишларини, меҳнат тартиботини аниқ адо этган, ишга юксак ушўқоқлик ва аниқлик бўлган, яъни ҳўжаликнинг барча бўғинлариде интизомага қаттиқ риоя қилинган тақдирдагина халқ ҳўжалигидеги барча бўғинларнинг ишнини яхши йўлга қўйиш мумкин.

Меҳнат интизоми янада мустаҳкамлаш иқтисодий қурилиш суръатларини тезлаштириш, халқ бойлигини ва меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг муҳим резерви бўлиб хизмат қилади.

**АҳРОР ХўЖАХОНОВ,**  
Тошкент транспорт прокурори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист  
**Тўхтамурад ТШЕВ,**  
СССР Журналистлар союзи аъзоси

## ЧИПОР КАЛТАКЕСАК

Чипор калтакесак Фаргона водийсида, хусусан, Задарё районидеги Оққум массиви атрофларидаги қумликларда ҳамда Фаргона области Бувайда райони территориясидаги қумликларда учрайди. Бошқа калтакесаклар сингари майда, зарарли ҳашаротлар: ўргимчак, шира, кана билан оқатланади. Бир мавсумда 2—4 марта 1—2 тадан туҳум қўйиб кўпайди. Чипор калтакесак муҳофазаси учун

бошқа қумли шаронгта яшайдиган ҳайвонлар қатори Марказий Фарғонада қўриқхона ташкил этиш лозим, деган фикр мавжуд.

Ш. ТОЖИБОВ

Наманган

## Ўмғир устига ўмғир

Дэвид ва Кэрол Хьюз деган табиатшунос ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини тадқиқ қилиш учун Марказий Американинг сер-ёмғир ўрмонларида 18 ой

иш олиб бордилар. Шу бир ярим йил давомида ҳар кунн ёмғир ёғди. Олимлар бунга бардос билан чидадилар. Баззан эса уларга табиатнинг ўзи ёрдам берди. Урмондаги баъзи дарехтларнинг улкан япроқлари уларга катта соябон вазифини ўтади. Бу ерда улар учун энг хатарли нарса намгарчилик эмас, балки заҳарли қуртлар ва илонлар бўлди. Бир гал дарехтдан Кэрол қўлига оқиб-пуштиранг, туқли қурт суйкаиб, ерга тушди. Кэролнинг қўли аввалда ачишди, кейин эса қўли ва кўраги қаттиқ оғриқ бошлади. Хайрия, оғриқ қўлга қўзилмади.



## ФИЛБУРУН

Балиқлар оиласига кирувчи бу сув жонивори Сирдарё куракбўрун баллиқ ҳам деб аталади. Бу Сир-

дарё ҳавзасида учрайди-ган балиқдир. Ирригация шохобчалари кўпайиши билан у Норин ва Сирдарёдан сув оладиган бошқа каналларда ҳам учрай бошлади. У турли ҳашаротларнинг туҳумлари билан овқатланади. Ҳаётининг 5—6 йилларидагина 1,5 минг донна атрофида уруғ қўйиб кўпайди. Ҳозирги пайтда дарёнинг гидробиологик режими бироз бузилиши оқибатида бу балиқлар сонни камаймоқда. Агар сув ва ирригация шохобчалари муҳофазаси кучайтирилмаса, браконьерликка чек қўйилмаса, бу нобб жонивор кескин камайиб кетиши мумкин.



## ШОМАҲМУДОВЛАР



Офтоб урчуғидан тўкилган ипак  
Тераклар учига илиниб қолди.  
Намозгар салқини тушиб,  
Жонҳалак  
Темирчи ҳовлиси томон йўл олди.  
Жўжавирдай бир жон,  
Шошилар йўлда.  
Дунёни кучади ота кўз билан.  
Ўн бешта жужуги ўн бешта тилда,  
Дарвозага чиқар битта сўз билан.  
Пешбандин сарғайтган сачрама чўғлар!  
Ота кучоғида тафот ҳиди бор.  
Гарчанд у Тошкентда,  
Ва лекин ўқлар —  
Танида,  
Кўзида уруш дуди бор.  
Отани ачомлар қизча. Малласоч.  
Кўм-кўк кўзлари нақ булутсиз осмон.

«Инига уруш ўт қўйган қалдирғоч,  
Шунча меҳнатимга ўсгин-да омон!»  
Вазмин чехрасига ёғилар чирой,  
Ачом-ачомлардан эриydi кўнгли.  
Бир қошиқ ёвғону бир пивла чой,  
Ўн беш чашма меҳри аритар мунгни.  
Бир пас хаёл сурар: «Бурч, Одамжонлик —  
Юрак қўрасида тобланган маъдан.  
Шу Туйғу бор экан топар омонлик,  
Бало-қазолардан соғ қолгай Ватан!»  
Бевалар, етимлар... ўчоғи ўчиб,  
Кузги боғдай хулаб қолган хонадон,  
Саҳават лиммо-лим қалбдан сув ичиб  
Яшил баҳоридан топаркан нишон...  
Ярақлар қасрнинг мармар пештоғи.  
Ҳайкалда ҳар нуқта жонланиб кетар.  
Асрларга сўйлар Меҳр сабоғин  
Ватанга айланиб Шомаҳмудовлар...



## Тилак

«Сен менинг ёлғизимсан,  
Қанду навот сўзимсан,  
Еруғ ерда ёғ ёқиб,  
Қоронғуда чирок ёқиб,  
Устирган юлдузимсан...

Кийикчадай эркалаб  
Оёқ боссанг — йўл бўлдим,  
Ҳаддан ошсанг, тергалаб,  
Гоҳо қаттиққўл бўлдим.  
Бировдан кам бўлма, деб,  
Тил учимда бол тутдим,  
Дийдаси нам бўлма, деб,  
Кўз ёшимни беркитдим.  
Майин Байтлар айтдим, то—  
Бағритош бўлмагин, деб.  
Биров чекканда жафо,

Бепарво кулмагин, деб.  
Олиб бордим тўйларга,  
Завқ инсин деб дилингда,  
Яхши-ёмон кунларда  
Ҳамдард бўл,— деб,— элингда.  
Шоҳи-атлас киймадим,  
Чит кийдим, деб ўксима.  
Бўз бўлса-да кўйлагим,  
Ганж яширдим кўксима.  
Ганжим эди пок меҳрим,  
Сенга тугал бахш этдим.  
Оқ сутимдай пок нурни  
Идрокингга нақш этдим.  
Халқникисан, ёлғизим,  
Кўп қатори ўлмагин.  
Ҳўл меҳрига туш, кўзим,  
Ёлғизлини қолмагин!»

\* \* \*

Юрак теранлашиб борар,  
Фикр — равшанлашиб.  
Равшан фикрларини топмоқ,  
Шеърга солмоқ қийин кундан-кун.  
Лекин тунларингни тонга улайсан,  
Кезасан кўнглингни сўқмоқларини,  
Заргар каби қалбни элайсан,  
Барибир топасан керакли сўзини.

Кўзларинг нури ҳам камайиб борар,  
Хаёт тутқазади охир кўзойнак.  
Шу ажиб, шу суюк жаҳонни  
Тинирок кўрасан,

Ажратиб оласан яхши-ёмонни,  
Ҳўшёрроқ юрасан!

Гоҳ қаддинг тик тутиб,  
Гоҳ қаддинг чўкиб,  
Утасан турмушнинг кўприкларидан.  
Юрагингни босган қора булутлар  
Дўлдай ёғилади киприкларингдан.  
Шодликлар, меҳнат, ғаш  
Аро куйгунчак қалб билан  
Буюк дард билан,  
Қаттиқроқ кучасан ҳаётни,  
Ширин кўринадиди яшаш!

Ҳамроқул АСҚАРОВ

## ПЎЛАТ ҚАНДАЙ ТОБЛАНАР

(НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ  
УЛМАС ХОТИРАСИГА  
БАҒИШЛАЙМАН)

Юракда ёнаркан муқаддас олов,  
Нечун ёниб кетмас вужудлар, нега?  
Сен ҳайкал эдинг-ку виждонга сийлов  
Севги ва нафратинг қолмас безга.

Одамлар орзуси — Коммуна узоқ  
Аммо сен тўғилдинг билмайин фаслинг.  
Ҳар қандай ёвузлик, ҳар қандай тузоқ —  
Олов юрагингга пуфлашдир асли.

Қалбингда бир буюк оташ тўлғаниб,  
Кўзингда ёнаркан ёвга интиқом.  
Совуқ замонадан сўрадинг ёниб,  
Сўрадинг саволинг муаммо тамом.

Сўрадинг: «Қандайин тобланар пўлат  
Ва бўронларнинг болалари ким?»  
Пўлатни билишар ҳамма ҳам, фақат,  
Павел саволларинг бирам сирлики...

Не ажаб муаммо, не ажаб савол,  
Кўюнчак ўйларинг бир зум олмас тин.  
Қанча кам тушуна сенинг саволинг,  
Шунча кўп сўқдилар ёвинг, Корчагин.

Замин кўтаролмас, осмонга сиймас  
Қайғулар, ташвишлар юрагингда жо.  
Кўзингни кўр қилган ўткир тиг эмас,  
Ғарз-ла қадалган не-не баднигоҳ.

Кўтариб юрардинг кўксингда шундай  
Самою заминнинг огир-енглини.  
Гоҳ зулмат, гоҳ зиб, кундуз ва тундай  
Севардинг ҳаммадан осмон кенглигин...

...Бугун йигирманчи асрдан туриб,  
Узоқ-узоқларга боқаман шодмон.  
Буюк титанларни тураман кўриб,  
Чўнг қадам ташлаймиз Коммуна томон.

Мен бугун англайман нимадир пўлат,  
У менинг коммунам — қалбим тўрида!  
Уни тоблаб олмас ҳеч нарса, фақат —  
Тобланар у юрак ёлқинларида.

## Баҳор

Энг аввал бойчечак келди чулдираб,  
Сўнг, сарху шамоллар эса бошлади.  
Дарахлар заминга оёғин тираб,  
Навбаҳор суратини чиза бошлади.

Миллион хил оҳанг, миллион хил  
ранг,  
Тўлдириб юборди ерни, осмонни.  
Кўксимиз соз бўлди торлари таранг—  
Суюб куйлагувчи Ўзбекистонни.

## ОНА ЖИРАФА

Иккита урғочи шер жирафанинг  
боласига ҳужум қилиб, уни ерга ағ-  
дарган пайтда, ниҳоятда жунбушга  
келган жабрдийда она жирафа йирт-  
қичлар билан жангга киришди. Буни  
қарангки, шерлар она жирафанинг  
ҳужумидан чекиндилар ва ўлжани  
ташлаб қочиб қолдилар.



## Ғордаги галерея

Американинг Теннесси  
штатида икки юз ўттиз  
тўрт метр чуқурликдаги  
ғорда бадий санъат гале-

реяси топилди. Олимплар-  
нинг тахминича, бу галерея-  
ни бундан саккиз юз йил-  
лар муқаддам инклар ярат-  
ганлар. Томошабин уни кў-  
риш учун дастлабки ғордан  
тор ва паст йўл орқали  
қоринда сирғалиб ўтиб, ба-  
ландлиги уч, узунлиги юз  
метр келадиған иккинчи  
ғорга ўтадилар.

У ердаги деворга ёпиш-  
тирилган лойга турли ўл-  
чамда — беш сантиметрдан  
бир неча метргача кепадиган  
ранг одам, қуш, ҳайван ва  
тошбақаларнинг тасвири ту-  
ширилган. Ғордаги ҳарорат  
ва намлик асрлар давомида  
ўзгармагани учун лойга ту-  
ширилган ботиқ тасвирлар  
яхши сақланган.



Олтириқ оқсоқоллари.

Н. Шарипов фотоси

## БИР ТУП АТИРГУЛ

Сўлим Фаргона водийси бўйлаб саҳат қилиб юрган кезларим эди. Айни баҳор пайти. Кичикина қишлоқ яқинидаги қабристон ичкарисида нуруний чол билан сочлари кумушдек оқарган кампирга кўзим тушди. Иккови бир қабр ёнида куймаланишарди. Ҳамроҳим билан улар томон яқинлашдик. Чол-кампир бир туп қизил атиргул атрофида парвона бўлиб, гўё бутун борлиқни унутишганди. Аста ҳамроҳимга қарадим. У: «Кейин айтиб бераман, дегандай ишора қилди. Биз йўлимизда давом этдик. Шу кунини дўстимнинг хонадонинда ярим кечагача турунглашиб ўтирдик. Мезбон сарғайиб кетган иккита хатни кўлимга тутқазди. Уруш йиллари фронтдан келган бу хатлар ичиде бир сурат ҳам бор эди. Унда жангчи кийимдаги икки оғайни кўллари-ни елкаларига ташлаб, жилмайиб туришарди.

— Бири — укам, мана буниси эса, бося қабристонда учратганимиз чол-

кампирнинг биттаю битта фарзанди— Маҳмуд Эргашев,— деди мезбон. Сўнгра укасининг жанг йиллари сўзлаб берган хотирасини ҳикоя қилди.

...Гарбий Давна дарёсининг ўнг соҳилидаги ўрмон ёқаси. Душман билан давом этган сурункали жанг ғалаба билан тугаб, дам олишга рухсат берилган. Жангчилар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Шу пайт улар ногаҳон чуқурликда, буталар орасидан бир кишининг ўзлари томонга сурғалиб келаётганини кўриб қолишди. Келаётган жангчининг юзи кўкариб, бўртиб кетган, пешонаси қонга бўялган. У, кўзлари шишиб кетгандан, ҳеч нарсани кўрмас эди.

Шу пайт Фёдоров фамилияли жангчи:

— Ахир, бу ўзимизнинг Мишаку!— дея ярадор жангчининг олдига югурди. Маҳмуд Эргашевни взвод жангчилари Миша деб аташар эди.

Ҳамширалар Маҳмуд Эргашевни госпиталга олиб жўнашдан аввал

унинг гимнастёркаси кўкрак чўнтагидан икки буқланга қогоз олдиларда, батальон парторги, старший лейтенант Семёновга узатдилар. Семёнов ўша заҳоти хатини жангчилар олдиде баланд овоз билан ўқиб берди: «Мен шонли Большевиклар партияси сафида туриб жанг қилишни истаман. Мени ўз сафингизга қабул қилишингизни сўрайман. Маҳмуд Эргашев».

Маҳмуд Эргашев госпиталда даволаниб чиққан, сафимизга қайтди. Жангчи кириш олдидан у коммунистлар партияси сафига қабул қилинди.

Жангчи Маҳмуд Эргашевнинг батальони Витебск шаҳри яқинидаги ўрмонзорда душман қуршовида қолди. Бир неча жангчиларга душманин чағлатиб туриш вазифаси топширилди. Улар орасида Маҳмуд Эргашев ҳам бор эди. Батальон қулайроқ позицияни эгаллаш учун орта чекинди. Тенгсиз жанг бошланди. Бўлимда ёлғиз қолган Маҳмуд Эргашев ўзи томон шиддат билан бостириб келаётган душман «фердинант»га кўзи тушди. Лекин у шошиб қолмади. Битта танкка қарши граната ва олти

кўл гранатасини тасмасига боғлаб, танк томон эмаклаб кетди. Қаердандир пайдо бўлиб қолган душман снайпери Маҳмуд Эргашевни ўтказмасликка ҳаркат қилди. Лекин совет жангчиси тасмадаги гранаталар билан ўзини танк остига ташлашга улгурди...

Урушдан кейин жангчининг ота-онаси ўғиллари жанг қилган ва дафн этилган жойни бир неча марта зиёрат қилиб келдилар. Улар ўша ердан ўзлари олиб келишган бир қисим тупроқни қишлоқдаги қабристонга тўқдилар ва тупроқ тўкилган жойга бир туп қизил атиргул ўтқаздилар. Шундан бери чол-кампир бу ерга тез-тез ташриф буюриб туришарди. Улар ўзлари экишган атиргулни кўриб, унга парварिश бериб кетишарди...

Мезбоннинг ҳикоясини тинглар эканман, жасур ўзбек ўғлини Маҳмуд Эргашевнинг сиймосини кўз олдимга келтириб, унинг улуг Ватанимизнинг озодлиги йўлида кўрсатган жасоратига тасанно ўқидим.

Собит АБДУЛЛАЕВ,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси



### Улкан ва митти

Оқ акулаларнинг улканлиги кўпдан маълум. Уларнинг оғирлиги уч тоннага, узунлиги эса 10 метрге етади. Бироқ Атлантик океанида тутилган энг кичик йиртиқч акулаларнинг узунлиги эса, атиги 12,5 сантиметр.

### Қурбақанинг бозори чаққон

«Французлар қурбақа оёғини ҳаддан ташқари кўп ейдилар,— деб таъкидлайди Франс Пресс агентлиги.— Яқинда бизнинг ҳовузларда бу митти жониворлар қолмайди».

Кейинги пайтларда бу мамлакатда қурбақа оёғини истеъмол қилиш ўн марта ўсди. Фақат 1981 йилда Шарқий Осий мамлакатларидан чет элга музлатилган ҳолда 4 минг 500 тонна қурбақа оёғи жўнатилди. Бунинг учун эса 250 миллионда қурбақа тўтишга тўғри

келди. Шу кунларда мамлакатда қурбақа подасини сунъий кўпайтириш лойиҳаси кўрилмоқда.

### Қадимий дафина

Яқинда мисрлик археологлар мамлакатнинг Шарқия вилоятида яна бир қадимий дафинани топиб, очдилар. Дафинадан олтин суви юритилган ниқоблар топилди. Олимларнинг фаразларига кўра, бу ниқоблар ўша даврдаги фиръавннинг юқори мартабали аъёнлари га тегишлидир.

### Ечилмаган сир

Мадагаскар территорияси ўз бағрида жуда кўп ечилмаган сирларни сақлайди. Олимлар шу кунларда ҳам бу ерда текшириш ишлари олб бормоқдалар. Бундан 75 йил муқаддам бу ерда динозаврнинг умуртқа поганаси топилган эди. Олимлар оролда ўсимликларнинг 12 минг турини ҳисоблаб чиқдилар. Улардан тахминан 10 минги фақат Мадагаскарда учрайди. Бу ноёб ҳодисани нима билан изоҳлаш мумкин! Афтидан, бунга биринчи навбатда Мадагаскарнинг ажралган ҳолдаги ороп эканлиги сабабдир.

### Илон ўйнатувчилар

Мақтаб ўқувчиси, малайзиялик ўн етти ёшли қиз Яп Ньюк Мун ёввойи илонларни тўтиб, ўйнатишда, улардан заҳар олишда ҳайрон қоларли ишлар қиларди. Унинг онаси дори-дармонлар ва суртилар сотиш билан шуғулланади. Она билан қиз мамлакат шаҳарлари бўйлаб саҳат қилиб юрадилар, илон тутиш ва уни ўйнатишда ўз санъатларини намоиш этадилар. «Илонпаримизни ўйнатиб, ўткинчиларнинг диққатини торта-миз, ўткинчилар эса, бизнинг дориларимизни харид қиладилар», дейди Мун.

Ш. Рашидов номидаги Тошкент Тўқимачилик  
комбинатининг ишчиси, СССР Олий Советининг  
депутати Каромат ЕҚУББОЕВА.

Н. Шарипов фотоси



А. ВИНЕР. КОЛХОЗЧИ ҚИЗ ГУЛНОРА.






ЧОРВОҚ СУВ ОМБОРИ.



МАНЗАРА.



ТОҒ БАҒРИДАГИ УЙ.


ЧОТҚОЛ.



Рассом Б. ШТИН  
асарларидан намуналар

ХУМСОН.

АСРЛАР СИРДОШИ.






Анжон болалари.


Т. Горяева фотоси

Икки бобо.



Хоразмлик нонвойлар.

Н. Шарипов фотолари



# ТАБИАТ ОШИҒИ

Ҳар йили баҳор сепини ёйганда, Берта Викторовна Штин сафарга отланади. Республикамининг зарбдор қурилиш объектларида бўлиб, ўзининг янги қаҳрамонларини излайди, топади, улар билан ҳамнафас бўлади. Уни гоҳ Туямуён гоҳ Андижон гидроэлектрларида, Чорвоқ, Ғазалкент сув омборлари қурилишларида учратганимиз мумкин. Баян Бухор, Самарқанд, Хева, Шаҳрисабзнинг тарихий меъморчилик обидалари қошида узун кун қиларига жило излайди. У сафардан оламжаҳон таассуротлар билан қайтади.

Берта Викторовна асарларида ўлкамиз табии тўрфа фаслларда тасвирланади.

Ҳар бир рассомнинг сеvimли мавзуси, образлари бўлади, шундай мавзу ва образларда рассом ижодининг моҳияти тобора очилади, ранглар дунёси ёрқинлашади. Берта Викторовнанин ижодий фаолияти мазмунини эса табиат тасвири — пейзаж ташкил этади, дейиш мумкин.

У ўзи кўрган, билган манзараларни шундоқлигича акс эттирмайди,

балки томошабин қалбини тўлқинлантарадиган кўринишларни топишга уринади. Масалан, унинг «Баҳор» картинаси шундай асарлар сирасига киради... Тоғ ёнбағридаги ям-яшил ўтлоқ. Азим дарахтлар. Богда бир қанча асалари уяси. Асалари чиқиб тутиб, уяни кўздан кечирмоқда. Бодраб очилган, гуллаган ўрик кишининг дилини ёқимли куйдай завқлантиради. Бир дақиқа богда сайр этаётгандек бўласиз. Асаларилар гуллардан бол йиғмоқда... Орқа фонда эса қорли тоғлар.

Бу картинада табиат тасвири билан кундалик турмушимиз — инсоннинг меҳнат фаолияти уйғунлашиб кетган.

Бундай асарлар тамомила сайқал тоғунича, мавзу ойдинлашгунича ойлар ўтади, узоқ изланишга тўғри келади. Асарни кўздан кечирар экансиз, мусаввир натурага катта ўзгариш киритмагандек туюлади. Бироқ рассомнинг мукамалликка интилиши ташқи ангилликларга, фантазия берилиши билан белгиланмас экан.

Берта Викторовнанин асарларида пластик ечимлар, рангларнинг ҳиссий талқинлари тасвирдан тасвирга камол топиб бормоқда. Буни унинг «Самарқанд манзараси» асирида ҳам кўришимиз мумкин. Бу асар оригинал ифодаланганлиги билан бошқа асарлардан тубдан фарқ қилади... Олд фонда алвон гуллар чаман бўлиб очилган. Уртада тарихий меъморчилик обидалари, орқа фонда эса адл тераклару азим чинорлар бир текисда қад ростлаган.

Берта Викторовнанин ижодий биографияси ҳам ўзига хос. У дастлаб Томск шаҳридаги рассомлик студиясида, кейин Тошкентга келиб Беньков номидаги билим юртида таҳсил кўрди, мактабларда дарс берди. Сўнг нашриётлар билан ҳамкорлик қилди. Берта Викторовна улуг ўзбек шоири Алишер Навоий, шунингдек, Миртемир, А. Қаҳҳор, Шукрулло каби кўпгина ўзбек совет ёзувчи, шоирлари асарларига улуг ўзбек шоири Кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтида ишлаб, тарихий жойлар бўйлаб уюштирилган экспедицияларда қатнашди. XVIII, XIX асарларга оид миллий кийимлар, занжирлар, зираклар, узуклар ҳамда тиллақошларга ўшаган топилмаларнинг расмини чизди. Унинг шахсий кўргазмаси эки экспедиция давомида чизилган 400 га яқин расмлар билан бойиди. Сўнграқ, «Еш ленинчи» газетасида ўз фаолиятини давом эттирди.

Берта Викторовна Штин ҳозир пенсияда. Лекин у ҳамон изланишда. Рассом ҳозир ҳам кўп янги асарлар яратмоқда. Унинг «Чотқол», «Тоғ бағридаги уй», «Хумсон», «Чорвоқ



сув омбори» каби картиналари фиримизнинг далилидир.

...Рассом баҳор келиши билан ўлкамиз бўйлаб сафарга отланади, рангин буюқлар бағрига ошққади...

Мәъпура НАБИЕВА

# ЁШ ХЎЖАЛИК ЮТУҚЛАРИ

Сирдарё область, Ворошилов районидаги «Шўрўзак» совхозининг директори Уролбой ҚУВОНДИҚОВ ҳикоя қилади

Бизнинг районимизда дон етиштириш ва чорвачиликка ихтисослаштирилган «Шўрўзак» совхозига ўтган йили ташкил топган эди. Хўжалик ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини февраль ойидан бошлади. Коллективимиз янги бўлишига қарамасдан, йиллик план ва топшириқларни муваффақиятли бажарди, кўплаб дон ва кўк масса етиштирилди.

Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан совхозимиз ишчилари 1 минг 905 гектар ернинг ҳар гектаридан планда белгиланган 41 центнер ўрнига 61 центнердан маккажўхори дони йиғштириб олдилар. Яъни ҳосил эса плангади 7 минг 397 тонна ўрнига 11 минг 585 тоннани ташкил этди.

Маккажўхори донидан юқори ҳосил олишда коммунистлардан Амиркул Назарқосимов, Маҳмуд Наврўзовлар бошлиқ бригаданин ишчилари бошқаларга намуна бўлдилар. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан 76—81 центнердан маккажўхори дони етиштирилди. Ҳосилни ўз пайтида ўриб ва янчиб олишда Бурхон Пардаев, Норбой Ойхунбоев, Абдурашид Аҳмедов ва бошқа кўплаб комбайнчилар зарбдорчасига меҳнат қилдилар. Уларнинг ҳар бири мавсум давомида 570—700 тоннадан маккажўхори дони янчиб беришга муваффақ бўлдилар.

Мазлумки, ем-хашак базасини мустаҳкамламасдан туриб, чорвачиликда махсуддорликка эришиш мушкул. Шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда етарли ем-хашак базаси яратдик. Бу билан ҳозирда совхозимизнинг барча чорва ҳайвонларини қишдан соғлом ва семиз ҳолда олиб чиқдик. 5500 тонна силос, 800 тонна дағал хашак, 300 тонна табиий ўт, 600 тонна севритамин ем уни тайёрланган эди. Айни кунларда совхозимизда 107 бош қорамол, 426 бош чўчка боқилапти. Давлатга 34,5 тонна серқаймоқ сут топширди. Бундай муваффақиятга эришимизда ҳам коммунистлар етакчилик қилдилар.

Бироқ ҳали олдимизда бажаришимиз зарур бўлган ишлар кўп. Масалан, совхоз бўйича тўртта бригада маккажўхори дони ишлаб чиқариш бўйича давлат планини бажаролмади. 8 бригадада эса ҳосилдорлик совхоз умумий ўртача кўрсаткичидан past бўлди. Рўй берган камчиликлар бу мавсумда тақорланмаслиги учун ҳазарат қилмоқдамиз.

Совхознинг келажаги — ёшлар. Шу сабабдан уларга яратиладиган шароит ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Совхозимиз марказида, бўлимларда турар-жой фиолари қурилиши жадал олиб борилмоқда. Фельдшерлик- акушерлик пунктлари, 624 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси, 90 ўринли болалар богчаси, совхознинг маъмурий биноси, 1000 тонна дон сақлашнинг омбор, марказий ремонт устaxonаси, хашаматли клуб, кинотеатр қуриш ишлари бошлаб юборилди.

1985 йилда эса 800 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилиши ниҳоятсига етказилди. Буларнинг барчаси совхозимизда чорвачиликни янада ривожлантириш учун улкан замин ҳисобланади. Бунинг учун биринчи гада чорва озуқасини янада мустаҳкамлаш зарур. Коллективимиз маккажўхори дони ишлаб чиқаришини 15 минг тоннага етказишга аҳд қилди. Шунча миқдордаги донни етиштириш учун албатта юқсак агротехника ютуқларидан фойдаланиш, излениш, тинимсиз меҳнат қилиш керак.

Шуни назарда тутиб, 400 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиладик, 1 минг 200 гектар майдонда сугориш системалари таъмир қилинди.

Ўтган йилги иш тажрибамиз шуни исботладики, хўжалигимиз экатган «ВР-338 Югославия» сортли маккажўхори 15 фоиз ортқ ҳосил берар экан. Шуни назарда тутиб, биз бу мавсумдан бошлаб ўша сортдан экишга ва ундан юқори ҳосил олишга ҳаракат қиламиз.

Совхозимиз меҳнаткашлари янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Бугунги кунда биз ҳаммамиз — пахтакоримиз. Йилнинг қайси фаслида бўлмасин бу ўзларни гурур билан айтаемиз. Шунинг учун ҳам коллективимиз билан кенгайтиб, чорвачиликни жадал ривожлантириш, маккажўхори дони ишлаб чиқаришини янада кўпайтириш билан бирга бу йил 500 гектар ерга пахта экишга қарор қилдик. Ниятимиз пахтачиликда ҳам юқори ҳосилдорликка эришишдир.

Кўлга киритаётган ютуқларимиз бизни янги-янги зафарларга ўндайверади.

# ҚОР ҚОПЛОНИНИНГ ҚАЙТИШИ

Ҳисор тоғ тизмасининг гарбий ёнбағрида ўнта қор қоплонидан иборат жониворлар оиласи яшамоқда. Эндиликда камёб бўлган бу ҳайвонлар мазкур иссёқ жойларини бундан қарийб чорак аср илгари тарк этишга мажбур бўлган эдилар. Бутунлай йўқ бўлиш хавфи остида қолган бу қоплонлар табииати муҳофаза қилиш халқор Иттифокнинг «Қизил китобига» ҳамда «СССР Қизил китобига» киритилган. Улар одатлини қолган жойларда Қизилсув ва Мирқоқ кўриқхоналари ташкил қилиниши айна мудабо бўлди. Қўриқхоналарда бошқа нодир ҳайвон ва паррандалар ҳам кўпайтирилмоқда. Бу ерларда Урта Осие қобони, Түркистон тулкиси, қизил сугур ва қора грифлар бор. Умуман, ундаги ҳайвон ва қўшларнинг тури икки юздан ошади. Қўриқхоналарда улар учун шароит яхши, ўрмонларда ҳар хил дарахтлар, буталар, ўтлар кўп.

Ҳозир Ўзбекистонда 18 та қўриқхона бўлиб, уларнинг умумий майдони 375 минг гектардан ортқ.

# НАЖОТ ИЗЛАГАНЛАР

(МЕХРОБДАН ЧАЁН РОМАНИ ҲАҚИДА)

Матёқуб ҚУШЖОНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси

«Мехробдан чаён» Абдулла Қодирийнинг иккинчи романи. У «Ўтган кунлардан 6 йил кейин, яъни 1928 йилда майдонга келди.

Маълумки, биринчи роман Абдулла Қодирийга катта шухрат келтирди. Ундан кейин Абдулла Қодирий ўзининг журналистик фаолиятига кўп вақт ажратди ва шу орада, назаримизда, яратилган янги йирик асар режалари устида иш олиб борди. Эҳтимол, адиб кўп замонларни ва кўп мавзуларни хаёлидан ўтказган-дир. Бироқ нимагадир уни яна тарих, адиб яшаган даврга нисбатан яқин ўтмиш тарихи, Худоберхон даври ўзига жалб қилди. Худди шу даврни акс эттирган «Ўтган кунлар» ёзувчи назарида яқин ўтмишнинг ҳамма томонларини, китобхонларга етказиш керак бўлган барча қирраларини қамраб олмагандек кўринади.

Бироқ шуни ишонч билан айти оламизки, «Мехробдан чаён»да ҳам ҳаёт материали ҳам, тасвирланган давр ҳам «Ўтган кунлар»даги билан бир хил бўлишига қарамасдан Абдулла Қодирий бу асарда дастлабки романидаги бирор мотив, бирор жумбоқни ва ёки бирор образ ёхуд воқеани такрорламайди. Ҳатто ёзувчи концепцияси жиҳатдан ҳам «Ўтган кунлар» билан «Мехробдан чаён» бир-бирига яқин турсалар-да, уларни бир-бирини такрорлаганга чиқариб бўлмайди. «Мехробдан чаён» ўзининг ҳамма жиҳатлари билан ўзбек адабиёти тарихида майдонга келган янги воқеа эди.

Бу ерда масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: «Ўтган кунлар» кўпроқ ҳоким синф, яъни ўзига тўқлар табақасига мансуб бўлган қаҳрамонлар ҳаётини акс эттирди. Худди шу жиҳатдан Абдулла Қодирий халқ ҳаётини акс эттиришда ўзини қардор ҳисоблар эди. Шу қарни ўрнига кўйиш маъносини у кейинги романида пастки ва ўрта табақа вакиллари ҳаётини акс эттиришни лозим кўрди. Бу ҳол ўша вақтларда ҳаётни бирёқлама тасвирлаш, деб айtilган таъналарга жавобдек бўлди.

Ҳўш, «Мехробдан чаён»нинг қаҳрамонлари қимлар? Адиб бу қаҳрамонларнинг қайси томонларига эътибор беради?

Асар қаҳрамонларининг асарияти зулмат бандалари. Турмушининг роҳатидан кўра меҳнати, адолатидан кўра маломати, чучугидан кўра аччиғи — мана уларнинг ҳаёт ҳиссалари. Романининг бош қаҳрамони Анвар туғилиб ўсган оила бошлиғи Салим бўёқчи. У — ўз меҳнатидан баракка топа олмаган захматкўшлардан бири. Умр бўйи бири икки бўлмаган, аксинча фалакинчи ошлик-яланғочлик деган балолари у бошқарган оиланинг доимий йўлдоши. Ҳатто, бу оила учун фарзанднинг ҳам туғилганидан тугилганига афзал. Тирижчилик исканжаси шу даражада бераҳамки, Салим бўёқчи унинг қисувида хасталикка бардош бераолмай ўлиб кетади, олти етимни боқиш юкини кўтароолмасдан Анварнинг ойиси Анорбийи ҳам тез орада оламдан ўтади. Оила тарқатқай соҳиллади — бировлари касалликларга дучор бўлиб ўлиб кетади, бировлари қимларгадир асранди бўлади.

Салим бўёқчи оиласи — роман бош қаҳрамони Анвар ўсиб улғайган ҳаётнинг бир қаноти. Унинг иккинчи қаноти Салим Маҳдум оиласи билан боғлиқдир. Салим Маҳдум муҳити

Салим бўёқчи муҳитидан анча фарқ қилади. Бу ўша давр, яъни хонликлар даврига хос бўлган зиёлиларнинг ўртача табақасига мансуб оила. У толгани бу толганига аранг етди-ган, шу маънода оғир ҳаётнинг жабр ва ситамларини биров четлаб ўтишга қобил оила.

Зулмат қаҳрига йўлиққан Салим бўёқчи оиласи муҳитидан чиқиб, ҳаёт биров жилмайиб боққан Салим Маҳдум муҳитига тушиши Анвар учун бошқача олам эди.

Анварнинг ўзи-чи? Анвар — ота ва онанинг эзгу орзу-ҳаваси туйфайли дунёга келган болалардан эмас. Ёзувчи иборалари билан айтганда, Анвар чилласи чироғ кўрмаган қақалоқ ҳатто «йигирма кунлаб бешкида номсиз ётган». Унга янги меҳмон сифатида қараш, парварши қилиш у ёқда турсин, ўз вақтида унга ном қўйиш учун ҳам ота-онада ҳарфсала йўқ. Бугина эмас. Одатда қақалоларга номини имом, жуда бўлмаса ота ёки она қўяди. Анварга эса на имом, на ота-она ном қўйишга муяссар бўлди. Унга биринчи кунлардан қулиб боққан ўн икки ёшли опаси — Нодира шунчаки «Анвар» деб атай бошлайди. Ушандан кейин уни бошқалар ҳам шу ном билан атайдиган бўлишди. Ёзувчи сўзлари билан айтганда, «шу йўсинда Салим бўёқчининг мавридсиз лайлаклари ичиде бемаҳал гуррак бўлиб Анвар ҳам яшай бошларди». Бироқ бу бахт ҳам узок чўзилмади. Тез орада Анвар аввал отасидан, кейин онасидан ажралиб бечора етимчалардан бири бўлиб қолди. Адиб бу романда ҳар хил йўллар билан асосий қаҳрамонлар мантқиқини — уларнинг нимага қобил ва нимага ноқобил эканини асослашга эътибор беради. Мана, Салим Маҳдум. Топиш-тутишда унинг ишлари ёмон эмас. Бошқаларга таққослаганда унинг топан-туггани бири мударрисниқидан кам эмас. Аммо ўз характер хусусиятларига кўра Маҳдум анч хасис, етарли даражада таъмагир, ҳатто биров ичи қоралиғи ҳам бор. Адиб Салим Маҳдумнинг бу хислатларини тасвирлашда сатирик приёмлардан ҳам фойдаланади. Унинг қўйлақ-ишонлариде, албатта, етти-саккиз жойида ямоғи бўлади. Устидеги гупки-чопон йиллаб ўзгармайди. Ҳар қиш унинг ениг ўзгарайди, астарига эса янги-янги ямоқлар тушади. Маҳдумнинг унинг бу чопонига «олтопар» деб ном ҳам қўйишган. Оёғида беш-олти марта ошлатилган, кўнжи йиғилиб бири қаричга келиб қолган махси, устин-устига чарм ёпиштирилар берганидан тағи уч злик даражасига етиб қолган оғир кафш, бошида иплари неча жойидан попуқ бўлиб осилиб тушган салпа ва ҳоқазолар.

Салим Маҳдум — фақат ўзини қисиб-қимтийдиган хасислардан эмас. У бутун оиладан қисиб-қимтийдиган Маҳдум оиласида қозон қайнаши ҳам амри маҳол... Маҳдум ўз мактабдорлигидан яхшигина фойдаланар — ҳар хил сабаб ва баҳоналар билан талабалардан биров нарса ундиришга ҳаракат қилар эди. Бошқа мактабдорларга гайриқил қилиб бойроқ оиладан бўлган талабаларни ўзига тортишга ўринар эди...

Ҳўш, нега Абдулла Қодирий Салим Маҳдум характерига шу хилдаги мантқиқ боғлайди? Чунки адибга Маҳдум худди шу йўсинда керак эди, шу йўл билан у роман бош қаҳрамони-нинг асл хислатларини китобхонага тўлароқ етказиш учун замин ҳозирлар эди. Романининг биринчи бобини эсланг: Салим Маҳдум анча яхши кайфиятда: одатда доим ҳам қилар бермайдиган бир ишни қилади — анчагина чиқимдор бўлиб яхши овқатлик харажат олиб қиради, хотини ва қизига ҳамшиагидан яхши муомила қилади. Бу ҳолат Салим Маҳдумнинг характер-хислатларига мос эмас эди. Кейин англаймизки, унинг бу хатти-харакатлари Анварнинг янги мансабга кўтарилиши хабарини эшитиши билан боғлиқ экан. Бу билан китобхон олдиде Салим Маҳдум характерига хос хислатлар бир қадар мустаҳкамланса, иккинчи жиҳатдан Анвар характерига хос олижаноб хислатлар улғуланади.

Дарҳақиқат, романда Анвар характер мантқиқини кўрсатишга адиб у даражада кўп ўрин ажрата бермайдди. Бунинг устига муаллиф бевосита ўз номидан унинг характер хусусиятлари ҳақида биров нарса демайди. Анварнинг характерига хос хусусиятларини аввало унинг ўз сўзларидан билиб оламиз.

Биринчидан, Анвар — бениҳоя камтарин йигит. Оилада ҳам, мактабда ўроқлари орасида ўз ўрнини бир даража нисбатан алоҳида эътибор билан қарашни талаб қилмайди. У ўз ҳаётини аввало ўз илми, зғаллаши керак бўлган ҳунари — умуман инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган меҳнат билан боғлайди.

Анварнинг ўз сўзларида унинг яна бир хислати ифодаланади. Гап шундаки, Анвар — жамоатда ўзлигини намоён қила бермайдиган, ҳатто кўпчилик орасида ўз ўрнини бир даража паст деб биладиган йигит. Салим Маҳдум ва Шодибек беш мирзалик лавозимини қабул қилишни қайта-қайта тақлиф этганларида у шундай жавоб беради:

«...Урдага кечагина борган менга ўхшаш биларнинг «бош мирзо бўламан» деб умидланшлари айни бир кулгидир. Яъни демоқчиманки, бу вазифа таъмаида ўн, йигирма ва Балки ўттиз йиллаб кўзини турт қилиб келган мушйилар, муфти ва шоирлар бор. Уларнинг ёнида менга ўхшаш бири ёш тақрибасизнинг ҳам таъмаланиши қилми эмасми?»

Фақат Анвар типидеги одам шу хилда жавоб қилиши мумкин эди. Ўз ўрнини билмаган, ўз даражасини ўлчаб қуришга ақли пастлик қилган кимсаларгина бундай пайтда мана «мен борман» ёхуд «бу мартабага биз муносиб», деб бош кўтариши мумкин.

Анвар ёш бўлишига қарамасдан бир неча йил ўрдада оддий мирза вазифасида хизмат қилди. У шу давр ичиде яна бир муҳим ҳақиқатни англади. Бу унинг характеригадоғи оқорида таъкидланаётган белгиларни яна бир даража тасдиқлайди. Бу замон руҳини тушунишдан иборат эди. Бошқача айтганда, ҳаётда (албатта ўша давр ҳаёти назарда тутилади) ҳақи-

қатнинг машаққатчилиги, унинг не-не қийинчиликлар билан ўзига йўл топиши, баъзан эса йўл топа олмай мағлубиятга учраши мумкин эканлиги эди.

Бош қаҳрамон Анвар образи шу хилда белгилангани, у роман бошларидан ҳаёт конфликтига кириша бермайдди. Унинг характериде биз оқорида таъкидлаган белгилардан ташқари ёшлиқдан бошлаб қандайдир сиполик, шошилмаслик, ўз фикр-мулоҳазаларини дарров издор қила бермаслик, зарур чоғи маълум бир қарорга келишдан олдин узок ўйлаб кўриб фикр айтиш, муносабат билдириш хислатлари бор эди. Бундай қараганда, Анвар билан Салим Маҳдум ўз характерлари жиҳатидан бир-бирлари билан ўта зид бўлсалар ҳам, Анвар характеридеги вазиимлик туйфайли ҳа даганда тўқнашув даражасига бориб ета бермайди. Салим Маҳдумнинг оилада, бошқалар билан бўлган муносабатдаги қилқилари, фикр юритишлари Анвар ўлчовларига тўғри келабермас, бироқ бундай пайтларда у ўзини биров четга олар, вазиимлик қилиб кўрганни кўрмаган солар, асарият пайтларда биланлар-Билганимас қулиб қўяқолар, баъзан эса Нингор ойм ё Раъно билан қўз олишиб, Салим Маҳдумнинг биров иши ё гап-сўзи тўғри эмаслигини тасдиқлашиб кўяқолар эди. Анвар қай даражада вазиимлик қилмасин, Салим Маҳдум ўзининг характер-хусусиятлари билан романинг умум конфликтини ривожиде тугунлардан бири эдики, у туйфайли асар қаҳрамонлари Анвар ва Раънолар ҳаёт йўлида қандайдир муҳим воқеалар рўй бериши турган гап эди.

«Мехробдан чаён»да конфликт тугунларини яратиши керак бўлган образлардан яна бири Абдурахмон домла. У характерини жиҳатдан асар қаҳрамони Анварга зид бир шахс. Аввало у ҳаётга, ҳаёт сари қўйган қадамага ўта маъсулиятсизлик билан қарайди. Масалан, у қариндош-уруғларининг маслаҳати билан Бухорога ўқишга жўнатилади. Бироқ у Бухорода ўқиш ўрнига паст ва майда ҳустуйгулар бандаси бўлиб вақт ўтказар. Бугина эмас, Абдурахмон ўз вазиини нисбатан кўпроқ марҳамат кутарди: Бухородан келган, Қўқонда бириинчи шахслардан бўлиб ҳисобланарман, деб ўйларди. Бу ҳам амалга ошмайди. Кўп гурбатлар билан бўлса ҳам, Бухоро мадрасасини бир амаллаб битказиб келган Абдурахмонга кичкингина бир маҳалланнинг имомини бўлиш насиб қилади холос.

Ўз вазиини кўра, кўп марҳамат кутган шахслар ҳасадгўй бўлишади. Абдурахмон домла ҳам бундан истисно эмас эди. Унинг мадраса кўрмаган ёшгина Анварнинг аввал мирза бўлиб ишлаётгани, кейин эса беш мирза ва вазифасига қўтарилишига ҳасад билан қарашни фақат Раънога совчи қўйиб, Салим Маҳдумдан рад жавобини олганиданига эмас, балки унинг характер хусусиятларига хос бир белги эди. Шу маънода роман сюжетиде анча ўрин зғаллаган Абдурахмон домла характерини Анвар ва Раъно тақдирлари тасвириде иш бериши керак бўлган конфликт тугунларидан бирини ҳосил қилади. Эҳ, Абдурахмон домла типидеги ҳаётда ўз ўрнини билмаган одамлар жамият ҳизматида турган софдил инсонлар бошқача не балоларини солмайди, дейсиз!



Тошкентдаги шоирлар хибонида Абдулла Қодирийга ўрнатилган бюст.

Н. Шарипов фотоси

«Меҳробдан чаён» романининг конфликтини кескин ва жиддий тус олишига хизмат қилдирадиган, роман умум мазмуни нуқтани назардан бениҳоя муҳим бўлган яна бир тугун бор. Бу — Қўдон хонлиги давридаги сарой аҳли, хусусан Худоберхоннинг хотин-қизларга муносабати. Бу конфликт тугуни Бевоиста романининг бош мавзуси билан боғлиқ. Бу ҳақда Абдулла Қодирий ўз шундай дейди: «Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоберхоннинг ўз хоҳиши йўлида деҳқон оммаси ва майда хўнарманд — қосиб синфини қурбон қилиши, мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши келувчиларга, тиласи ким бўлмасин, раҳмсиз жаза бериши — романининг мавзудир».

Карл Марксининг, ҳар бир халқнинг тараққиёт даражаси ва маданий савияси ўша халқ вакилларининг хотин-қизларга бўлган муносабатидан намоён бўлади, деган сузлари маълум. Шу маънода Абдулла Қодирий ҳар икки романда ҳам хотин-қизларга бўлган муносабатни марказий ўринлардан бирида тутди, бошқача қилиб айтганда, романларнинг асосий конфликтини шу масала билан боғлайди.

Романда бош конфликтнинг иккинчи бир уфқи бор. Бу юқорида Абдулла Қодирийнинг ўзи кўрсатган феодал иштибоднинг хотин-қизларга бўлган муносабати. Ёзувчи масаланинг бу томонига кўпроқ эътибор беради. Ҳаётнинг бу томонини тўлароқ кўрсатиш учун танланган Гулшанбону образи орқали хон сарои ва ҳарам билан танишамиз. Гулшанбону изидан бориб, биз Худоберхоннинг қанзларни қабул қилдиган ҳашаматли саройи, унинг никоҳида бўлган катта-кичик хотинларнинг ўтириш-туришлари, ҳаёт тарзи билан танишамиз.

Абдулла Қодирий ҳарам манзарасини яна ҳам яққолроқ ва яна ҳам очик-ойдинроқ кўрсатиш учун китобхони Гулшан кетидан ҳарамнинг ичига олиб кирди. Ҳарамда банди бўлиб ётган қизлар ҳаёти билан таништириб, ўша даврга ҳаётнинг нақадар разиллашганлигини, қай даражада пастлашганини кўрсатиб беради. Бу манзаралар билан танишган китобхон ўйланиб қолади: қарда

хусни ҳақлом қил бўлса, унинг дарағи хонга етиб турар экан, энди бўй етиб, жамолига-жамол қўшилиб бораётган лойлисофат Раънонинг хабарини хонга бориб етмасмикан? Бордию хон бундан хабардор бўлса, Раъно ҳам қанзакларнинг бирига айланмасмикан? Бу ишда ўз вазифаси, ўз ўрнидан доим норози бўлиб юрган, бунинг устига Солиҳ Маҳдум тақлифи билан саройга мирзаликка олиниб, кейинчалик бу ишдан ҳайдалган ҳасадгўй мулла Абдураҳмон Анаварга зарба бериш учун бирор «тадбир» қўлласмикан? Анаварнинг бош мириаза бўлиб ўтиришини кўра олмаган, бу ўринга ўзлари умидвор бўлган Шаҳодат муфти, Калоншоҳлар ўзаро бирлашиб Анавар йўлига гов бўлиш учун Раънога чанг солмасмиканлар? Ва ниҳоят хон марҳаматига сазовор бўлиб, бир нималик бўлиб қолиш йўлида юрган, хонга қиз топиб беришни ўз вазифаси ҳисоблайдиган Гулшан Раънодек хусни-жамолнинг дарағини эшитмасмикан? Булардан ҳам ташқари, бойлик орттиришга, мансабдорлар олдига сажда қилишга одатланган Солиҳ Маҳдум агар Раънога нисбатан бирор гап бўлиб қолса, одамийлик қиёфасида турармикан? Мана, ҳарам манзараси тасвирдан келиб чиқадиган ва китобхонни узлуксиз ўйларга олиб борадиган бош тугун.

Романининг ҳар жой — ҳар жойида тугилган катта ва кичик жумбоқлар бир марказга боғланиб, йирик воқеа шаклида намоён бўлиш арасига етади. Қизиқ, биз таниша бошлаган қаҳрамонлар ўзларини қандай тутар эканлар? Одатда воқеаларнинг, тақдирларнинг кескин бурилишида, кимнинг ким экани маълум бўлиб қолади. Бу ерда ҳам кимнинг ким эканини билиб олиш пайти келганини аниглаймиз.

Гулшан-қу эгаллаган «қасбига амак қилиб, шунчаки ўз вазифасини адо этди. Бироқ бу ишни ўзинга вазифа деб билган бу аёлда ҳам янги овига сезилар-сезилмас ачиниш борлигини пайқаймиз. Раънонинг отаси, Анаварнинг бўлажак қайнотаси-чи? Бўлажак қайнота Солиҳ Маҳдум бу воқеани ўз мантқиқига мувофиқ равишда қабул қилади, шунга мувофиқ ўз харақатини кўрсатади. Маълумки, Солиҳ Маҳдум учун Анавардек бир йигити — хон саройида миризабошиликка кўтарилган кимсани куёв қилиш энг зўр мартаба бўлиб кўринган эди. У олиб келадиган беш-ўн тилла унинг учун бойлик орттириш йўлидаги худо берган манба эди. Мана энди бахтининг чеки Анавар эмаслиги маълум бўлаётди. Унинг кўзи олдига янги-янги уфқлар очилаётган эди. Хон совчилари келиб Раънони хонга фотиҳалаб кетганларидан кейин Солиҳ Маҳдумнинг кайфияти кескин ўзгаради.

Адиб бу янгилик муносабати билан Нигор ойм ва Раъно ҳолатлари тасвирига кўп ўрин ажратмайди. Чунки уларнинг бу воқеага муносабати маълум эди. Ёзувчи Нигор оймнинг «эсанкирагани» ва кўп йиллагани ҳақида маълумот беради, холос. Гап Раънога келганда эса, адиб маънодор бир детални ишлатади: «Раъно эса, танчада ўқиб ўтирган Хайём рубоёти устига хушсиз бошини қўяди». Шу деталнинг ўзида анча гап бор эди! Бошқа болларда ҳам адиб Нигор оймнинг бу масала хусусида кўп изтироб чеккани, Раънонинг йилғайибериб қўзлари қабагани, ранглари ўчгани ҳақида маълумотлар беради.

Бу воқеанинг энг оғир юки асар бош қаҳрамони Анавар зиммасига туриши тайин эди. Разил хабарини беришчи марта Анаварга унинг дўсти Султонали етказди. Илк гап очилганда Султонали кўп андишаларни бошидан кечириб, ноилолликдангина бу сирни унга айтиди. Мудҳиш хабарини эшитар экан, «Анварнинг туси ўзгариб, кинрик остлари учиб кетди». Бундай ҳолини китобхон кутган, албатта. Бироқ бу мудҳиш хабар муносабати билан Анавар ҳолатидаги ўзгаришлар бир хилда эмас эди. Бу

психологик ўзгаришдан кейин нимагадир Анавар «...Кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади ва Султоналига шундай жавоб қилди: «Зарари йўқ, мен улардан бу хилда ифлослик вужудга келишини кутмаган бўлсам ҳам, лекин ҳар ҳолда адоват кутган эдим... Зарари йўқ...»

Султонали Анаварнинг кенглигига, бу оғир ҳолатда ўзини тутиб олишига қойил қолади ҳамда унинг оғирини енгил қилиш учун уринади, бутун мамлакат қизлари Анавар учун «соч тарашига», хоҳласа, домла-момлар унга қизларини беришга тайёр эканини билдиради. Бироқ Анавар эса ўзини ҳамон жиддий тутар, маълум бир ишоралар билан Султоналининг гапларига қўшилгандек бўлар эди. Бу ҳолат ўзгариши Анаварни хон номидан мудҳиш хабарга кўнктиришга уринган сарой вакили Тунқатор билан бўлган суҳбатда ҳам кўзга ташланади. Тунқатор қилбоғи учун Анавардан кечирим сўраганда, у «бу заҳарли сўздан илон каби тўлғониб олса ҳам, бутун кучини сарф қилиб сир бермасликка тиришди». Ҳатто Тунқаторга юзланиб: «Арзиманган гап...» деб қўйди.

Бу мудҳиш хабар хусусида Султонали билан бўлган суҳбатда ҳам, Тунқатор билан рўй берган фикр олишуларда ҳам Анавар ҳолатида бир-бирига зид икки хил ҳолат намоён бўлади. Биринчиси шуки, Анавар бу хабардан бениҳоя катта изтироб тортмоқда. У нимадандир қаттиқ зарба еб, қараёт қолганга тушиб қолган одам қиёфасида эди. Иккинчи томондан, у ўзини анча белароа туттиша, бу масалани у даражада аҳамиятсиз деб тушулган одам қиёфасига киришга интилар эди. Эҳтимол, Анавар саройдагилар билан шу таразда ўзини тутар деб ўйлайсиз. Бироқ уни биз бу хабар муносабати билан Нигор ойм ва Раънолар билан фикр олишувада ҳам шу хилдаги мажмуул аҳолида кўраемиз.

Шуни қайд этмоқчимизки, «Ўтган кунларда асосий услубий йўналиш бўлган қаҳрамонларни воқеаларнинг кутилмаган, кескин бурилишларида кўрсатиш «Меҳробдан чаённинг» кейинги боллариде ҳам кўзга ташланади. Бу йўл билан, маълумки, ёзувчи китобхонни қаҳрамонлар ҳаёти, тақдирини билан яқинлаштиради, ўқувчини қарийб ўша воқеалар иштирокчисига айлантиради.

Бунинг сабаби нимада? Нега адиб романининг охирига келиб бу услубни қўллайди? Сабаби шундаки, адиб шу йўл билан роман мазмунидаги инсон эрки билан хон зулми орасидаги зиддият салмоқини оширишни ўйлар эди. Бошқачароқ қилиб айтганда, бу қаҳрамонлар характерида рўй берган сифат ўзгаришини яққолроқ қилиб, қабатыриб кўрсатишга эришади. Масалан, романининг бошлариданоқ яхши биламизки, Султонали — Анаварнинг дўсти. У Анавар билан бирга ўрдада миризалик қилиб юрган пайтлари дўстлашган, кўп масалаларда иккаласи ҳамфикр ва сирдош бўлганлар. Раънони хонга фотиҳаламоқчи бўлишганда, Султонали жиғибирсон бўлиб бир куннинг ўзида нажот излаб қанча зшиқларга кириб чиққани ва қанча одамлар билан учрашиб, Анаварга сездирмасдан бу масаланинг олдини олишга бел боғлаганини биламиз. Дўстининг бу хатти-харақатлари бениҳоя самимий эканига зарратча ҳам шубҳа туғилмайди.

Кутилмаганда, ҳа, кутилмаганда Султонали сотқинлик қилади. Анавар йигит кийимидagi машуқаси Раъно билан Султоналиникига келган куннинг эртаси ўрдага чиқиб, Тунқатор билан учрашган ва бош мириаза, яъни Анаварнинг миси чиқиб қолгани, «Он-ҳазратга номуссизона бир хиёнат қилгани хусусида чакимчилик қилади. Бу етмагандек Султонали Тунқатор бошчилигида хон ясовулларини олиб бориб, ўз дарвозасини кўрсатиб юборади ва ўзи соёқ дўстига кўринмаслик мақсадида кўчанинг бир бурчигага яширланади.

Китобхон ҳайрон. Наҳотки, Султон-

алига ўшганга содиқ дўст хиёнат қилсал! Ишонини ҳам билмайди — ишонмаслигини ҳам. Тез орада Фитначилар бизга «ёрдамга келишади. Уч фитначи (мулла Абдураҳмон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мириаза) бир жойга йиғилишиб, мазкур вазиятни муҳокама қилишади. Улар бўлган воқеаларни бир қатор кўздан ўтказадилар: Мулла Абдураҳмон режага олинган ишларнинг тўри бораётганидан мамнуният билдиради. Шаҳодат муфти эса, китобхон ўйлаганидек, Султоналини хиёнатчига чиқаради, аблаҳ ва сотқин, деб атайди. Калоншоҳ ҳам бу воқеалар хусусида ўзининг тахминини айтиди.

Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ ҳамон бошқа хил мулоҳаза билдиришар эди. Мулла Абдураҳмон дўстларининг барча фикрларини эшитиб, улар олдида: «Ақлга «қарга қарганинг кўзини чўқир эканми?» деган савол келди: жаноблари шу борани қандай тушундилар экан?» деган савол ташлаб, унга ўз мулоҳазалари билан жавоб беради:

«Ожизона фикримча у найранг-бозлар бир ўқ билан неча кўшни урганлар. Масалан: жанобга Султоналининг садоқати зоҳир бўлди, Сармушйиллик вазифасига беозор ўлтириб олди ва учинчидан, мардум кўзини бўяди».

Оқибат Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ ҳам бу фикрга қўшилдилар. Фитначилар йиғилиши «Сармушйилликка белгиланган Султонали устидан арназа ёзиш керак», деган қарорга келиб тўхтади.

Фитначиларнинг бу маслаҳати китобхонга ҳам масалани бироқ тушунишга ёрдам беради ва дўст «хиёнатчи» моҳиятини тушутиргандек бўлади. Бироқ бу масалага охириги нуқтани Султоналининг ўзи қўяди. У дўсти Анаварга узундан-ўзун хат йўллади. Хатда у ҳамма ишларнинг режаланганидек бораётганига ва бениҳоя эҳтиёт бўлиши кераклиги хусусида ёзади.

Шундай қилиб Анавар ва Раънолар ҳаётини таҳликада қолдириб, китобхон дилини ларзага солган конфликт ечилгандек туюлади. Бироқ таҳлика таҳликинани тўлдирди. Фитначилар маслаҳатидан кейин китобхон муҳаббатини ўзига нисбатан яна бир қарар оширган Султонали ҳаёти таҳлика остида қолади. Хон жарчилари бозорга чиқиб, қайта-қайта эълон қилади:

...Жамиятда ҳозир бўлса осий Анавар Еки унинг дўсти-ошнасидан бирор. Гуноҳингга Султонали ўлар, десин, Эрта пешин вақти, афсус, сўлар,

десин. Имомли қул нафси учун дўстини сотмас, Гуноҳи йўқ ошнасини ўтга отмас.

Кўраёспизки, бир жиддий вазият иккинчи жиддий вазият билан алмашиб. Бунгача биз кўпроқ Анавар ва Раънолар тақдирини хусусида тавиш торган бўлсак, энди дўстига яхшилик қиламан, деб хон тузоғига илинган содиқ дўст Султонали, унинг тақдирини учун ўзининг ҳаёт ва мамонтини хал қилиши керак бўлган Анавар, улар билан бирга Раъно, қолаберса Раъно оиласи, Султонали оиласи қисматлари хусусида ўйлаймиз, қаттиқ тавиш тортамиз.

Маълумки, бу хилдаги оғир вазиятлар бадиий асарларда бекордан-бекорга яратилмайди. Одатда бу муносабат билан тасвирланаётган обрларнинг асосий хислатлари очилди, олтинини ўтга солиб қўрганларидек адиб яратётган характерида биз одамийлик сифатлари тўлароқ ва аниқроқ очилдиган оғир вазиятларда кўраемиз.

Чунончи, Анаварнинг хон ўрдасига тантанавор ва совуққонлик билан кириб келиши манзарасини эсланг. Бу манзара фақат миризалар, ясовулларинигина эмас, балки китобхонни ҳам ларзага солади. Китобхон ғайри табиий равишда эртак ва дostonларда ўқиган арслонсифат ботирларни эслайди. Бу фикрлар ва ҳиссиётлар туғени — қойил қолишлар, таажжуб-



# УЛКАН ИСТЕЪДОД

Мумтоз МУҲАМЕДОВ

**К**УВБАЙИ - ҲОФИЗАМ адаштирмасе, «Хабт» номли ибтидоий мактабнинг 4-синфида ўқийётган пайларим, 1923 йилнинг ҳазорезги мавсуми эди. Бизни Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан илк бор мактабнинг собиқ талабеси, кейинчалик шу ерда илмий нозир бўлиб ишлаган Гафур Ғуллом сиртдан таништирган, бизга унинг ўзига хос фазилатларини мароқ билан тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб берган эдилар.

Бунинг ҳайратланадиган ери йўқ. Гафур ака тил-адабиёт домлаларимиздан, синфга кирдилар дегунча, адабнинг хусусан «Муштум» журналида чоп этилган ҳажвийлар ва араб алифбесига босилган «Ўтган кунлар» романини ҳаммамизга кўз-кўз қилиб бердилар.

— Шунинг билингим, болалар, Абдулла Қодирий ўзбек элининг биринчи ҳажвийчиси, биринчи романависидир. Мен бу табаррук зот билан ҳамма вақт мулоқатда бўлиб турман. Уяларида ҳам бўлганман.

лар Анвар қилгани хон ораларидаги диалогда яна ҳам авжланади.

Анварнинг хон билан рўй берган тўқнашувидан кейинги ҳолати ҳам аввалгидек дадил, катта-катта ғалаба қозониб жанг майдонидан қайтган лашкарбоши кайфиятини эслатадиган даражада тантанавор эди. Шу билан романда яратилган яна бир кескин ҳолат ечимга келади. Жар лабиде турган садақотли дўсти Султоналининг ҳаёти хавфсизланади. Бироқ унинг ўрнига иккинчи, ундан ҳам мураккаброқ, ундан ҳам даҳшатлироқ вазият пайдо бўлади. Бу яна Анварнинг тақдир эди.

Воқеанинг давомини кузатиш: «Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турган пешвога кийналик кўз билан тикилган эди... Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрига чуқур ёнига ўтирди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан «озгина тўхтаб» ишорасини қилиб, Абдурахмон томонга қўлди:

— Менинг ҳолимни кўрингиз, домла,— деди Анвар қулиб,— қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир!— Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ... Дуруст, мен кўмилган, қабрим устиде кўкси доғлик қизил полалар кўнар... Нимадан бору? Бу — сизнинг каби тубанлар солган нил...»

Анварнинг бу даражада даҳшатли айбнома шаклида айтилган сўзларига рақибни нималардир деб жавоб қилиши мумкин эди. Жуда бўлмаса, бундай пайларде мулла Абдурахмон тилидан ивгогарлар бирор нарса деб ўзини оқлаган, бошқача қилиб айтганда, «суддан қуруқ чиқишга» уриниш турган гап. Бироқ адиб унга сўз бермайдди. Чунки Анвар ивгогар устидан ҳамма қувватлайдиган, ҳеч

...Йиллар ўтгач, ёзувчиға илхос ва эътиқод мени ҳам мавлоно Қодирий ҳузурига етаклади.

Йигирма беш ёшлар чоғим эди. «Муштум» журнали редакциясида масъул котиблик қилардим. Москвадаги журналистика институтининг комсомол бўлимини битириб келгач, муштумчиликка қўл уришимга ҳам азиз устозинг ўзлари сабаб бўлган эдилар—да! Бирор масалада уриниб қолгудек бўлсак, дарҳол «Тез ёрдам» учун домланинг ўзларига ёки ижодларига мурожаат қилардик.

Биттагина мисол. «Обид кетмон» романини ўқиб, менда ҳам қолхозлаштириш хусусида роман яратиш рағбати туғилди. Уч-тўрт йиллик ижодий безовталик оқибатида қалингина китоб ёзиб битказгандек бўлдим ва уни «Чаман» деб номладим. Асаримни муҳожима қилиш, маслаҳат олиш учун Ўзбекистон Давлат нашриётига топширдим. Нашриёт бош муҳаррири Хусайн Шамс ўқиб кўриб (ўша кезлар у «Муштумга ҳам муҳаррирлик қиларди): «Романингни аввал Абдулла акага кўрсатганинг маъқул. У кишининг тахрирлари нафис, зора

кимда шак-шубҳа уйғотмайдиган ҳукмини эълон қилаётир. Айбдор бундай пайтда сўздан маҳрум!

Мудҳиш воқеа ўз ниҳоясига етаптир:

«Томошабинлар тоқатсизлангандек кўридилар. Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини енгига яниб, Анвар устига энгашди...»

Бироқ китобхон дилини ларзага солган бу мудҳиш воқеа қутилмаганда ўзгаради — кутарилган ханжар Анвар бошига бориб етмайди: «...энгашди, орқадан берилган кучли бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мунканча чуқурга йиқилди. Жаллоддан беш қадам нарида турган ясовуллар ҳам кўкдаги ханжарлик қўларини остига буқолмай, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучли шапалоқ товуши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўтириб қолди... Халқ тартибсизланди... Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Куролсизлантирилган ясовуллар, гурр этиб, турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душмани ажратолмай гарангсиздилар. Шу вақт бутун аззоси эски қонларга беланган жаллод қуқурдан чиқишга интилар эди...» (242-бет).

Ҳақиқатан ҳам қутилмаган буриллиш! Эрталарда эшитиб, дostonларда ўқилган кескин бурилишларини эслатадиган бир ҳолат. Бироз тақрор бўлса ҳам яна бир қарра қайд қилмазми, адиб китобхонни тўла банд қилиш учун, унинг дилини ларзага солиш учун ўз қаҳрамонлари ҳаётини кутулмаган ва жиддий вазият бурилишларида, бахт билан бахтсизликнинг тез сўрат билан алмашувида кўрсатади.

Умуман асар яратиш санъат, албатта. Бироқ асарнинг умум мазму-

бир йўла қўлдан чиқариб берсалар», деди.

Ҳамкасбимнинг маслаҳати ёқди. «Хай, унда бундомага ўзларингиз шипшитиб кўринглар-чи», дедим. Хусайн Шамс: «Абдулла ака бизга «вақтим тигиз» дейишлари мумкин, яхшиси «Муштум» материалларини кўрсатиш баҳонасида ўзинг учраш, илтимос қил, билсан-ку, домла ёшларнинг дилини оғритмайдилар», деди. Жонқуяр муштумчи, журнализмнинг фелетон бўлими мудир Аббос Муҳиддин (ҳозир ҳам «Муштум»да ишлайди) Хусайн Шамс гапини қувватлаб, менга далда берди.

1937 йилнинг эрта баҳорлари бўлса керак. Уриқлар шамолқоқ гуллай бошлаган. Юрак ютиб домла билан учрашдим. У киши илтимосини бажонидил қабул қилдилар ва кўлөз-мамни биргаллашиб ўқишга рози бўлдилар.

Келишувимизга мувофиқ, ҳафта-нинг маълум кунлари эрталабдан у кишининг Самарқанд дарвозасидаги боғ ҳовлиларига бораман. Шуниси қизиқи, (менга ажратилган кунлар аниқ бўлишига қарамай) ҳанон, қайси маҳал бормай, кимдир қочиларидан чиқиб келётган ва кимлардир эшикни тақилтатаётган бўларди.

Мудом эсимда. Қайси бир борганимда қўлтиғига «Ўтган кунлар» романини қистириб, домла билан хайр-хўшлашаётган машҳур қозоқ адиби Мухтор Аевозова қамти келиб қолдим. Салом-алиқдан сўнг, у Тошкентдаги қозоқ билим юртида таҳсил қўрган йилларидан бери домла билан иноқлигини айтиди ва қўлтиғидаги китобга ишора қилиб, уни бир кун ўқимаса, Қумушни ўйламаса, уйқуси келмаслигини гап орасида билдириб ўтди.

Иккинчи дафта борганимда домла кишинингнинг боғида учратдим. Топқоя жанжалини сулҳга келтириш учун иштирок этаётган эканлар... Хайтовур, мени кўриб орғага қайтдилар ва «ҳозир» дегандай тарадуд-

ланиб турган эдилар, рўбарўларига келиб қолган эски танишларини кўриб тўхтадилар ва унга дедилар:

— Таржимангиз ниҳоясига етай деб қолди, ўртоқ Рашид Тоҳирий. Аммо бетга айтганинг заҳри йўқ, таржимода рус тилининг ўзига хос ширасини сақлаб қололмабсиз. Александр Неверов «Тошкент — нон шаҳри» деб бекорга ёзмаган бу китобни. Мен қўлидан келганча тахрир кiritишга журъат этдим ва лекин ўзлари билан яна бир кўриб чиқишимиз шарт. Уйлайманки, Мумтоз бунга монелик қилмас, албатта,— деб гапни кесиб қўйдилар.

Шундан сўнг бир нима дейишимга ўрин қолмади. Қайтдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бари бир яна бордим. Бу сафар кўчада кимса йўқ, ҳовли сокин, тиниб-тинчимаса домла гул қайчилаб юрган эканлар. Кўз-кўзга тушиши билан: «жой тайёрми!» дегандай ўғиллари Ҳабибуллога ишора қилиб қўйдилар.

Шу пайт тўйқусдан кўча эшик тақиллади. Домла менга тининлади: «Чикиб қара-чи, ким бўлмасин, мени бетоб деб...» Дарҳол кўчага чиқдим. Қарасам, башанг кийинган ўн чоғлик киши пешвоз турибди.

— Абдулла Қодирий сиз бўласизми?— сўради бири.

— Йўқ. Домла ичкаридизлар, фақат бир оз тоблари йўқ,— дедим.

Уларнинг кимлигини сурштиргач, биллиб олдим. Фарғонадан келишган экан. Қирқ жўра гаштак ўйнашиб, бўш қолди дегунча меҳмонхонада кишин-ёзин китобхонлик қилишар экан. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»ни ўқиб, ҳаммаларни совға-салом тайёрлаб, муаллифини табриқлаб келгани ўн кишини Тошкентга вакил қилиб юборишган экан.

Вакиллар жавобимдан хафа бўлдики, йўқми, билмайман, аммо «танган» деб бир-бировларига қарашди, қўларидеги шох қийиққа туғилган совға-саломларини битталаб эшик остонасига қўйишди. Хайрлашар

нини яратган жумбоқларни ҳал этиб, образлар қўламатида келиб чиқадиган мазмунни яқунлаб, маънодор ечим топиш ёзувчилик санъатининг энг мураккаб масъулияти ва энг юқори босқичидир. Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, баъзан ёзувчиликнинг умуммазмун эътибори билан тузуккина асар яратадилар-да тўмтоқ, маъно жиҳатдан заиф ечим билан тугаллаб қўяқолдилар. Бу ҳол китобхонни ачинтиради, албатта.

«Меҳробдан чаён» Анвар билан Раънонинг Қўқон қалъасининг банд деворидан ошиб Тошкент томон жўнаб кетиш манзараси билан тугатилди. Бу манзара бадийат жиҳатдан, сўзсиз, Абдулла Қодирий маҳоратига мувофиқ равишда яратилган. Унга юкланган маъно ҳам муҳим. Анвар ва Раъно ўз муҳаббатларини асраш учун Қўқон хонлигига нисбатан ўша даврда анча тараққийпарвар бўлган Тошкентга ўтиб кетадилар. Бироқ йирик ва қўламли конфликтларни ҳал қилиш йўлида қаҳрамонларни қочириб юбориш ва қўлга тушириш бадий жиҳатдан етарли даражада тасвирли бўлавермайди. Бу зиддиятларни ҳал қилишда осон йўлде қулолади. Абдулла Қодирий бу ҳолни яхши англаган шекилли, романига анча маънодор хотима бериш-лайди.

Хотиманда адиб Анвар билан Раънонинг Тошкентда анча вақт яшагани, кейин Худобёрхондан афсона олиб яна Қўқонга қайтганлиги ҳақида хабар берилди. Бу ерда Абдулла Қодирий Анвар ва Раъно образларини тўқимадан кўра (аслида улар тўқима образлар, албатта) реал шахслар ўрнида қўйиб, уларнинг кейинги ҳаёти ҳақида икки хил хабар эшитганини айтиди. Бири Анвар Қўқонга қайтиб келгач, Худобёрхон томондан ўлдирилгани хусусида, иккинчиси эса

хоннинг афв қилганини тасдиқлаган ҳолда унинг ўз ажали билан ўлгани хусусида. Ҳар ҳолда нима бўлса ҳам китобхон Анварнинг узоқ яшамагани англайди. Анвар ўлимини бу икки хил йўсунда талқин қилинишини ҳам ўзига хос маъноси бор: бу билан ёзувчи бош қаҳрамон тақдирни тўғрисида ўзича хулосалар қилиб кўришга имконият бериди. Анвар яшаган давр раҳм-шафқат даври эмас эди. Афснома юбориб Қўқонга қақириб олиш учун хонда ҳеч қандай манфаат ҳам йўқ эди. Борди-ю афснома юборилган тақдирда хон ундан фақат ўч олиш учун бу ишни қилган, деб қараш керак бўлади. Шундай эди, китобхон Анвар албатта ўз ажали билан эмас, хон томонидан ўлдирилган бўлиши керак, деган хулосага келади.

Кўрарясизки, «Ўтган кунлар» қай даражада фожиа билан ақунланган бўлса, «Меҳробдан чаён» ҳам шу даражада фожиа билан ақунланади. Бу ерда Анвар характери маъноси хусусида ҳам баъзи бир фикрларни айтиш керак бўлади.

Гап шундаки, Анвар образи ўзининг бутун мазмуни, тақдиринини маъноси билан ўзи яшаган замонни инкор қилса ҳам ўзи бевосита инкор қилувчи ҳам эмас, исёнкор ҳам эмас. Ўша давр реал ҳаётида инкор этувчилар, ҳатто бирор исёнкор ҳам йўқ эди, деб бўлмайди. Абдулла Қодирий шу хилдаги образларни олиб тасвирлаш ҳам мумкин эди, албатта. Бироқ адиб роман мазмунини худди юқорида биз таҳлил қилган тарзда ўйлади ва шунга монанд танланган материалдан ўзига хос маъно чиқарди. Бу хонлиқ давридаги муҳиш ўтмишни инкор қилиш, шу йўл билан совет халқи тиклаётган янги тузумни улуғлаш ва партия ишига тасаннолар айтиш эди.

эканлар, мэмунлик билан шундаг дейишди.

— Домлангиз кўп яхши китоб ёзар эканлар, афсуски, суҳбатларини ололмадик, лоқал ўзларини кўролмадик-да...

Совға-саломларини уйга олиб киришим билан Ҳабибулло мени домланинг ичкариликдаги ижодхоналарига бошлади, ота-бола сандал тева-рагига ўтказдилар. Ниҳоят хурсанд бўлиб кетдим— лотин ҳарфидаги кўл-ёзмамни яна қолган жойидан кират билан ўқий бошладим. Домла кўзларини бир нуқтага тикиб тинглар, ҳар замон рўпарамизда қўлоқларини динг қилиб, ён-берига «чирт-чирт» туфлаб ўтирган ўғиллари Ҳабибулло-ни ни-оҳлари остига олиб, «ёқади-ми!» дегандай қалин, тимқора қошларини чмириб кўярдилар.

Ҳабибулло ҳали ёш, ун беш-ўн олтини қоралаган, анчагина тийрак, ранг-рўйи, қарашлари айнан домла-ниқига ўхшар, асаринг маъқул-но-маъқуллигини билинар-билинимас, ўзи-га хос им билан ифода этарди. Бу-ни домла пайқасалар керак, бирдан «мана шу ернин қайтадан ўқи!» дер-дилар.

Дарҳол ўқийман: «Овчидан кўр-қанг кўён ҳасо орқали ўтадиган эгри-бугри йўллар билан чап бериб қолиб қолди. Уқини бекорга кетказмайдиган овчи биринчи отандаёқ кўён «шалоп этиб» ерга тушди».

— Товбал— дедилар домла до-воёранг дўпплиларини пешонага тор-тиб.— Кўён парранда эмас-ку, қандай қилиб ҳавода учини мумкин? Ҳавода эгри-бугри йўл бор деганинг қизиқ!

— Яна ўқишда давом этаётган эдим. Домла «тўхта-тўхта!» деб қолдилар. — Бу нима деганинг! Мақсад нима, мақсад? Бу анави фикрингга зид келаяпти. Мана бу сўзларинг ортиқ-ча, уни мана бундай муҳтасар жумла билан ифодаласа бўлади... Бу гапинг эса, қайтариқ, юқорида ишлатилган. Бу сўзини бошқа жойга кўчири, ўрнига тушмаган. Ухшатишларинг ҳам ўрни-си. Бундан аввалги сатрларни ўқи-чи...

Баъзан персонажларнинг тили ёк-маса, бир оз асабийлашганга ўхшар-дилар. Яна ўқишдан тўхтатиб, сўра-дилар:

— Ҳозирги сўзингни яна қайтариб ўқи-чи!

— Жаддол.  
— Жаддолг нимаси?  
— Жаддол... Жаддол-да!— дедим уялиниқираб.— Икки жойда ишлатган-ман уни.

— Қаерда ишлатгансан тагин. Мен биринчи эшитишми. Сўзингнинг маъ-носи нима, бу исми, сифатми, феълми?!

— Қиймат қойим бўлса, зшакка миниб келаркан, дейишди-ку...

— Э... ҳа-а,— дедилар кулиб,— ундай бўлса, «жаддол» эмас, «даж-

жол!» деб ёз. Боё айтдим— сенга тилини тўғри ифодалаш керак, йўқса майна бўласан... Ёзувчилик — мурак-каб санъат. Тил қанча раван бўлса, ўқувчига шунча тез сингади. Икки-ламчи, бадий асар, хусусан наср, ғириллаб ўтган кинолентадай ўқувчи кўз унгида эстетик ҳолат пайдо қил-маса яна ёмон, воқеалар эсда қол-майди.

Ер ёрилмадики, мен кириб кетма-дим. Қаллами бу ё ошқовоқ, «даж-жол» сўзини «жаддол» деб юраркан-ман.

Шу тариқа домланиқига кўп қат-надим. У киши асар билан тўлиқ та-нидилар ва йўлақай юқоридегидек тузатиш-тахрир киритдилар. Оқир дедилар:

— Асаринг мавзуи зўр ва лекин ёзилишида қусури бор. Биринчи кат-та ишнинг шунчалик эллабсан, кат-та ютуқ. Менимча, ўқишли бўлсин десанг, асарингнинг айрим ўринлари-ни қайта ёзиб чиқ.

Устоз маслаҳатларидан кейин

1. Дажжол — арабча «дажол» сўзи-дан олинган, фирибгар, алдамчи, буз-гунчи, қаллоб маъноларини англата-ди. Қадимда, авом халқ эhtiқодичи, оқир замон бўлганда халқни йўлдан оздирувчи шундай фирибгарлар ку-паяр эмиш.

«Чаман» романидан айри ўша йиллар «Ўзбекистон ва санъат» (ҳозирги «Шарқлар» журна)да босилди. Битти тоб ҳолида чоп этилмади.

Улуғ Ватан уруши бош-ижодий ишга кўл уришга вақт-мади. Фронгга кетдим. Асар қолди.

Яна бир гап. Сўнги учрашувларимизнинг биринчи, қизим Чаман андигина йўрғакка тушган пайтлар эди, домла: «Шу романингни номи-ни қизчанга исм қил. Яхши топиб-сан уни. Ният деган яхши бўлади. Мана бу бир туп олма кўчатини ҳовли-га эк. Бу француз ёзувчиси Жорж Санд хоним номига қўйилган нав». Мақур уна ховлимизда сал-кам эллик йил ҳосил берди — олма-дан тахчиллик кўрмадик.

Устоз шунча соҳибкор, қолавер-са, чет эл классик адабиётининг ҳам хабардор эдилар.

...Вақтнинг ўтишини қаранг, романиннинг биринчи тингловчиси ва му-наққиди тийрак Ҳабибуллонинг со-чларини ҳам қиров босибди. Салкам олтимиши қоралаб қолган азиз фар-занд «Отам ҳақида» деган ўлмас кит-об битибди.

Китобни ўқирканман, ўзимча дей-ман: «Қанинди буюк истёъод соҳи-би ўз чаманларини кўрсалар, мийг-ларинда мамнуният ила кулиб қўйса-лар...»

## ИШОНЧ

Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхозга қирлар орасида жойлашган. Совхоз меҳнатқашлари асосан, Асака ва Полвонтош адирла-рида, қир ён бағирларидаги салкам 6 миңг гектар майдонда деҳқончилик қилишди, пахта экишди, богдорчи-лик билан шугулланишди. Марказий кўрғон ҳам чор атрофдан қирлар билан ўраб олинган.

Кейинги пайтларда, илгари совхоз-дан шаҳарга, район марказига кетиб қолган кўп ёшлар яна совхозга қай-тиб келишмоқда. Негаки, бу ерда меҳнат қилиш, маданий яшаш учун етарли шароит яратилди. Бугунги кунда совхознинг икки бўлимида қу-рилган ва фойдаланишга топширил-ган ёзги ва кишики кинотеатр, кутуб-хона, қатор савдо шохобчалари, клуб меҳнатқашлар иштироқида. Ун минг кишилик стадионда ёшлар спортнинг исталган тури билан шугулланишлари мумкин.

Бир неча йилдирки, совхоз маъму-рияти район спорт комитети билан биргаликда район «Оқ олтин» газе-таси соврини учун ўтказиладиган республикаларо чим устида хоккей командаси мусобақаларини ана шу стадионда ўтказмоқда. Бу — ижобий самаралар бермоқда. Совхозда та-шиқил этилган «Пахта» чим устида хоккей аёллар командаси машҳур пахтакор Турсуной Охунова соврини учун ўтказиладиган республика киш-лоқ спортчиларининг аънанавий му-собақасида муваффақият билан қат-нашаётир.

Бугунги кунда 430 нафар кичкин-той боғча ва яслиларда тарбиялан-моқда. Яна 76 ва 50 ўрилли иккита боғча қурилмоқда. Совхоздаги икки-та участка касалхонаси, амбулатория ва поликлиникада тажрибали врач-лар, малакали медицина ҳамширалари ишчилар, пахтакорлар саломат-лиги йўлида астойдил меҳнат қил-моқдалар. Шунингдек, маданий-маи-ший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Бахт уйи», алоқа тармоқлари, китоб

магазини, нонвойхона мавжуд. Бу-ларнинг ҳаммаси совхознинг ишлаб чиқаришдаги, хусусан, пахтачилик, чорвачилик, богдорчиликда эришган муваффақиятлари эвазига бўлмоқда.

Совхоз ташкил этилганига энди-гина олти йил бўлди, шундан бери у район хўжаликлари орасида пахта тайёрлаш планини доим биринчи бў-либ бажаришга эришмоқда. Сабаби, техника ва механизм деҳқон таянчига айланганлигида. Дастлабки йили хў-жалик давлатга 4 миңг тонна пахта сотган бўлса, бугунги кунда бу кўр-саткич 6 миңг тоннага этди. Ҳозир совхоз 60 га яқин терим машинаси-га эга. Ғўза қатор ораларига ишлов бе-радиган механизмлар, ер ҳайдайди-ган тракторлар сони йил сайин кўпа-йиб бормоқда.

Пахтадан олинган даромаднинг у-дан бир қисми эса қурилиш, ободон-чилик ишларига сарфланмоқда.

— Дала шийони — колхозчининг иккинчи уйи,— дейди совхоз дирек-торининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Оминахон Иброҳимова.— Совхоз маъмурияти, партия ташкило-ти, ишчилар комитети 15 миңг сўм-лик турли-туман жиҳозлар сотиб олди.

Совхозда ёшлар билан ишлаш я-ши йўлга қўйилган. Урта мактабни битирувчилар билан тажрибали пах-такорлар, чорвадорлар, меҳнат ва уруш ветеранлари иштирокидаги уч-рашувлар айниқса мароқли кечади. Бундай учрашувларда ер қадрли, пах-та сеҳри, меҳнат сурури ҳақида, одамларни севиш ҳақида сўз кетади. Натижада ёшларнинг кўпчилиги мак-табни битиргандан сўнг совхозда иш-лаб қолмоқда.

Совхозда чорвачиликни ривожлан-тиришга ҳам алоҳида эътибор берил-моқда. Давлатга гўшт, сут, жун, ту-хум сотиш квартал плани муваффа-қиятли бажарилди. Уа навабатида, аҳолидан сут, гўшт сотиб олишда ҳаққонлашнинг натуре усулига ўти-ди. Бу жамоат чорвачилиги билан

шахсий хўжалик чорвасининг мутта-сил ривожланишига омили бўлмоқда.

Хўжаликнинг ҳамма соҳаларда тез тараққий этишида Эҳтиромхон Мада-минова, Тўрақелида Баделов сингари тажрибали пахта усталари, Зиннатхон Ботирова, Холисон Хўжаева каби соғувчилар, чорвадорларнинг ҳисса-лари катта бўлмоқда.

Районда машъал комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Эҳтиромхон Ма-даминова ташаббуси билан совхозда «Қизлар клуби» ташкил этилди. Бу тадбир хўжаликда турмуш мадания-тини янада ошириш, тўйлар, маро-симларни қизиқарли ўтказиш имко-нини берди.

Халқимизда йўл қурган, кўприк солган одамнинг ризиқи бут, умри узоқ бўлади, деган ҳикмат бор. Сов-хоз марказий кўрғони атрофдаги қишлоқлар, бўлимлар, адирлар орели-ғида жойлашган дала шийонлари билан асфальт йўллар орқали бо-ланган. Йилнинг қайси фаслида бўл-масин, исталган хўжаликка бемалол бориш мумкин.



Совхозда ҳали амалга оширилади-ган ишлар кўлами анчагина. Энг олис бўлимларда кутубхона, кинотеатр, спорт майдончаси, чойхона ва бош-қа маданий хизмат кўрсатиш шохоб-чалари очиш кўзда тутилган. Бу ишлар Узбекистон ССР ва Узбекис-тон Компартиясининг 60 йиллиги иш-шонланадиган муборак йилда тўла амалга оширилади. Совхоз директо-ри Раҳмонберди Худойбердиев, пар-тия ташкилотининг секретари Му-хаммадрўз Уринов бу ҳақда ишонч билан гапирадилар.

Ҳамид КАРИМОВ



Зулайҳо Ҳайитматова Хевадаги гилам тўқиш комбинатининг илгорларидан. А. Жданов фотоси

# «ХОТИРАЛАР» КИТОБИДАН



50-ва 60-йилларни Абдулла Қаҳҳор ижодининг энг гуллаб яшнаган йиллари дейиш мумкин, чунки Иттифоқ доирасида ва ҳатто Иттифоқ доирасидан чиққан асарлар асосан шу йиллар мобайнида яратилди.

1962 йил «Тобутдан товуш» комедиясини ёзиб тугатгач, «Утмишдан эртақлар» қиссасини бошлади. Мусича ин кўйиш учун аввал хас-хашак ташиганидек, Абдулла Қаҳҳор ҳам ёзилажак асарнинг аввал қораламасини ён дафтарга ёзиб, кейин қоғозга туширар эди. Гарчи бу асарга доир ҳамма деталлар, ҳатто персонажларнинг исм-фамилиялари ёндафтарда тайёр бўлса ҳам яна Абдулла Қаҳҳор, 1961 йил Фарғона водийсини айланиб келгани борганимизда, Қўқонга тушиб, бир ҳафтача болалик йиллари ўтган: Яйпан, Бувайда, Оққўрғон, Ленинободнинг Ашт қишлоқларини айланиб қайтган эдилар.

Абдулла Қаҳҳор шу қиссасининг муқаддимасида шундай ёзган:

«...Уттизинчи йилларнинг ўрталарида, болалигимни ўйлаганимда, чалакам-чатти туш кўргандай бўлган эдим: думли юлдуз чиққан эди; Бабар (Бобур бўлса керак) деган йигитни отқоровул милтиқ билан отганда ўлмаган эди, шунда отқоровул одамларга юзланиб: «Е пирай, бунақа баттол ўғрини умримда кўрган эмасман, устидан ошириб ўқ узибману

киприк қоқмайди-я!» деган эди.

Зехнимда шунга ўхшаган қалқиб юрган хотиралардан ташқари қалқимасдан тошдек чўкиб кетган хотиралар ҳам ҳисобсиз эканидан узоқ замон беҳабар эканман. Бундан мени Антон Павлович Чехов домла хабардор қилдилар.

Муҳтарам устод менга гўё муборак кўз ойнақларини бердилару: «Мана буни тақиб, ўз халқининг ўтмишига назар сол!», дедилар...»

Шу тарзда бошдан кечирган, ёшлик чоғларида зехнларига ўтириб қолган хотиралар, ўша даврда юз берган воқеаларга устод Чеховнинг кўзойнақлари билан қараб уч йил давомида, яъни 1962—1965 йилларда «Утмишдан эртақлар» қиссасини ёзиб тугатдилар. Бу қиссани ҳам китобхонлар оммаси мамнуният билан қарши олди.

1966 йил бу асарнинг сўзма-сўз таржимасини қадрдон дўстлари Константин Симоновга юбордилар. Симонов асарни ўқиб чиқиб, жуда илиқ сўзлар билан муаллифни қизғин табриқлаб, кўйидаги мактубни йўллаган эди.

**«Москва, 12 сентябрь,  
1966 йил**

Қимматли Абдулла Қаҳҳорович!

Мен «Утмишдан эртақлар»ни зўр иштиёқ билан ўқишга киришдим ва бу мафтун қилувчи китобни ҳузур қилиб ўқиб чиқдим. Унинг сўнгги са-

ҳифасини ёганимда, бу нарса янги ва Сизнинг катта муваффақиятингиз эканини ўйлаб, суюниб кетдим. Бунда ҳамма нарса зийрак мушоҳидакорлигиниз, тасвир этган ҳаётингизнинг чуқур фожиасини ҳис этганлигиниз, фажеъ аҳволга қарамадан, фожеалар кўйида бўлса ҳам, мавжуд бўлган халқ ҳаётини туйиб олишиниз, ажойиб нозик юморингиз, ота-онангизнинг портретлари сингари одамларнинг гоҳ батафсил ёзилган ва қарама-қаршиликларга тўла, гоҳ бир қўл уришда чизилган ва ҳайратангиз тиниқ портретлар бир-бирига киришиб кетган.

Қисқаси, бу китоб, жуда ҳам яхши нарса. Аъло.

Китобнинг бирдан бир камчилиги, менинг назаримда, унинг охиридир. Китобнинг охири йўқолиб қолади, қумга сингиб кетгандай бўлади. Агар бу бир усул бўлса, усул экани-

ни таъкидлаш керак, усул бўлмаса, бирон абад ё ярим саҳифагина кўшиш керак. Йўқса 167 саҳифада китоб нотаомондай туюладию киши янаги саҳифани қидириб қолади. Шу билан китоб шу ерда тугаши керак, шу ерда тугаши табиий экани сезилиб туради.

Мен бу хусусда индамай ўтолмайман, чунки бу нарса кўзимга кўриниб турибди. Сиз менинг бу сўзимга хайрихоҳ бўлишингизни, Сизни севгучи китобхоннинг туйғусига эътибор қилишингизни истайман.

Энди таржима тўғрисида. Бу нарса Москва журналларидан бирида келаси йилнинг сентяб-рига қолмай бостирилса, яхши бўлар эди. Эҳтимом, анъанага кўра «Знамя» ёки бошқа бирон журналда босилар. Бу ҳақда ўйлагани ҳали фурсат бор. Агар «Знамя» қизиқса, аввал шу журналга бериш учун асос бор, нима дедингиз?

## ЗАҲМАТКАШ ТАРЖИМОН

Адабиётимизнинг таниқли вакилларида бири Кибриёхоним Қаҳҳорова қирқ йилдан мўл давр ичида ижодий фаолият кўрсатмоқда. У Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини (Абдулла Қаҳҳор билан бирга), Максим Горькийнинг «Она» романи, Н. Гоголнинг «Ревизор» (А. Қаҳҳор билан), А. Серафимовичнинг «Темир оқим», Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» асар-

ларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима этди. Георгий Брянцевнинг «Газандалар уясининг тугатилиши» романини ҳам ўзбек тилига таржима этган. Кибриёхоним — зуллисонайн, яъни қадим Шарқ адабларига хос икки тилда: ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида қалам тебратади. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя ва қиссаларини тожик тилига таржима этган, уч китоб қар-

дош тожик тилида нашр этилгани, бу ижодий иш ҳам катта ҳурматга лойиқ.

Кибриё Қаҳҳорова Шарқ классик мероси — буюк адиблардан Убайд Зокий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фароҳ асарларини ҳам ўзбек тилига таржима этиб, «Ҳикоят ва ривоятлар» номи билан нашр этди. Бу китоб тезда ўқувчилар орасида шухрат топиб, халқимиз муҳаббатини қозонди.

Кибриё Қаҳҳорова атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақида хотиралар китобини ёзди. Адибнинг ижодий лабораторияси, асарларининг яратилиши тарихи ҳамда муҳиту дўсту қадрдонлари ҳақида ҳикоя қилади.

Кибриё Қаҳҳоровани Улуғ Ватан уруши йилларида «Фрунзевец» газетасида, кейин УзССР Радиосида ишлаган вақтлардан буён биламиз. У ниҳоятда камтар, заҳматкаш инсон. Умр йўлдоши Абдулла Қаҳҳор билан бирга, адабиётимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшган қалам соҳибаси, коммунист адибадир. Унга етмиш баҳорни кўрган бу қувончли кунларда яна мустаҳкам сихат-саломатлик, катта ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Социалистик адабиётимиз камоли йўлида яна кўп ижодий ишлар қилишига умидвормиз.

МИРМУҲСИН

Мен асарни икки мартаба ўқиб чиқдим ва қандай қилсам, фойдам тегар экан, деб ўйлаб кўрдим. Мен ўқиган таржимага фақат хомаки таржима деб қараш адолатдан бўлмас керак. Бу, гарчи тўла бадиий таржима бўлмас ҳам, ҳар нечук хомаки таржима ҳам эмас. Умуман кунт билан қилинган ишдир. Шу билан бирга бу нарсар рус тилида қандоқ бўлиши керак эканини ўйлаганимда беихтиёр бошқа синонимлар, жумла тузилиши, хуллас авторнинг товушини, интонациясини, юморини тўлароқ берадиган нарсалар излаб қоласан киши.

Қўлэмани журналга топширунимизгача ҳали ихтиёримизда тўққиз-ўн ой борлигини эътиборга олганда, қўлимдан келгунча таржимага уриниб кўришим мумкин. Мен сизга айтсам, бу ишга маълум даражада тортиниброқ қўл ураман, чунки болалик ҳақидаги бунақа повесть характер эътибори билан фавқуллодда аниқ бўлиб, жуда кўп миқдорда соф миллий хотирот ва таассурот билан боғлиқдир, шунинг учун қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш мумкин. Лекин шундоқ бўлса ҳам, таваккал қилиб, мен ишга қўл уриб кўраман, қандай натижа чиқишини кўрамай.

Лекин ишга киришмасдан олдин таржиманинг муҳлати ҳақида Сизнинг мулоҳазангизни билмоқчи эдим. Таржимани олдинроқ битиршим ҳам мумкин бўлар, лекин келаси йилнинг биринчи июлидан олдин битиролмасан. Иккинчидан,

агар шу ишни менга ишониб топширадиган бўлсангиз, таржима вақтида қоқинмаслигим учун биров сизнинг қўл остингизда текстда учрайдиган турмуш, тил ва таржима қилиб бўлмайдиган ибораларга изоҳ ёзиб чиқса экан.

Турган гап, бу ишни бошламасдан бурун икковимиз Тошкентда, Москвада учрашсак ҳам «Синчалак»нинг таржимаси ҳақида маслаҳатлашиб олганимиз сингари бу сафар ҳам маслаҳатлашиб олсак. Лекин шунгача изоҳлар тартиб берилсаю учраганимизда биз изоҳга кирмаган масалалар тўғрисидагина гаплашсак.

Сиздан жавоб келгунча қўлэмани менда туради. Сиз розилик берсангиз, муҳлатни узоқ демасангиз, бир-икки ой ичда бояги ишни қилиш мумкиндир. Охирги саҳифа тўғрисида мен айтган мулоҳазани ҳам ўйлаб кўринг. Ноябрьнинг охирида ёки декабрнинг бошида Москвада, Тошкентда учрашиб, текстни бошдан-оёқ кўриб чиқсак.

Ажойиб китоб билан сизни яна бир мартаба қутлайман.

Кибриё Лутфуллаевнага чин юракдан салом йўллайман.

Лариса Алексеевнадан икковингизга қизғин салом.

Сизни кучиб

**Константин СИМОНОВ**

Турган гап, Абдулла Қаҳҳор Константин Симоновнинг хатини олгач, китобнинг охиричигина эмас, балким бошдан-оёқ ҳамма бобларини кўздан кечириб, яна бир карра таҳрир қи-

либ чиқдилар ва Симонов илгаб олган хатоларни тузатдилар.

Бу китоб 1965 йили ўзбек тилида нашрдан чиқди. 1967 йили Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг шу муносабат билан 1967 йили Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлис залда ўтган Ёзувчилар съездида сўзлаган нутқининг тезиси:

«Менинг асаримни юксак мукофотга тавсия қилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзига, Тошкент Давлат университети-нинг филология факультети студентларига, асарга катта баҳо берган ҳамкасбларимга, ниҳоят, асарни мукофотга лойиқ кўрган Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти комитетига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Адабий асарнинг тақдир этилишини уни етиштирган заминга — адабиётга берилган юксак баҳо, деб билиш керак. Эллик ёшга тўлиб бораётган янги, беқиёс тузумнинг неъматларидан бўлган ўзбек совет адабиёти, ҳақиқатан, ҳар жиҳатдан баркамол, таҳсинга лойиқ, халқимизнинг олий мақсади учун курашда катта куч, партиямизнинг оташнафас пропагандисти бўлиб қолди.

Адабиётимиз катта адабиёт, катта адабиётга талаб ҳам катта бўлади...»

Таассуфки, «Ўтмишдан эрталарнинг таржима бўлиб рус тилида нашр этилишини кўриш Абдулла Қаҳҳорга на-

сиб этмаган экан. Бу асарни Константин Михайлович фақат муаллифнинг вафотидан сўнг Қомрон Ҳакимов билан ҳамкорликда таржима қилди ва ўзи мухтасаргина сўзбоши ёзиб, «Дружба народов» журна-лида нашр этди.

Константин Михайлович Абдулла Қаҳҳор билан қилинган ҳамкорлигини эслаб, ўша сўзбошида жумладан шундай дейди:

«Абдулла Қаҳҳор ўз повести «Синчалак»ни нашр этганда мен Тошкентда «Правда» газетасининг махсус мухбири вази-расини адо этиб юрган эдим ва бу асарнинг рус тилига тар-жима қилиниши толемга мен-га насиб қилган экан.

Мен Абдулла Қаҳҳор билан Тошкентда ёнма-ён туриб иш-лаган чоғларимни эслаб, на фақат унинг асарларини рус тилига ағдарганим ва ундан сабоқ олганимдан ўзимни бе-ҳад бахтли ҳисоблайман, бал-ки бу йиллар шунинг учун ҳам эсда қоладиган йилларки, мен шу баҳона билан Абдулла Қаҳҳор каби оқилу доно, ҳо-зиржавоб ва ҳатто хиёл бир сўзироқ, шу билан бирга ба-ғри кенг, одамларга хайрихоҳ бўлган инсон билан дўстлаш-дим.

Абдулла Қаҳҳор умуман жа-соратли, мард кишилардан эди. Мен уни ўлимидан бир кун олдин касалхонада кўрган эдим. У ажал гирибонидан ушлаганини билса ҳам, ўли-ши истамас эди, аммо ўша ўзи-гагина хос табиатига кўра ҳа-то ўлим олдида ҳам бош эги-ши истамас эди...»

## АЗИЗ ЖУРНАЛХОНЛАР!

Мана, Сиз билан биз ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажариб, инсониятнинг порлоқ истиқболи йўлида дадил одим ташламоқдамиз. Улуғ Советлар мамлакатининг барча халқлари қатори серқувш республикамиз меҳнаткашлари ҳам ўтган йилни халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятлар билан янгулладилар. Саноат ва қурилишимиз, фан ва маданиятимиз 1983 йилда ҳам катта ютуқларни кўлга киритди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, хусусан Иттифоқимиз саноати учун муҳим хом ашё етказиб берадиган пахтакорларимизнинг бултурги жасоратлари айниқса таҳсинга сазовордир. Мамлакатга 5 миллион 930 минг тонна «оқ олтин»ни териб топширишда шарҳларимиз аҳолисининг ва кўпсонли студентларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Маълумки, бундай улуғвор ишларни ёритишга республикамиз матбуотининг бир бўлаги бўлган «Гулистон» журнали ҳам ўз улушини кўшди.

Азиз журналхонлар! Республикаимиз меҳнат аҳлининг бу йилги режалари бултургидан ҳам салмоқлироқ ва залварлироқдир. Бунинг бонси шундаки, бу йил Сиз билан биз серқувш республикамиз — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси тўзилган куннинг 60 йиллик қўтлуғ тўйини зўр тантана билан байрам қиламиз. Шу муносабат билан Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашлари бу йилги барча ишларни КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги йиллардаги тарихий пленумлари асосида ташкил этдилар. Ана шу улуғвор ишлар «Гулистон» журнали саҳифаларида ҳам ўзининг муносиб аксини топади.

Сиз азиз журналхонларнинг «Гулистон» журналида босилаётган қизиқарли материаллар, адабий асарлар, фотосуратлар ва бадиий расмларга меҳр ва илҳосингиз ошиб бораётганини обуначилар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Республикаимизнинг кўпгина областларида «Гулистон» журнали муҳлисларининг сари кенгайиб бораётди. Маса-

лан, 1984 йил учун журналимизга обуна бўлганлар сонини Қашқадарё областида 25 минг 825, Сурхондарё областида 24 минг 50, Самарқанд областида 22 минг 828, Фарғона областида 17 минг 726 тага етди. Шунингдек, «Гулистон» журнали бу йил Наманган областида 15 минг 920 нусха, Бухоро областида 14 минг 512 нусха, Андижон областида 13 минг 981 нусха, Қорақалпоғистон АССРда 8 минг 596 нусха, Жиззах областида 7 минг 76 нусха, Хоразм областида 6 минг 910 нусха, Тошкент областида 6 минг 758 нусха, Навоий областида 6 минг 643 нусха, Сирдарё областида 6 минг 519 нусха, республикамиздан ташқарида эса, 36 минг 784 нусха тарқалади. Журналининг республикамизнинг турли жойларида ва ундан ташқари кенг тарқалишига сиққидилдан қўмақлашган партия ва совет ташкилотларига, «Союзпечать» ташкилотларининг жойлардаги идоралари ходимларига, жамоатчилик асосида матбуот тарқатувчиларга редколлегия номидан миннатдорчилик изҳор этамиз. Шу ўринда айри жойлардаги мутасадди ўртоқлар обуна масаласига бирмунча совуқонлик билан қараганликлари таассуф кўзготади. Масалан, энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган Тошкентдек азим шаҳарда обуначилар сонини атиги 796 киши эканлиги таажубланарлидир. Бу ерда бошқа матбуот нашрларига ҳам ана шундай муносабатда бўлинган.

«Гулистон» журналининг бундан буён ҳам қизиқарли, кўркам ва рағбаранг, ўқишли, мазмундор чиқиши Сизлар юборадиган материалларга ва қимматли маслаҳатларга ниҳоятда боғлиқдир. Шу муносабат билан Сизлардан фойдали маслаҳатлар, шаҳар ва қишлоқларимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоялар, очерклар, лавҳалар ва фотосуратлар кутамиз.

«ГУЛИСТОН» журнали

# ИНСОН ВА РОБОТ

Дунёда бу жинсдан мўминроқ борми, Сигиниш фойдасиз, буюрсанг басдир. Шилпиллаб кетади, демайди қорним, Салқи қовогидан қор ёғилмасдир.

Олқишларга бефарқ, қуруқ ҳашамдай Қайси бир кўргазма олтин соврини. Ёрлиқлар, шухратлар билан яшамай, Жангир-жунгирларда босар ҳоврини.

Насиядан безор, нақдина керак, Руйхуш йўқ қасамга, ёғлиқ ваъдага. Ишни ташлаб бормас худойи хўрак, Ҳар хил маъракага, тўйчиқ, каъдага.

Кақир-кақир қилмас қақликка ўхшаб, Унинг учун йўқдай бирор муаммо. Лутфдан бенасиб, нимаси хуштаб, Кажрафторга тишин қайрамас аммо.

Бу роботдир! Инсон ясаган қолиб, Нақ ўзига мензлаб қўйган қиёфа. Гўё баданидан ажратиб олиб, Темир ўсимтани айлар зиёфат.

Беайб парвардигор! Соҳибин эса, Бир эмас, қўшалоқ ҳайфсани бор. Ичкиликка ружу этганим деса, Яна проғули учун товодор.

Одамлар, наҳотки, наҳот, кам бўлсак Ўзимиз яратган мўъжизадан ҳам.

Расо ақлимизнинг қаймоғин бешак Уғирлаб қўйдими ё темир одам.

Яралгандан буён шундаймизи ё, Балки лофдир десак, қуйма қулоқмиз. Роботлар олдида қани шарм-ҳаё, Баъзан мусичадай увол, нўноқмиз.

Важ-қарсон, баҳона лозимидан мўл, Хом ашё йўқ деймиз ё дастгоҳ бузуқ. Кўникиб қолибмиз осилтириб қўл, Чивин қўришларга... жудаям қизиқ!

Афв этамиз баъзан кўзбоғлогични, Хатони хаспўшлаш хасмол эмасдай. Танлаган бўламиз илми гиж-ғижни, Дастмоя дипломга лом-лим демасдай.

Дўппининг остида бошми, ошқовоқ, Андоми келишган бўлса — вассалом. Уртага қўйилса иккита товоқ, Икки хил ош ейди фозил ва авом.

Инсон муқаддасдир, ягона аъзам, Демишлар, деюрлар: тириклик тожи! Улуғ меҳнати-ла дунё муаззам, Очиқ қафтидадир бахтлар ривож.

Интизом бор, тартиб-қондаси-ла Земин меҳвариде айланур қуёш. Ўзбекизмиз, қардошлар оиласида Ленин закосидан кўйда юксак бош.

## Чинорлар

Мен жаҳондин кечтиму  
Кечмас менинг жонимдин эл.  
**НАВОИЙ**

Қайдадир саргайган, унутилган куз,  
Чинорлар сукути, намиққан хазон,  
Яланғоч соҳоларга ўралган мезон.  
Юдузлар ҳам совуқ, майдаланган муз,  
Тагида не зотлар ётар безабон.

Бу чинор асли ким? Қайси мунисим?  
Акмалми, Ҳамзами ёки Файзулла?  
Қандай чидашар бу сўнгги манзилга?  
Чақмоқ аямаган мана буниси  
Ҳар гал кўкарармиш наврўз файзи-ла.

Сал нари — эски тўн осилган чинор,  
Сояда қумғон ва занглаган ўроқ.  
Бугун вужудим ҳис, тўлғонган сўроқ:  
Балки бу Йўлдошвой отадан ёдгор,  
Ё қўшчи бошида ёқилган чироқ.

Хув анув қайси бир хоки табаррук,  
Хатто руҳидан ҳам куй эсар аста:

«Қаламим қабримнинг туғига даста».  
Бу маним Гафурим, тутанган тарих,  
Пиёласи синган шўх камарбаста.

Чинор кўп, саргайган, тўкилган чинор:  
Шилдираган ариқ лабида бири,  
Бу маним Усмоним, мироблар пири.  
Ёнбошида ухлар абадий баҳор,  
Кўзёшларин ювар гуллар ёмғири.

Оҳ, калла, нимасан, хумчами ёки  
Узилган тугмалар сақланган қўти,  
Бир очилиб ёпил, ўйлар булути  
Тарқалмасдан туриб нафасда токи  
Хотиралар учин олайин тутиб.

Эҳтимол, бу бўлмас фавқуллодда гап,  
Ё бирон қомустга лойиқ сўзбоши.  
Аммо булар бари шаҳлолар ёши,  
Аммо булар бари инкилобий саф.  
Аммо булар бари ёдгорлик тоши.

## Эртага

кеч бўлади...


Эртага кеч бўлар, кеч бўлар шоир,  
Табаррук йўрғакни бугун қадрла.  
Лоф уриб юрибсан сўзчага доир,  
Бошга тож қўйдингми олтин сатр-ла.

Эртага кеч бўлар, вақт термақашдир,  
Буютган кўкракни бугун қадрла.  
Азалдан чиройли дунё талашдир,  
Йўл очиб кетдингми тошлоқ адр-ла.

Эртага кеч бўлар, сочларда қиров,  
Тирикка ўрнакни бугун қадрла.  
Увоқсан, уволсан, фахр эмас биров,  
Бир яшаб олмасанг инсоний дард-ла.

## Кўп экан...

Кўргандан кўрмаганим кўп экан,  
Ургандан ўрмаганим кўп экан.  
Билгандан билмаганим кўп экан,  
Жилгандан жилмаганим кўп экан.  
Ёнгандан ёнмаганим кўп экан,  
Қонгандан қонмаганим кўп экан.  
Йиғгандан йиғмаганим кўп экан,  
Кийгандан киймаганим кўп экан,  
Суйгандан суймаганим кўп экан,  
Куйгандан куймаганим кўп экан,  
Тингандан тинмаганим кўп экан,  
Мингандан минмаганим кўп экан.  
Егандан емаганим кўп экан,  
Дегандан демаганим кўп экан.  
Кўп экан орзуларнинг парвози,  
Кўп экан армонларнинг ҳамрози.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Султон Акбарий 60 ёшга тўлди. У қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида она-Ватанини, жонанжон совет халқини, меҳр-муҳаббат ва дўстлиқни шарафлаб келаётган сози янғроқ шоир, моҳир журналист; ўнлаб шеърини тўпламлари, дostonлари китобхонларга яхши таниш.

Султон Акбарий серқирра ижодкор. У узоқ йиллар давомида республикамизнинг газета, журналларида ишлаб келмоқда. Давр билан ҳамнафаслини шоир ижодида кўтаринки публицистик руҳ бахш этди. Унинг бир қанча шеърлари, дostonлари қардош халқлар тилларига ҳам таржима қилинди. Шу жумладан, «Мен тинчлиқни шарафлайман» («Я славолю мир»), «Ижодкорлар» («Творцы»), «Кўнги оҳанглари» («Мотивы сердца»), «Гирдоб» («Вихри») ва «Аланга» («Пламя») сингари тўпламлари рус тилида chop этилган.

Биз шоирга мустақкам соғлиқ, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

## Одамлар бор

Мучал билан ўлчанса-да одамнинг ёши,  
Ақли ё аҳмоқ бўлар дўнғалак боши.  
Одамлар бор — ҳаётда ўз ўрни-чун яшар,  
Одамлар бор — ишқамбадек қорни-чун яшар.  
Одамлар бор — сув ичиб ҳам қўлқартирар боғ,  
Одамлар бор — бол ичиб ҳам ўролмас янтоқ,  
Одамлар бор — офтоб дейсан кўлни берганда,  
Одамлар бор — булут дейсан мошоқ терганда.  
Одамлар бор — ғамингни еб қарта тузлайди,  
Одамлар бор — шамолига дарё музлайди.  
Одамлар бор — йиқилгани суяб қўяди,  
Одамлар бор — бир гап билан бўяб қўяди.  
Одамлар бор — наъра урмай мардлик қиларкан,  
Одамлар бор — дардсизни ҳам дардлик қиларкан.  
Одамлар бор — вазмин, отнинг бели синса ҳам,  
Одамлар бор — пишқиради хачир минса ҳам.  
Одамлар бор — жон ошноси, амалинг бир пул,  
Одамлар бор — мол ошноси, воз кечар бир кун.  
Одамлар бор — бир данакнинг ялакат мағзи,  
Одамлар бор — ундан яхши хайёонлар баъзи.  
Одамлар бор — бегона-ю азиз зот каби,  
Одамлар бор — қариндошу етти ёт каби.  
Одамлар бор — доим тайёр истиқболнингга,  
Одамлар бор — гўрнингда ҳам қўймак холингга.  
Одамлар бор — кўзи кўрмас, пат гилам тўқир,  
Одамлар бор — кўзли бўлиб, кўзсизни қўқир.  
Одамлар бор — мақсад учун булар фидойи,  
Одамлар бор — жаннат учун қилар худойи.  
Одамлар бор — олға байроқ кўтариб борар,  
Одамлар бор — ош пишганда йўталиб борар.  
Одамлар бор — бутун умри фалсафа, ғоя,  
Одамлар бор — бутун умри сафсата, соя.  
Одамлар бор, одамлар бор, турфа одамлар,  
Ахир, битта боғда битар қанча бодомлар.

# ИККИ ХАЛҚНИНГ ҚИЗИ

Гайбулла САЛОМОВ,  
филология фанлари доктори

Мен таниқли адабиётшунос олима ва таржимон Нинель Васильевна Владимирова ҳақида ўйлаганимда... машхур футбол тренери Гавриил Качалинининг ёқимтой чехраси кўз ўнгимда намоён бўлади.

Донишманд спорт мутахассиси бундан йигирма йиллар муқаддам — «Пактақори» командамизда бош тренер бўлиб турган кезларда, чамаси ўттиз минг футбол ишқибозлари ишториқда очқ стадионда жуда антика пресс-конференция ўтказган эди.

— Сиз ўзбеклар, — деганди у ўшанда, — токи ўзингиз ўз футболчи ва тренерларингизни етиштирмас экансиз, ҳеч қачон ишингиз юришмайди. Бошқа ёқлардан турли «имти-ёзлар» эвазига, ҳар йили чорлаб келтириладиган «юлдуз»ларга қоладиган кун қолмасин. Улар командага келади, оладиганини олади, қиладиганини қилади, бўладиганини бўлади ва... учади-да кетади. Ўзбекларда «ўз уйингдан ўлик чиқмагунча тўйиб йиглолмайсан» деган ғалати матал бор. Гапинг пўст калласи шу!

Афсуски, бундай ҳол спортгагина дахлдор эмас. Олайлик, фан соҳасида ҳам «оладиганини олгач», бошқа бирон марказга, «ёғлироқ» жойга жўнаб қолган «юлдуз» олимларни учратиш мумкин.

Нинель Васильевна Владимирова бутунлай бошқа тоифадаги олима. Унинг учун Ўзбекистон — кўз очиб кўрган дийр, деса бўлади. У қирқ йилдан бун шу ерда яшайди, шу жонажон ўлкада ўз ўрнини ва бахтини топди. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Давлат университетининг урду бўлимини тугатган, 1950 йилда республика Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ишга кирди. Мана, роса ўттиз уч йил бўлдики, шу илмий масканда, «Хурмат белгиси» орденли институтнинг ўзбек совет адабиёти бўлимида хизмат қилади. Бу давр орасида олима ўнга яқин директорини кўрди. Бу ерга кимлар келиб, кимлар кетмади... Лекин Владимирова — ўша Влади-мирова.

Туз ҳақиқи деганларидай, ўтмиш Мовароуннаҳр тарихи ва ҳозирги камалига сидқидил юкунчи, халққа, у яратган маданият, санъат, тил ва адабиётга меҳр қўйиш важидадики, кўпчилик рус олимлари республикамизда катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бординлар. Улар ўлканинг бебахо маънавий бойлиқларини умум-халқ мулкига айлантириш, маҳаллий халқлар орасидан етук олимлар, баркамол мутахассислар тайёрлашда беғараз ердан қўлини чўздилар. Фидойи рус олимлари ўзлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида «манергейм тўсиғи» ўрнатмасдан, балки айнан аксинча, бағри кенг, қомил байналминал зийлилар сифатида, ўзбеклар ва бошқа миллат кишилари билан ёру биродар, қардош-жондош, устод-шоғирлар мақомида, елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

Н. В. Владимирова профессорлар Е. Э. Бертельс, А. К. Боровков, В. В. Решетов, С. Н. Иванов ҳамда И. А. Киссен, М. А. Салье сингари атоқли олимларнинг шоғирди, дўсти ва сафдоши сифатида, уларнинг илмий ва ижодий аъёналарини давом эттирмоқда. У ҳозирги вақтда А. В. Фёдоров (Ленинград), З. С. Кедрина, И. В. Боролина (Москва), Э. С. Азнаурова, П. И. Тартаковский (Тошкент) сингари профессорлар билан доимий мулоқотда, йирик ўзбек адабиётшунос олимлари Иззат Султон, Матқуб Қўшонов, Хомил Екубов, Юсуф Султонов, Азиз Қюмов, Салоҳиддин Мамажонов ҳамда

Олим Усмон, Озод Шарафиддинов, Сайдулла Мирзаев, Худойберди Дониёров, Эрик Каримов, Машхура Султонова, Наим Каримовлар билан баҳамжиҳат иш олиб боради. Н. Владимированинг ўз ҳамкасб-ларини, ўзбек биродарлари билан бундай тотувлиги, иноқлиги шунчаки «росмана» ошначилик эмас, балки чинакам қардошлиқ, ўзбирлик, ишонч, ҳамдардлиқ, ҳамдасту ҳамкорликнинг мумтоз намунасиридир.

Саодатли инсон саховатли бўлади. Яна тўғрироғи, саховатли киши саодатлидир. Илм шундай битмас-туганмас хазинаки, бошқаларга улашгани билан у тугамайди, ҳатто танидан кам келмайди ҳам. Аксинча, уни ўзгаларга инъом этганинг сайин ўзинг янада мазмур бўласан, юксаласан.

Халқимизда «олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган ҳикмат бор. Улуғ бобомиз Алишер Навоий бунордиллар:

Одами эрсанг демагил одами,  
Онингким йўқ халқ гаமிдин гами.

Нинель Владимирова одамлар ҳақида ўйлайди, мудом фан кишилари, адиблар, ёш ижодкорлар, навқирон илмий бўғин ташвишида. Принципиал масалаларда бир сўзли, лафздор, ҳатто қаҳри қаттиқ, фан ва адабиёт аҳлининг тақдирига муносабатда эса содиқ, собит ва меҳри дарё аёл.

Опанинг илмий ва ижодий фаолияти бошқаларникидан бир қанча жиҳатлари билан фарқланади. Аввало, у икки халқнинг хизматига камарбаста, ўзи рус миллатига мансуб, ўзбек совет адабиёти проблемаларини тадқиқ этади. Илмий фаолиятининг яна бир соҳаси — бадий таржима назариясидир.

Н. В. Владимирова янги дургай филологик фан бўлими таржимашунослик хизматида ҳам «омикта олма» эмас. Унинг 1957 йилда чоп этилган «Рус тилидан ўзбекчага бадий таржиманинг баъзи масалаларини номли монографияси урушдан кейинги давр назарий таржимашунослиги тараққиётига сезиларли туртки берди. Асарда кўтарилган асосий масалалар — образ, миллий ҳослик ва услуб — ўзининг муҳимлиги, қайта яратки санъатининг баҳс-талоб, ўзек проблемаларини ёритганлиги билан ҳамон ўз қимматини йўқотган эмас.

Табиат бани одами, ўз она тилдан ташқари, бошқа халқларнинг тилларини ҳам билиш қобилиятини, бегона тилларни эгаллаш бахтини ато этган.

На улуғ саодатким — бошқа халқнинг тилини билиш! Бошқа тилни эгаллаш — ўзга халқнинг руҳий ва маънавий оламига, дилига унинг ўз тили билан кириб бориш демак. Бўлак миллат кишига унинг ўз тилида сўзлашган, ўз тилида мулоқотда бўлишдан ўзга катта мукофот бўлмас керак.

Нақл қиладиларким, нечта тилни билсанг — шунча мартаба инсонсан. Икки тилни билсанг — дубора, уч тилни билсанг — уч ҳисса инсонсан...

Н. В. Владимирова ўз она тили русчадан ташқари, ўзбек, урду, украин тилларини эгаллаган.

Нинель опа учун ўзбек тили — иккинчи она тилидир. У зуллисоний олима ва таржимон. Қизиқ, рус тилида сўзлашганида ёки маъруза қилганида ҳам, иттифоқ, қандайдир фавхулодда ўзига хос, бирон соғмиллий ҳодиса ёки тушунчани аниқлатмоқчи бўлганида, беихтиёр ўзбекча гапириб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Тилга. эътибор — элга эътибор, дейдилар. Нинель Владимированинг



ўзбекча ифодавий тарзига татбиқан айтганда эса бу мақолдаги сўзлар ўрнини айнан алмаштириб: элга эътибор — тилга эътибор дейилса тўғрироқ бўлади. Негаки, унинг ўзбек тилини эгаллаши қандайдир конъюнктуравий мақсад ёки ишонч қозониш ё бўлмаса академик сиполик учун эмас, балки самимият аломатидир. Қолаверса, бу профессионал эҳтиёж, ўзи ўрганмаётган предмет тақозоси, ҳаётий зарурат ҳам.

Нинель опа тилга беназир муҳаббат боғлади, ўзи ҳам эл муҳаббатини қозонди. Зотан, ўзга эл-юртин, халқни, адабиётни дилдан севган, унга чин илоҳ, муҳаббат ва садоқат ришталари билан боғланган кишигина унинг тилини, тарихи, маданияти, урф-удумлари, расм-русумларини эъзозлаши мумкин.

Йоганн Вольфганг Гёте буюк форс-тожик шоири Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз газалиёти йўлида яратган «Ғарбу Шарқ девонини ёзганди:

Кимки шеърятни англамоқ бўлса,  
Шеър чаманини сайр этмоғи фарз.

Ғар кимки шоирни англамоқ бўлса,  
Шоир ватинини сайр этмоғи фарз.

Н. В. Владимирова Шарқ адабиёти сарчамаларидан баҳраманд бўлиш ниятида Тошкентга таширф буюрган эди. У Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олижон, Зулфия, Ойдин, Мирмуҳсин, Саид Аҳмадларнинг насрий ва шеърый асарларини асл нусхаларида ўқиш учун ўзбек тилини кунт билан ўрганди. Сўнгра унда ўзбек совет адабиёти дурдоналарини рус тилига таржима қилиш шавқи пайдо бўлди. Шу тариқа ўзбек адабиёти сабоқларини бадий таржима билан қўшиб хатм этишдек фавқуллода ўзига хос тадбири кашф этди.

Аммо айтишга осон. Сабаби, илмий ва бадий тафаккур, эҳтимол, бир-бирига тамоман зид эмасдир, аммо улар орасида жиддий тафовут бор. Бирини аниқ тахил, статистика, схема, формула ва диллига, иккинчиси эса бунинг акси — тасвирийлик, бадийлик, мажоз,

шартли тимсол, сифатлаш ва образга асосланиб иш кўради. Бинобарин, фан ва бадий ижод жаҳасида баравар қалам тебратиш нечुकдир толеи кулиб боққан кишиларгагина насиб этади.

Бизнинг қаҳрамонимиз ана шундай пешонаси ярқираган олим ва ижодкорлар тоифасидан. У илмий ва ижодий ишни бақамти ҳолда, қўшиб олиб боради. Чунотчи, бирон адибнинг ижодий фаолиятини ёритмоқчи ёки унинг адабий портретини ёзмоқчи бўлса, аввал асарларини рус тилига таржима қилишга киришади. Негаки, таржима муаллифининг ижод масканига, унинг бадий ҳосилига қўйилган олтин кўприқдир. Адибни бадий таржима орқали таниш, билиш, «ўзлаштиришни» бошқа бирон восита билан алмаштириб бўлмайди.

Таржима жараёнида ёзувчи ижоднинг қалби, образлар дунёси ва индиавдуал услубини кашф этишдан ташқари, масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам юзга қалқиб чиқади. Бу икки тил, икки адабиёт, икки ижодкор шахс — муаллиф билан мутаржимнинг ижодий қовушини туфайли, қайта яратиш санъатида дахлдор минг бир қийинчилик билан тўқнашувдан иборат.

Шундай қилиб, Мирзакалон Исмоилининг «Фарғона тонг отгунча», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романларини рус тилига ўғирш давомида Нинель опа бадий таржима сахнида бу адиблар билан ҳар ғал саодатли висол ва дийдор кўришувлардан икки томонлама манфаатни кўзлаган. Чунотчи, адабиётшунос — таржимон ўзбек ёзувчиларининг ижодини билиб, чуқур тадқиқ этишга материал тўплаш баробарида, бадий таржимачилик мўъжизасига хос ботиний қонуниятлар, ақидалар, принципларни аниқлаш учун керакли назарий жамғарма орттирган, малака ҳосил қилган.

Нинель Владимирова сиймосида адабиётшунос — тадқиқотчи, адабий танқидчи, профессионал таржимон билан бадий таржима назарийчиси бир-бири билан топшади. Унинг ноиб тажрибасида назария билан амалиёт, ҳаёт билан адабиёт, илмий

тадқиқот билан бадий ижод, муаллим билан мутаржим доимо бир-бирини тўлдирди, асослайди, тасдиқлайди ёки инкор этади.

Олима кейинги йигирма йил мобайнида ҳикоя жанрининг туғилиши, бунда тарихий ворисийлик ва реалистик тараққиёт майлларини ёритиш юзасидан докторлик тадқиқоти олиб борди. Шу давр орасида Абдулла Қодирийнинг «Тошпўлат тажнг», «Калвак Маҳзум», Гафур Гуломнинг «Ҳайла шаръий», «Ким айдор», Ойдиннинг «Кизлар», «Ширинга мактуби», Саид Аҳмадининг «Муҳаббатнинг туғилиши», Асқад Мухторнинг «Юк», «Хотина», Мирмуҳсиннинг «Мо-нав», Одил Ёқубовнинг «Хайрлашу», «Аям — ажуз», Уткир Хошимовнинг «Муҳаббат» сингари ҳикояларини русчага ўғирди.

Опанинг қамровдор таржима репертуарида Абдулла Қаҳҳордан то Эркин Аъзамовгача, Ғайратидан то Омон Мухторгача, Ҳамид Фуломдан то Қамчибек Кенжагача ўзбек ёзувчиларнинг кекса, ўрта ва ёш бугинлари қаламига мансуб ҳикоялар ўз ўринини топган.

Ана шу ранг-баранг, бой амалий тажрибанинг ажойиб маҳсули сифатида 1967 йилда ўзбек ҳикоялари антологияси «Гранат» («Анор») юзага келди. Назарий кузатишлар ва таҳлил натижалари эса монографик тадқиқотларда сарҳисоб қилинди. Булар — 1969 йилда Машхура Султонова билан ҳамкорликда ёзилган «Ўзбек совет ҳикояси» ҳамда 1977 йилда чоп этилган «Ўзбек совет адабиётинида ҳикоя жанрининг тараққиёти сингари салмоқдор асарлардир.

1983 йилда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти томонидан олиманинг «Каломдан — китобга» («От слова к книге») номи йирик монографияси босилиб чиқди. Бу асарда жанр диалектикаси, ҳикояда образ ва характер, ҳаёт ва бадийий тўқима, конфликт ва деталь сингари масалалар таҳлил қилинади. Китобда ҳикоянавис маҳорати, аънавийлик ва новаторлик, фожейлик ва комизм, ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида баъзан учраб турадиган этнографизмга мойиллик ва мавзу доирасининг чекланганлиги ҳоллари ёритилган.

Шу залда тадқиқотчи кичик адабий жанрнинг чуқур имкониятларини аниқлади ва бундан катта илм яратди.

Яхши адабиётшунос олимларимиз бор, моҳир таржимонларимиз ҳам кам эмас, бурро тил билгичлар, доно танқидчилар, таржимашунослар ҳам топилади. Лекин мана шу филологик ва адабий-ижодий ихтисосларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган бизнинг Ниель Владимировамиз яқка-яғонадир.

«Енингдан оқдан сувнинг қадри йўқ», деган гап бор. Йўқ, қадри бор, бўлганда ҳам қандоқ! — деймиз биз бугун. Чунки ёнингдан оқдан сув сероб қилади, дилга ҳузур, қалбга сархушлик бағишлайди. Енингдан оқдан сувга не етсин. У ўзиники, нақдина.

Уттиз уч йил мобайнида ўзбек маданиятига садоқат билан ҳормат-толмай хизмат қилаётган Н. В. Владимиров бугунги кунда республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори. У Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги «Хурмат Белгиси» орденли Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, докторлик илмий Советининг аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи бадий таржима кенгаши раисининг муовини, «Шарқ юлдузи» журнали ва Москвада чоп этиладиган «Мастерство перевода» («Таржимон маҳорати») мақолалар тўпламининг таҳрир ҳайъати аъзоси...

Ниель опамизнинг фидокорлиги ва ҳалол меҳнат билан топган инсоний қадр-қиммати ҳақида ўйлаганда, ўзинининг ўша кўхна маталимиз мазмунини жиндай ўзгартириб: «Енингдан оқдан сувнинг қадри сарбаладан», дегимиз келади.

# ОДИЛ ЁҚУБОВ АСАРЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ НАШРИ

Таниқли ёзувчи, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубовнинг иш кабинетида махсус китоб жавони бор. Ундаги китобларнинг бир қисмини ёзувчининг бошқа тилларда чоп этилган асарлари ташкил қилади.

Маълумки, Одил Ёқубовнинг асарлари 60-йилларнинг бошидаёқ рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилиниб, Москва, Олмаота, Тбилиси ва бошқа шаҳарларда нашр этила бошлаган эди. Адибнинг «Улугбек хазинаси», «Дийнэт» романи «Дружба народов» журнали саҳифаларида ҳамда «Советский писатель», «Известия» нашриётларида такрор-такрор нашр этилгандан кейин адиб ижодига қизиқиш жуда кучайиб кетди. Сўнгги беш-олти йил давомида «Улугбек хазинаси» романи Болгария, Югославия, Германия Демократик Республикасида нашр этилди, чех ва словак тилларига таржима қилинди. Шунингдек, «Прогресс» нашриёти бу романи араб, ҳинд ва урду тилларига таржима қилиб, босиб чиқарди. «Дийнэт» романини эса литва, арман, тожик китобхонлари ҳам севиб ўқимоқдалар.

1984 йилнинг дастлабки ойлари

ёзувчи Одил Ёқубов учун айниқса қувончли бўлди. Январ ойининг бошида «Улугбек хазинаси» ҳинд, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида чиқди. «Дийнэт» романининг эса қирғиз ва эстон тилларига таржима қилинаётгани тўғрисида расмий хатлар келди. «Бу ҳол фақат мен учун эмас, бутун

ўзбек совет адабиёти учун ҳам қувончли ҳодисадир», дейди Одил Ёқубов.

Суратда: «Улугбек хазинаси» ва «Дийнэт» романининг — қардош совет халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларидаги нашрларидан намуналар.



## Китоблар оламида



## «ОНА ҚАЛБИ»

Талантли адиба Лола Тожиева номи таниқли қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қайбергеновнинг «Маманбий афсонаси», СССР Давлат мукофоти лауреати, қозоқ адиби Абдиқамил Нурпесовнинг «Аён ва тер» трилогияларининг таржимони сифатида китобхонларга яхши таниш.

Айни пайтда Лола Тожиева насрда ҳам қалам тебратмоқда. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти унинг «Она қалби» ҳикоялар тўпламини нашр этди.

Бу китобдаги ҳикояларнинг қаҳрамонлари асосан ўзбек аёллари. Автор уларнинг ҳаётдаги, оиладаги ўрни, мавқенини тасвирлайди. «...Дилдаги оҳим менинг...» ҳикоясида фарзандларнинг камолати, қўлга киритган ютуқлари, бахтидан беҳад қувонадиган, муваффақиятсизликка учраганда қаттиқ изтиробга тушадиган муштилар Мунисхон қалбининг нозик туйғуларга, сарҳадсиз меҳр-муҳаббатга бой эканлигини тасвирласа, «Укинч» ҳикоясида Сожида аянинг соддалигига, ўғил-қизлари, турмуш ўртоғига бўлган меҳр-оқибатини қаламга олади. Маҳалласида «чўрт-кесар, бир сўзла, аммо соддагина» бўлиб танилган Сожида ая, ўрни келганда, қаттиққўл, айни вақтда меҳрибон волида ҳамдир.

хонадонга ҳузур-ҳаловат ҳам, ризқ-рўз ҳам, меҳр-оқибат ҳам ёр. Адибанин тўпلامга киритилган «Умид» ҳикояси ҳудди шу ҳақда. Ҳикоя қаҳрамони Маҳбуба олий маълумотли, ўйли-жойли аёл. Бугун унинг ўзи она. Мартабаси ҳам яхши, ҳамма нарсаси етарли, обрўси жойида. Аммо бир нарса ҳаётда энг керакли зот, уй тўрисида камтаргина бўлиб ўтирадиган, ҳаётнинг барча оғир-енглигини елкасига олган, фарзандлари учун ўзини қурбон қилишга тайёр она этишмасди, холос. Қизиқ, илгари Маҳбуба бунга сира эътибор бермаган экан. Энди билса, болов ўқиса, ақлли-хушли, эл-юртга хизмат қилса, деб оруз қилган она-ю, онанинг ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо меҳри экан. Адиба мазкур ҳикоясида ҳикоячилигимизнинг доимий аънавий мавзуси бўлиб келган онани, буюк инсонни тирклигида қадрлашга ундайди. Шу билан бир пайтда оиланинг бошлиғи — ота ҳақида ҳам баҳс-бон фикрни ўртага ташлайди. Севишли хотинидан эрта ажраб қолган ёш ота ҳали гўдак фарзандини ўғай она қўлига тушишини истамайди, улар деб бошқа турмуш қуришни хоҳламайди. Натижада ота ҳам фарзандлари бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилади, уларни камолот сари етаклайди.


Айни чоғда Лола Тожиева бололар ҳаёти, тақдир, уларнинг дунёқараш, психологияси билан қизиқди. Унинг «Билганга бир туртки» ва «Шукрон» ҳикоялари диққат марказида ҳудди шу мавзу, болаларнинг характерини яратиш туради. Агар балканга бир туртки» ҳикоясида болаларнинг ўйинқароқлиги, ўзларига хос «романтик»лиги ёритилса, «Шукрон»да ишчи оиласида тарбияланган фарзандларнинг ота-она изидан бориш, улар бажарётган ишчи давом эттириш каби фаилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Хуллас, «Она қалби» ҳикоялар тўплами — Лола Тожиевнинг насрдаги биринчи муस्ताқил китоби билан ташишган китобхонлар ундан келгусида етук асарлар кутадилар.

Катта ҳовли-хонадон табарруқ зот она билан файзлиқ бўлади. У бор

Х. КАРИМОВ

# АРСЛОНЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ҲАЁТИ



Тонг қоронгусида Африка саваннаси бўйлаб арслоннинг ваҳимали қичқирғи эшитилади. Агар бу ердаги ёввойи ҳайвонлару паррандаларнинг кундалик овозини чолғу асбоблари оркестрига қиёс қилинса, арслоннинг ана шу товушини узоқ давом этадиган симфоник асарнинг бошланиш қисми дейиш жоиз бўлур эди. Ҳа, минг йиллардан бери шундай бўлиб келган — Африка саваннасининг табиати ҳар кун арслон қичқирғи билан уйғонган.

Аммо бизнинг давримизга келиб арслонларнинг товуши онда-сонда эшитиладиган бўлиб қолаётир. Бир вақтлар чинакамига ҳайвонот дунёсининг шоҳи ҳисобланган арслонларнинг сони эндиликда Африкада бир неча мингтагина саналади. Арслонлар истиқомат қиладиган ерларнинг чегараси қатъий белгилаб қўйилган.

Арслонларнинг сони йилдан йилга камайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Европанинг жанубидаги арслонлар милолдиннинг дастлабки асридаёқ қиррилиб тамом бўлган. Урта Осиё ҳамда Африканинг шимоли — Сахройи Қабрида яшаган арслонлар ҳақида ҳам фақат афсоналар эшитамиз, расмлар кўрамай. Ҳиндистон ўрмонларида ҳаммаси бўлиб икки юзта арслон яшайди. Аслида бу ҳам яхши рақам ҳисобланади. Ваҳоланки, бундан юз йил муқаддам мамлакат рожалари ва инглиз колонизаторларининг оммавий оқ қилиши туфайли арслонларнинг сони атиги ўнгага тушиб қолган эди...

Арслонлар ҳаётини кўпгина олимлар ўрганмоқдалар. Айниқса, Танзания ва Кения мамлакатлари территорияларида жойлашган Серенгети қўриқхонасида олиб борилган ишлар бир мақсадга қаратилгандир. Серенгети яқинидаги Нгоронгоро кратери дунё бўйича арслонларнинг энг зич яшайдиган макони ҳисобланади: юз квадрат километрдан кат-

тароқ жойда юзтадан кўпроқ арслон истиқомат қилади. Бу ерга муттасил равишда автомобиллар келиб тургани сабабли арслонлар ҳам одамларга анча ўрганиб қолишган.

...Австралиялик таниқли табиатшунослар Дес ва Жен Бартлеттларни арслонлар ҳаётини ўрганиш учун келган янги экспедиция дейиш мумкин эди. Улар тўрт йил давомида арслонлар ҳаётини ўрганиш билан бирга фото ва кино аппаратлар билан бу ваҳимали йиртқичларни кўп марта суратга ҳам туширдилар. Бартлеттлар кўп ҳолларда машинани секин юргизган ҳолда бу ердаги барча арслонларни икки-уч мартадан суратга туширдилар. Баъзан машина билан арслон ўртасидаги масофа бир метрга тенг бўларди... Барча арслонлар олди томондан ва ён томондан суратга туширилди. Бу суратлар бўйича арслонлар бор кўриниши билан кафтдагидек кўзга ташланиб туради.

Табиатшунослар арслонларни кузатиш, улар ҳаётини ўрганиш учун вақтинча Этоша сойлигида турдилар. Бу атрофда беш юзга яқин арслон яшайди. Арслонлар бу ерга сув ичиш ва кийик, шоҳли антилопа, зебра, жирафаларни ов қилиш учун келадилар. Тунлари ҳаво очик бўлганда арслонларнинг қичқирғи ўн километргача етиб боради. Улар кўпинча ана шу қичқирқилари воситасида ўз тўдаларининг чегарасини белгилаб турадилар. Бу чегара ўн йиллар давомида бошқа тўда учун дахлсиз бўлади.

Табиатшуносларнинг кузатишларидан арслонларнинг ҳаёт тарзини, хатти-ҳаракатларини билиб олса бўлади. Улар аксарият ордан ташқари пайтларда бир кеча-кундузда йигирма соатгача ухлайди. Дам олиш пайтларида улар бир-бири билан ўйнашишни, қумда ағанашни хуш қўради.

Арслон болалари ота-онасига, шу-

нингдек, бошқа арслонларга ҳам кўп эркалик қилишади, ҳатто катталарининг қулоқ, думларини чинакамига тишлаб туртишади. Аммо катта арслонлар бунга парво қилишмайди, фақат чидаш мумкин бўлмаган ҳолатда арслончаларни қаттиқ туртиб юборишади ёки тишлаб нарироқ итқиштишади. Гоҳида онаси ўлган арслончаларни бошқа она арслонлар эмизиб ўстиради. Умуман тенгдош арслонлар бир-бири билан аҳил бўлиб ўсади. Улар оналарини етти ойликкача эмади. Шундан кейин ёш арслонлар тахминан ана бир ярим йил давомида ота-она қарамогинда бўлишади. Улар икки ёшдан бошлаб овга чиқишади, ўч-тўрт ёшда воғга етади.

Ўлга овлашда эркак арслонларга нисбатан урғочилари серҳаракат ва чаққон бўлади. Эркак арслонлар аксарият дангасероқ бўлишади, улар кам ҳаракат қилиб, кўпроқ истеъмол қилишни хуш қўришади. Эркак арслонлар кўп ҳолларда сойда дам олиб ётади, ўлга яқин келиб қолганда унга осонгина ташланади.

Арслонлар кўпинча осмонга қараб ётади, қузғун ёки бошқа санитар қушлар кўринса, ўша ёқда қандай ўлга борлигини билиш учун жазирама иссиқда ҳам бир неча километргача югуради. Ҳайвонот оламининг шоҳи бошқа йиртқичлар қўлга туширган ўлжани тортиб олишдан уялмайди. У бир йўла ўттиз килограммдан кўпроқ гўшт ейди. Гоҳо кўп ов-

қатланганидан ётолмай қолади. Сувни секин ичади, бир марта чанқоғини қондириш учун ўн минутча вақт сарфлайди.

Арслонларнинг муваффақиятли ови асосан тўнда ёки тонг қоронгусида юз беради. Унинг кундузги ови йигирта мартадан биттасида муваффақиятли бўлади. Арслон пана-паст-қамда яшириниб ётади, ўз ўлжасини жуда яқин келгунча кутиб тураверади. Баъзан соатлаб кутади, ўлга узоқлашиб кетса, унга ҳужум қилишдан воз кечади. Мабодо каттароқ ўлга йўлиқмаса, жайра сингари майда ҳайвонларни ҳам истеъмол қилаверади.

Ов қилиш баъзан-баъзан арслонларга қийинатга тушади. Тўёқли ҳайвон, айниқса ўткир шоҳли антилопа, зебра ўз изига тушган арслонга осонликча бўй бермайди, илочи Борича, инстинкт бўйича йиртқичнинг қаншарига тўғғи билан туширади. Нишонга аниқ теккан тўёқ зарбаси йиртқич арслонни ўлимга ҳам олиб келади, ҳеч бўлмаганда майб-мажруҳ қилиб қўяди. Шу боисдан арслонлар кўп ҳолларда ўлжга ён тарафдан чанг солмоқчи бўлишади, бу эса, овни қийинлаштиради.

Айрим одамлар арслонларнинг ов қилишини жуда осон деб тасаввур этадилар. Аслида ундай эмас, ҳайвонот оламининг шоҳи арслонлар ҳам таҳлика ва ташвиш билан, ҳавф-хатар билан кўн кечиради.

## САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА САВОЛ-ЖАВОБЛАР

**Сихат-саломатлик учун уй ҳароратининг қай даражада бўлгани яхши!**

Тажрибали шифокорлар хоналардаги ҳаво ҳароратини кундуз кунлари 18—20 даражадан оширмайсиники, кечалари эса, тахминан 15 даража атрофида сақлашни тавсия этадилар.

**Мен ҳамиша хуррак отиб ухлайман. Қанақа шифокорга учрашсам бўлади!**

Қулоқ-томоқ-бурун шифокорига, яъни отоларингологга учрашасиз. Чунки хуррак отиб улаш сабаблари томоқдаги кичкина тилчанинг хусусиятлари, юшмоқ танглай мушганининг бўшлиғи ҳамда бурун касалликлари билан боғлиқ бўлади.

**Мен меҳмонхонада фаррош бўлиб ишлайман. Ишдан уйга қайтганимда қўлимни аввал хлорли оҳак билан, сўнг-**

**ра совун билан тозалаб юваман. Хлор билан қўл ювиш зарарли эмасми!**

Қўлни хлорли оҳак билан ювиш мумкин эмас! Хлор терининг сувини қочқириб, нозиклаштириб қўяди. Бу нарса вақти билан қўлнинг орқа териси ёрилишига, йирингли касаллар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Яхшиси иш пайтида резина қўлқоп ишлатиш, ишдан сўнг қўлингизни атир совун билан юваберинг.

**Бир кунда қанча асал ейилса, соғлиққа зарар етмайди!**

Асал — юқори калорияли ноз-неъмат. Дастурхонга қанд ва конфетлар қўйилмаган кун унинг бир суткалик истеъмол қилиш миқдори уч ош қошқидан ошмаслиги лозим. Меъдасида кислота сувга ортиқ бўлган кишилар асални шавлга, сут-қатиққа қўшиб истеъмол қилсалар, зарда бўлмайди-

лар. Панкреатит ва қанд касаллиги бор кишилар даволовчи шифокорнинг маслаҳатисиз асал емасликлари керак.

**Айрим йигитлар ва ҳатто қизлар совуқ маҳалларда юпун кийинадилар, масалан, юпка труси устидан жинси шим кийиб юрадилар. Мен бунга қўшилмайман. Ёки менинг фикрим нотўғғими!**

Сиз ҳақсиз. Инсон гавдасининг пастки аъзоларини совуқда тутиш хроник касалликларни кучайтириб юборади, йигитларнинг ҳам, қизларнинг ҳам жинсий аъзолари ривожига салбий таъсир этади, касалликлар келтириб чиқаради. Бу эса, оғир оқибатларга олиб келади.

Совуқ маҳалларда жинси ва оддий шимлар ичидан махсус иссиқ кийим кийиш лозим. Бу нарса баданга совуқ ўтказмаслик ва бадангаги иссиқликни ташқарига чиқармасликига гаров бўлаолади. Бундан ташқари, жинси ва оддий шимлар камроқ кирланади.

**Кийим чўткаси билан баданинги массажа қилиш мумкинми! Йўқ, мумкин эмас. Бундай массаж**

терини безовталантиради ва ҳатто яра тошириб юборади. Санаятмиш ишлаб чиқарилган массажа бютиларидан фойдаланишни ёки қўл билан массажа қилишни ўзлаштиришни тавсия этамиз.

**Бадантарбияда ўтириб туриш машқ фойдали, деб эшитдим. Шу тўғғими! Мен ҳар кун 200-300 мартадан ўтириб туришни машқ қилаётirman.**

Ўтириб туриш — чиндан ҳам фойдали машқ. Бу машқ жараёнида оёқларнинг йирик гурппа мушаклари ҳаракатланиб ривожланади, юрак-қон томирлари ва нафас олиш системалари яхши ишлайди. Бироқ бу машқни 200—300 мартадан бажариш мумкин эмас. Ўтириб туриш машқини қўл мушакларини, белни, қорин-кўкракни ҳаракатлантириш машқлари билан уйғун ҳолда 10 мартадан 50 мартагача бажариш лозим. Бордию махсус равишда фақат оёқ мушакларини ҳаракатлантириш қўлдангина (ўшанда ҳам қаттиқ ҳарсиллаб қолмасангиз ва юрагингиз тез уриб кетмаса), ўтириб туришни 50—100 мартагача бажариш мумкин. Шундан кейин бошқача машқларни ҳам бажариш тавсия этилади.



# ОДОБ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА РИСОЛА

Э. ЮСУПОВ, Ф. ИСМОИЛОВ  
ИНСОН  
ОДОБИ БИЛАН

Одоб маданияти сирдан қараганда оддийроқ масаладек туюлади. Чунки ўзимизнинг хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимиз ва хулқ аворимизга ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз, бу борада ўзимизни назорат қилавермаймиз. Аммо кундалик ҳаётимизда учраб турадиган, ўзимиз сезиб-сезмайдиغان, бироқ ҳар биримиз билишимиз жуда зарур бўладиган одобий норма-қоидалар анча мураккаб ва назик масаладир. Ана шу қоидаларни билиш ҳамда уларни турмушда ишлатиш учун эса, бир мақсадга қаратилган ҳаракат керак бўлади. Зеро, тарбияланган кишиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати

инсонда маънавий қониқиш уйғотилади. Бу хатти-ҳаракат аслида ўша кишининг саломатлигига, кайфиятига, қолаверса меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, одобий-тарбияланган инсон бўлишга интилиш ҳар бир шахснинг олижаноб вазифаси бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Коммунистик партияимиз совет кишиларининг умуммаданиятини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983 й.) пленумида кишиларнинг онглилиги ва маданиятини, шу жумладан турмуш маданияти, хулқ-аъводини доимий ўстириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу маънода УзССР Фанлар академиясининг академиги Эркин Юсупов ва фалсафа фанлари кандидати, доцент Фозилжон Исмоиловларнинг «Инсон одоби билан» рисоласи кенг китобхоналар оmmasига арзири тухфа бўлди<sup>1</sup>. Бу рисолада авторлар одоб маданиятининг бир қатор масалаларини давр талаби нуқтаи назаридан ўрганганлар, муайян илмий хулосалар чиқарганлар.

Мазлумки, одоб маданиятини социал-психологик, социал-амалий ва бошқа йўналишларда ёритишга бағишланган қатор китоблар ва мақолалар босиб чиқарилган. Аммо, масаланинг кундалик амалий томонига эътибор берган адабиётлар кам. «Инсон одоби билан» рисоласи эса ўзбек халқининг амалий фалсафасини ўзига сингдирган ҳамда ҳозирги замон этика фанининг ютуқлари асосида ёзилган. Шунини айтиб ўтиш кераки, мазкур китоб ўзининг характери, масаланинг қўйилиши ва уни ҳал қилиш билан, мазмун ва мундарижа нуқтаи назаридан ўзига хослиги, муайян изчиллик ва қатъий тартибда ёзилганини ҳамда бирбутун яхлитликни ўзида мужассам этганини билан ажралиб туради.

Китоб кириш сўзи билан очилади. Унда одоб-ахлоқнинг келиб чиқиши, ривожланиши қонуниятлари, тарихий тараққийнинг уч ёки бую босқичида

1 Э. Юсупов, Ф. Исмоилов, Инсон одоби билан. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1983 йил.

одобнинг муайян қоидаларининг тақомиллашиб ва ўзгариб туриши очиб берилди. Шунингдек, синфий антогонистик жамиятдаги одоб-ахлоқнинг зиддиятчилиги, синфий характери ва нотекис ривожланиши кўрсатиб ўтилди. Социалистик одоб-ахлоқ ўзининг ижтимоий табияти, мазмуни ва моҳияти, назарий мақсади ва амалий вазифаси, ўзига хос хусусиятлари билан антогонистик жамиятлар одоб-ахлоқидан тубдан фарқ қилади. Авторларнинг тўғри таъкидлашларича, социализмда одоб нормалари жамиятнинг барча аъзоларининг онгида ҳам, хулқ-аъворидида ҳам ифодаланади. Коммунистик ахлоқ асосида ҳар бир инсон турмушда учрайдиган айрим ҳолларда ўзини қандай тутиши кераклигини оқилона тарзда ўзи ҳал қилади. Зеро, ҳар қандай ҳолда ҳам ҳар бир киши ёнида бошқалар борлигини унутмаслиги лозим. Чунки инсон яқса ўзи-яшамайди, у одамлар билан доимо мулоқотда бўлади. Коммунистик дунёқараш социалистик ахлоқнинг мустақкам пойдевори ҳисобланади, деганларича, авторлар бутунлай ҳақдорлар. Зотан, илмий дунёқараш билан қуролланган ҳар бир инсон ўз фаолияти келажагини анқира олади, ўз хатти-ҳаракатларини чуқур англаш имкониятига эга бўлади. Бу нарса пировад оқибатда, унинг ахлоқий хулқ-аъворини белгилаб беради. Аксинча, муайян этиқодга эга бўлмаган ҳар қандай киши ахлоқсиз ҳисобланади.

Китобда одоб маданияти тушунчасига таъриф берилди, унинг моҳияти

мақриз

## ҲАЙРАТ МЕВАЛАРИ

Шароф Убайдуллаев

САЛОМ,  
ОЙҚИЗ



Шароф Убайдуллаев кўп йиллардан бери очерк жанрида қалам тебратиб келади. Чўлқуварлар, зеблилар, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳаёти, ёшларнинг севги-садоқати ёзувчи-журналистнинг севган мавзуларидир. Унинг «Салом, Ойқиз!» китоби шу мавзулардаги сара очеркларидан жамланган.

Шароф Убайдуллаев ўз қаҳрамонларининг тарихий ҳолини эмас, балки кўпроқ маънавий оламни ёритишга ҳаракат қилади. Зеро, маънавий баркамол кишигина коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўша олади. Демак, замондошимиз характерида моддий омиллар билан маънавий омиллар уйғун тарзда кўринади. Ана шу омилларни тўла акс эттириш ҳужжатлар билан иш кўрадиган ёзувчидан бадий публицистик маҳорат талаб этади. Меҳнат кишилари ҳақида ёзилаётган очерк-

ларда бир ёкламалик мавжуд. Чунончи, кўпгина очеркларда қаҳрамонларнинг эртаю кеч, қишу ёз тер тўкиб қилган меҳнатлари, центерлар, гектарлар, рақамлар, муқофолар тилга олинади, бироқ унинг ички дунёси ёритилмайди, ҳаётий муаммолар четлаб ўтилади, баёнчиликка берилади.

Шароф Убайдуллаевнинг ўқувчини мушоадага қорлайдиган, жиддий муаммолар қаламга олинган «Олти миллион йўлларида», «Томди томонлардан», «Аму бўйларидида жасорат», «Икки қирғоқ туркум очеркларда бу нуқсон кўринмайди. Очеркнавис ижодининг етакчи томони шундаки, у меҳнат кишининг портретини рақамлар кетидан қувиш тўғриси эмас, кўпроқ маънавий омиллар кўзгуси орқали жонлантиради. Масалан, «Салом, Ойқиз!» очеркни кўздан кечирайлик. Мирзачўлда пахта йиғим-теримга кетадиган долзарб палла. Етти-яшардан, етмиш яшаргача йиғим-теримга сафарбар этилган. Обком иккинчи секретарининг одамлар, чўл пахтаси ҳақидаги йўлри, хатти-ҳаракати орқали сафарбарлик жиддий

бораётгани ҳақидаги фикр кучайтирилади. Гап орасида секретарь: «Дўстликда Жиззах пахтасининг тақдири ҳал бўлмоқда», дейди. Шу муносабат билан Мирзачўлни қаричма-қарич биладиган одамларни номма-ном танийдиган обком секретари янги бир чўлқуварни кашф этганини жозибали тасвирланади: кеч куз. Тунги уч ярим. Райондан область марказига қайтаётган секретарни пахтазор ўртасидаги шуъла қизқирди... Кўсак чўшиш машинаси гуриллаб ишлаб турарди.

«Хорманг, йигит!— Евгений Александрович унинг олдига яқинлашди.— Қалай, чарчамадингизми? Шериклар қани?

— Бор бўлинг, раҳмат. Келинг...— деди «йигит» кўнғирқоқдек товуш билан.

— Кечирасиз...— Саломга қўл чўзган обком секретари бирдан унинг қиз эканини пайқайди, пайқайди-ю сир бой бермай сўзиди давом этди.— Яхшимисиз, қизим, аҳволлар қалай? Отингиз нима? Бригадангиз плани тўлиб қолдими?

Қиз ўзини Холбуви Рустамова деб таништирди. Ярим тунда чўл қўйнида ҳеч нарсасига парво қилмай ишлаётган бу ёлғиз қизнинг гаплари шикоятсиз, уқтам эди. Евгений Александрович бундай машаққатли пайтда дунёни бошига кўтариб кўксига урганларини, мақтов кутганларини кўп қўрган. Лекин, мана, ярим соатча суҳбатлашди ҳамки, Холбувдан бирор оғиз нолиш эшитмади.

Ёзувчи Холбуви Рустамованинг характеридидаги соддалик, камтарлик, ҳаллолик, меҳнатсеварлик фазилатларини унинг маънавий дунёси орқали тадқиқ этади. У гектаридан 42 центнердан ҳосил олгани ҳақидаги рапортни обкомга олиб бурганида, муқофотга энгил машина бермоқчи бўлган секретарининг тақлифини рад

қилади ва имкон бўлса. «Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси» сериясини топишга ёрдам сўрайди. Секретарь обун муҳлати ўтган бу китобларни топишга қиналади ва шахсий ларточкасини совға қилади.

«Салом, Ойқиз!»да қаҳрамон портрети меҳнатга онгли муносабат орқали ифодаланса, «Авлодларга мактубда» турмуш маданияти бўйича чет элларга донги кетган «Ленинград» колхозининг раиси Қўзибоқар Синдоров портретини кишлоқларни гуллаб-яшатиш, фаровонликка эришиш йўлидаги изланишлар, раҳбарлик-ташқилотчилик санъатининг намоён бўлиши орқали гавдалантиради.

Шароф Убайдуллаевнинг «Профессор Мўминов» очеркни кичик ҳужжатли қисса дейиш мумкин. Асарда умуминсоний тушуналлар — одамийлик ва олимпик; яхшилик ва эзгулик, бурч ва масъулият, фарзанд тарбияси, оталар ва болалар муаммоси Акрам Мўминов портрети орқали тадқиқ қилинади. Турли марказдаги тракторларни иппидан-ипгасига биладиган, деталла-деталь тара оладиган бекободлик қулোগи нар Алижон шифо истоб, Мўминовни сўраб, ТошМИГА келади. Алижон ҳаёлан профессорнинг қиёфасини чизарди: баланд бўйли, сочлари қиров босган, мулоим ва ёқимтой киши... Чўртқесар, гаплари дон-дона, кўллари теран ва ўткир... Қарагайдай йўнлган сарвақор, қўллари узун, бармоқлари нафис... Алижон Мўминовга эмас, бошқа профессорга дуч келади. Ҳаёлий олим билан ҳаётий олим ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди.

...Бекобод касалхонасида нафас йўлига игна қадалган болани уч марта операция қилишганда ҳам ҳаракат бесамав кетади. Уни шошилинч ТошМИГА келтиришади. Ота—Ҳамид ака шифокорларга илтижоли боқайди, кўзида ёш филтиллади.

1 Шароф Убайдуллаев, «Салом, Ойқиз!» Очерклар. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1983 йил.

ва мазмуни кенг очилди, объектив шарт-шароитлари, конкрет тарихий шароит билан тақозо этилиши, одоб қоидаларининг намоён бўлиши ҳусусиятлари ва шакллари ишонтирарли тарзда баён этилади.

Китобнинг «Инсон гўзаллиги нимада?», «Одоб маданияти», «Ақл ва ҳиссиёт бирлиги» каби бобларида одобийлик, тарбияланганликнинг қатор томонларига тўхталиб ўтилади. Бу ўринда авторлар куйидагиларни алоҳида таъкидлайдиларки, бу нарса диққатга сазовордир: кўпгина ёшларимиз ўзлари яхши билган одоб қоидаларига риоя қилмайдилар. Дарҳақиқат, бу қоидаларни «назарий» билишнинг ўзи етмайди, балки уларга ҳамма жойда амал қилиш керак. Ҳамма гап одоб маданиятини ўз харақтерига сингдириб олишда, кундалик ҳаётини одатга айлантириб олишдадир.

Китобнинг «Муҳаббат, тўй, оила», «Аёлларни эъзозлайлик», «Оналарни асрагимиз», «Ота-она масъулияти» каби бобларида авторлар оилавий-маиший муаммоларни ўртага ташлайдилар. Ҳозирда жуда допзарб бўлган масалаларга мунсабатларини билдирадilar. Улар ҳар бир масала ҳақида тўхталиб ўтар эканлар, уни самимий, публицистик тарзда ёритишга ҳаракат қиладилар. Масалан, «Аёлларни эъзозлайлик» деган бобни ва рақлар экансиз, куйидаги сатрларни тўқинилмасдан ўқиб бўлмайдилар: «Аёл — сенга шу ёруғ оламини инъом этиб, сени еру кўнка ишонмай, авайлаб катта қилган онангдек; ҳеч кимга камситишга йўл қўймайдиган син-

гидек; ўз онангдан ҳам кам ҳурмат қилмайдиган болаларининг онаси— рафиқангдек ажойиб бир хилқатдир... Онасига кўл кўтарган, хотинини таҳқирлаган, сингилсини уйдан қувиб юборган, ўтган-кетган аёлларни ҳақоратлаган, ишхонада уларни камситиш деган эркакни эркак деб бўладими?»

Китоб авторлари, кундалик ҳаётда учрайдиган одоб қоидалари ҳақидагина тўхталиб қолмасдан, балки, кишиларнинг умум маданиятини белгилаб берадиган, улар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг харақтерли белгиларини ҳам мантиқий изчилликда ёритадилар. Айниқса, «Коллективга ёриш одам келди...» деб аталган боб ўзининг оригиналлик билан, айна вақтда актуаллиги билан ажралиб туради. Чунки, янги коллективга келган киши ёки бошлиқ янги танишлар, ҳаммаслар олдида ўзини қандай тутиш лозимлигини ўйлайди. Ана шу вазиятнинг кўпгина муаммолари борки, авторлар ана шу социал-психологик томонларга эътиборни қаратадилар.

«Она табиати асрайлик», «Нон азиз, уни эъзозлаган инсон ҳам азиз» деган бобларда одоб маданияти доирасидан кенгрок масалаларга эътибор берилади. Чунки, булар умуминсоний масалалар бўлиб, инсон ва жамият муаммоси билан боғлиқдир. Лекин унинг ҳал қилиниши кишиларнинг умуммаданияти, унинг маданий даражаси билан узвий бирилик кетгандир. Авторларнинг тўғри қўрсатишларича, «Табиати поймол қилган киши, шубҳасиз, инсонийлик шаънини ҳам поймол этади. Одам

боласида гўзал табиати тушуна бўлиши, уни ардоқлаш тўғриси бўлмас, ўзи ҳам табиат фарзанди эканлигини англаб етмайди, бунинг ҳис этмаган инсон маънавий қашшоқ бўлади. Худди шу кишилардан хонн ҳам, тошбағир ҳам, оқибатсиз, шуурсиз киши ҳам чиқади. Шунинг учун ҳам отаналар, тарбиячилар, муаллимлар келажакимиз бўлган болаларни табиат шайдоси сифатида тарбиялашга эътибор беришлари зарур.

Одоб маданияти ҳақидаги мазкур китобда, буржуа олимларининг мазкур масаладаги қарашлари кескин танқид қилиб ўтилади. Маълумки, буржуа идеологияси умидсизликни, тушунликни, ахлоқий қашшоқликни тарғиб қилиб, эндиликда ахлоқ завола топаётган, деган хулосага келмоқда. Умуман ахлоқ завола топаётгани йўқ, балки тангликлардан аҳоли чатоқ бўлиб бораётган буржуа жамияти ва унинг ахлоқи таназзулга маҳқум бўлиб бораётган. Капитал мамлакатларида империалистик зўравонлик шундай учига чиқдики, у ибтидоий ваҳий одамнинг шафқатсизлигидан бир неча мартабета ортб кетмоқда.

Китобнинг яна бир қиммати шундаки, унда К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини кўпгина ибратли фактлар келтирилади. Шунингдек, ўтмишдаги мутафаккирларнинг ҳаётидан, уларнинг ҳикмати сўзларидан кўпгина мисоллар берилади.

Рисолада ахлоқий масалалар иқтисодий ҳаётнинг бошқа томонлари билан узвий алоқада, ўзаро боғлиқ тарзда ёритилди. Китобда кўтарили-

ган масалалар ҳақида ҳар бир киши бош қотириши, ўйлаб кўриши, уларнинг мағзини чақиши зарур. Фақат шундагина, улардан муайян наф олади, ўзининг хатти-ҳаракати, юриштирини танқидий баҳолай олади.

Албатта, «Инсон одоби билани китобда мунозарали жойлар ҳам учрайди. Зеро, унинг харақтери ва мавзуси шундай бўлишини тақозо этади. Унда айрим камчиликлар ҳам учрайди. Болаларнинг ҳаммаси бир хил ҳажмда ёзилмаган. Айрим ўринларда фикрий тарқоқлик ва тақрорлар мавжуд.

Истагимиз, китоб яна кенгайтирилиши ва тўлдирилиши лозим. Чунки, бир қатор масалалар борки, улар тўғрисида тўхталмадан илож йўқ. Масалан, ўз-ўзини тарбиялаш, бахт ҳақида, вақт ва имконият, виждон ва ор-номус, инсоф ва андиша, назокат ва лафозат, илтифот ва хайрихоҳлик, мулозамат ва манзират, мешчанлик ва манфаатпараслик, истеъмолчилик ва исрофгарчилик, ҳавас ва ҳасад-ғўйлик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Лекин, хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон» нашриёти мазкур рисо- лани босиб чиқариб, жуда хайри иш қилган. Бизнингча, нашриёт унинг тўлдирилган ва қайта ишланган на- шрини босиб чиқарса, нур устига нур бўлар эди.

**Саттор ТУРСУНМУХАМЕДОВ,**  
ЎзССР Фанлар академиясининг  
мухбир аъзоси, фалсафа фан-  
лари доктори, профессор

Езувчи ҳаётдаги қалтис воқеа орқали оталар ва болалар муаммосини ўртага қўяди. Жарроҳ столида ётган бемор бола ва ёнидаги инвалид ота руҳий ҳолатига параллел равишда одамларга яхшилик, эзгулик улашувчи академик Иброҳим Мўминов — ота, беморни дарддан холис этувчи профессор, врач Ақром Мўминов — фарзанд муносабатларини гоҳ ботиний, гоҳ зоҳирий тасвирлайди. Улнга киприқдайин игна қаданган. Ниҳоятда нозик ва оғир операция. Ҳаётда оғир жумбоқларга дуч келганда профессорнинг кўз ўнгига отаси туради. Ҳозир ҳам ёш Мўминов кўз ўнгига оқсоқол Мўминов пайдо бўлади:

«Бошла, ўғлим, бошла! Нимага қараб турибсан? Бошлайвер!» — гоибдан бир овоз келгандай бўлди. — Дадил бўл, ўғлим. Устозлар, пирлар руҳи сенга мадақдор бўлсин. Бошла, ўғлим...»

Китобхон бемор бола операцияси тасвир этилган саҳифаларни ҳаяжонланиб ўқийди. Врач биологик ўлим ҳолатидаги болани ҳаётга қайтарди. Езувчи ана шу ҳолатлар тасвири орқали профессорлар харақатини таҳлил эта боради.

Очерк жанрида ижод қилдиган ёзувчи ҳаёт уммонидаги далилларни, ҳаётини ҳолатларни, қаҳрамон тақдирини билан боғлиқ воқеаларни саралаш, танлаш маҳоратини намойиш қилиши керак. «Профессор Мўминов»да ана шу йўл танланган. Бу ҳусусият Ш. Убайдуллаевнинг «Этиқод кураши» очеркида ҳам аққол сезилди. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг ҳаёт йўли йирик роман учун тўлиқ материал бера олади. Лекин очеркнавис Назир Сафаров ҳаётдан кичик бир лаҳза, яъни адибнинг Гулiston районидagi Ленин номли колхознинг енгил обрў ортдан қувиб, давлат ва халқни алдаш

йўлига ўтиб олган раиси Соибжон Назаров кирдикорларини фош этиши билан боғлиқ ижодий тарихий қаламга олади, шу воситада совет ёзувчисига хос коммунистик эътиқодни кўрсатади. Ана шу воқеа фониди кўз ўнгимизда адолат, диёнат йўлида ҳар қандай қийинчиликдан чекинмайдиган беҳаловат қалб эгаси, фикдор адибимиз Назир Сафаровнинг ёрқин сиймоси жонланади.

Муаллифнинг «Вақт тарозуси» очерки илмий техник тадқиқот ҳақида. Унда машинада пахта теришдаги мингтонначиликнинг зарарли оқибати далил ва рақамларнинг илмий таҳлили орқали очиб берилади. Пахта териш машинасининг иш вақти — уватлардан бурилиш, бункер тўкиш, шпинделларни қиёслашнинг, пирларнинг ҳаётини ҳисоблашнинг, пирларнинг адабиёт либосига ўраб тасвирлаш маҳоратини эгалаганлигини алоҳида қайди этимоқ керак.

Шароф Убайдуллаевнинг уруш қаҳрамонлари ҳақидаги очеркларни ҳам оригинал ифодаси, фактлар янгилиги билан фарқланади. Зотан, уруш қаҳрамонлари насратини маҳд этиш орқали урушга жасрат уйғотиш мисли — тинчликни ардоқлашимиз зарур. Бу ҳар бир қаламқашнинг бурчидир. Шароф Убайдуллаевнинг «Яхшилик мангу яшар», «У 25 ёшда эди» очеркларни ана шу бурч тақозосига қўра ҳаётини кўпчиликка унча таниш бўлмаган қаҳрамонлар ҳақида яратилган.

«Комсомольская правда»нинг 1975

йил 1 май сониди журналист Л.Графоновнинг «Солдат уйда қайтди» очерки босилди. Унда шундай сатрлар бор: каттакўрғонлик Ҳамид Самадов ҳақида айтарли унча кўп ёзилмаган. Ун тўрт етимни тарбиялаган тошкентлик. Шомоҳудовлар оиласини бутун жаҳон билади. Самадовларни эса Ўзбекистонда ҳам кўплар яхши билишмайди. Бунга балки Каттакўрғоннинг Тошкентга нисбатан кўздан йироқ бўлгани сабабдир? Ажабо, бу одам умуман оламшумул шухрат ҳақида ўйлаганмикан?»

«Бунга нима дейсиз, Ҳамид ака? Шухрат ҳақида ўйлаганмисиз?» — деб савол беради Шароф Убайдуллаев «Яхшилик мангу яшар» очерки қаҳрамонига.

«Шухрат одам билан кетади, яхшилик эса абадий қолади», деб жавоб беради Ҳамид Самадов.

«Яхшилик мангу яшар» очеркида иккита ҳаяжонли лаҳза бор. Биринчиси: фашистлар Каменец Подольскийдан чекина туриб, шаҳарга ўт қўяди, тирик жоннинг ҳаммасини отиб ташлайди, мурдалар орасидан ўтиб бораётган Ҳамид Самадов шу манзарани кўради: ёшгина бир гўдак ўқ теккан онасининг кўксини эмарди, совуган мурда сўнгги ҳароратини фарзандига тутарди. Боланинг сўт эмаетганини ҳам, қон эмаетганини ҳам билиб бўлмасди... Иккинчиси, солдат узок ва оғир жангдан сўнг уйга қайтарди. Чап қўлини елкага оingan солдат йигирма кун йўл юриб уйига қилиб келди. Шу пайт ёнгинадан: «Амаки, нон!» деган илтижони эшитди. Нон! Солдат йигирма кун нон азобини чекиб келаетир-ку? «Амакижон, нон! Нон беринг-ку?»

«Амакижон, нон! Нон беринг-ку?» — Бола ҳолсиз талпинади... Бу икки лаҳза бутун очерк моҳиятини белгилайди, яъни уруш ва болалар муаммоси ўз бадиий-публицистик мантиқини топади.

Келажакка қаттиқ ишонган, ҳақиқий ватанпарвар Ҳамид Самадов етим болаларни ўз боқувига олаётганида ҳеч қандай шухратни ўйлаган эмасди! Бирининг 16, ўзининг 6, ҳаммаси бўлиб 22 фарзандни камолга етказган Ҳамид Самадовлар оиласи совет воқелигидида амалий интернационализмнинг ифодасидир.

Ҳаётини воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамон хатти-ҳаракатини инсон руҳиятидаги психологик кечинмалар орқали тасвирлаш, таҳлил этиш Шароф Убайдуллаев публицистик услубининг етакчи белгиси бўлиб, ҳужжатли асарларда бундай усул жуда қийин йўлдор. Зеро, руҳий таҳлил чуқурлаган сари орозра индивидуаллиги орта боради, оригиналликни кучаяди. Бу ҳусусият «Содоқат», «У 25 ёшда эди» очерклариди янада ёрқин намоён бўлади.

Китоб сўзбошисидида филология фанлари доктори Пирмат Шермухамедов ёзувчи ижодига тўхталиб, унинг ушбу сўзларини келтиради: «Мен устозларимдан... ижоднинг ўзига хос машаққатини, ҳалоплик ва ҳақиқат йўлида қилинадиган мардликни, энг муҳимини — машаққатдан завоқланишни ўргандим ва ҳамон ўрганиб юрибман.

Устозларимдан яна бир нарсани ўргандим десам янглишмасам керак. Бу ҳайратлангичлик.

Дарҳақиқат, Шароф Убайдуллаевнинг қаҳрамонлари ҳайратланадиган тақдирлардир. Бу кишилар қайсибир фазилатлари билан бошқалардан фарқ қиладилар, ҳаётга, жамиятга, халққа, Ватанга эзгу муҳаббати билан, ҳалол меҳнати билан, садоқати билан, яхшиликни, покликни, эзгуликни ардоқлаши билан, инсоний эътиқоди билан ибрат бўла оладилар.

Ғулom ҒОҒУРОВ,  
Урол УТАЕВ

макруз

# ДАРДГА МАЛҲАМ

САЛОМАТЛИК-  
ТУМАН ВОЙЛИК

Соғлиқ — туганмас давлат, дейдилар. Афсуски, баъзан ўз саломатлигини муҳофаза этишга бефарқ қараймиз. Баъзилар учун тумов, грипп хасталиклари гўё юриб-туриб ўтказиб юборса бўладиган дард бўлиб туюлади. Йўқ, асло бундай эмас.

Шуни қайд этиш керакки, тумов, шу жумладан, грипп ҳам қатор хавфли асоратлар қолдирадиган хасталиклардан ҳисобланади. Тумов ҳамда грип билан оғриб, етарлича даволанмаслик ёхуд ўзбилигича даволаниш ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биз қуйида тумов ҳамда грип билан оғриган беморларга шифокор томонидан тавсия этилиши мумкин бўлган ҳамда уй шароитида тайёрлаш имкони бўлган баъзи дори-дармонлар ҳусусида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, инсон бирор хасталикка йўлиқса, унинг организми ҳаёт-бахш витаминларга муҳтож бўлади. Шу туфайли ҳам аксарият ҳолларда шифокор беморларга қуваат бахш этадиган сервитамин неъматлардан истеъмол этишни тавсия қилади.

Ўлкамизда витаминларга танқислик сезиш ажабланарли ҳол ҳисобланади. Серсаховат табиишимиз бизни ўзининг шифобахш ҳамда ҳаётбахш ўзин-неъматлари билан етарлича тазминлайди. Қўли гул деҳқон ва сабзавоткорларимиз етиштирган анор, ширин-шакар олма, ноклар, узумларни йил фаслларининг ҳар палласида уратилиши мумкин. Шамоллаганда, грипп бўлганда беморнинг касалликка бардошлигини оширишда сервитамин неъматлардан наъматак мевалари, парманчақ, олча, тоғолча, ўрик қоқиларидан дамлама тайёрлаб

истеъмол қилиш ижобий натижа беради.

**Наъматак меваларидан** қуйидагича шифобахш қайнатма тайёрлаш мумкин: оғзи ёпиладиган шиша, чинни ҳамда сирли идишга 2 стакан чама-сида (400 грамм атрофида) сув қуйлади-да, уруғидан тозалалаб, майдаланган наъматак меваларидан бир ош қошиқ миқдорига солиб, 10 минут қайнатилади. Бир сутка ўтгач, қайнатма докада сузилади. Ҳосил бўлган қайнатма-шарбатга бироз шакар қўшиб, кунига уч маҳал оқватлинишдан олдин ярим стакандан ичилади. Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, наъматак қайнатмаси иситма туширувчи восита сифатида, милк иллатланиб яралганганда, ундан қон оққанида даволочили восита сифатида ҳам фойдаланилади.

**Хўжағат мевалари** сервитаминлиги ҳамда шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларга даволочи билан маълум. Мазкур неъмат ўлкамизда жуда кўп учрайди. Унинг сарқил меваларини истеъмол қилишимиз билан бирга, тadbиркор уй бекаларимиз ундан хушхўр мураббо, кўнгил оувчи шарбатлар ҳамда қоқилар тайёрлаб қўйишади. Хўжағат мевасидан қилинган мураббо, шарбат ҳамда қоқилар қишининг айни авз кунлари, баҳорнинг «илик узилди» дамларида витаминларга чанқоқ аъзолар учун дармон ҳисобланади.

Қуритилган хўжағат меваларидан чой тайёрлаб ичиш ҳам мумкин. Бунинг учун қоқисидан бир-икки чой қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сув билан дамланади. Бемор чойни ичгач, дарҳол ўринга ётиб бурканиб олиши даркор. Шунда шифобахш дамлама ўз «хўнариини кўрсатади. Бемор фарқ терлайди, тер орқали

унинг организмидаги зарарли моддалар чиқиб кетади. Шамоллаган беморнинг кўзи ярақлаб очилиб, кайфияти яхшиланади.

**Тоғрайхон дамламаси** шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда жуда асқотадиган доривор омиллардан ҳисобланади. Тоғрайхоннинг қуритилган ўтидан бир ош қошиқ миқдорига олиб, бир стакан қайноқ сув билан бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра мато ёрдамида сузиб олиниб, қошиқда кучига 3—4 маҳал ичилади.

**Жўка гулбарглари** изтиробли бош оғриғини қолдириш учун, шунингдек, яхши терлатувчи восита сифатида фойдаланилади.

**Оқ қалдиromoқ ўти** юқори нафас органлари шамоллашида қор келадиган ишончли даволардан ҳисобланади. Оқ қалдиromoқ ўтининг барғи ҳамда гулларидан тайёрланган дамлама кукракни юмшатади, балғамни кўчириб, изтиробли йўталдан холи қилади. Бунинг учун оқ қалдиromoқнинг қуритилган баргларида 20 грамм миқдорда олиб бир стакан қайноқ сувда дамланади. Дамлама сувга ч, шарбатдан ош қошиқда кунига 5—6 мартадан ичилади.

Оқ қалдиromoқ дорихоналарда «Листья мать-и-мачехи» номи билан сотувага чиқарилади.

Шуни айтиш керакки, тумов ёки грип билан хасталанган болаларнинг йўталани қолдиришда саноятимиз кенг қўламада ишлаб чиқараётган «Муколтин» тугма дориси асоратсиз, беозор дори ҳисобланади. Чунки, мазкур дори ва гулхайри илдииздан тайёрланган совуқ дамлама «Алтейка» номи билан юритилувчи суюқ дори болаларни қаттиқ кечадиган йўталдан халос этишда ишончли даводир.

Томоқ бодомчаларининг яллиғланиши, оғиз бўшлигини қараш тортишидан фориғ этиш учун ҳам табии неъматларга мурожаат қилиш мумкин. Бундай «беминнат дастёрларга эвалит барглари («Листья эвалиты»), тирноқул («Цветки календулы»), маврак ўти («Листья шалфея»), мойчечак ёки читтигул («Цветы ромашки») каби табииатнинг саховатидан фойдаланиш маъқул. Юқорида зикр қилиб ўтилган доривор маҳсулотлари дамламасидан оғиз чайқалса ёки фарғара этилса, томоқ оғриғидан, оғиз бўшлиғи иллатларидан халос бўлиш мумкин.

Барчага маълумки, киши тумов (ринит) бўлганда, бурун битиб, манқалини гапирди. Бундай ҳолат эса, беморни янада асабийлаштиради. Беморнинг томоғини очадиган ҳамда енгилгина нафас олиш учун имконият яратадиган кимёвий терапевтик дори-дармонлар билан бир қаторда, уй шароитида қўллаш мумкин бўлган ҳамда мутлақо асоратсиз ҳисобланган амаллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, қайнатилган картошка, қайин, қарагай куртакларининг ажралиб чиқадиган буғи нафас йўлига юборилса, нафас йўли очилиб, раво бўлишига имконият яратилади. Бунинг учун қайнатилган картошка, қайин ёки қарагай куртаклари солинган идишнинг оғзи очилди-да, бемор бошини бирорта мато билан буркаб, оғиз ва бурун орқали нафас олдирилади. Шуни айтиш керакки, бундай муолажадан фойдаланган киши ўша хонанинг ўзида танаси «котгунча» сабр қилиб ётиши керак. Агар бемор салқин жойга ёки ташқарига чиқадиган бўлса, хасталик «газак» олиб кетиши ҳам мумкин.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, тумов ёки грип бўлган бемор спиртли ичимлик ичмаслиги зарур. Шамоллаган беморга дармон бeғишлайдиган таом тавсия этилади. Жумладан, парранда гўштидан тайёрланадиган қайнатма бемор табиига мос келадиган таомлардандир. Турфа кукатлар билан безатилган мастава ҳамда киймали шўрвалар шамоллаган беморга куч беради. Ошқўк сифатида кашниқ, шивит, крафш (сельдир), петрушка, барра пиёзлардан фойдаланиш эса айни мудоао. Беморга ўткир қаламбир, мурч, ханталлардан таом учун зирavor сифатида фойдаланиш маъқул қўрилмайди. Овқатга сабзи, шолғом, лаваги, пиёз етарлича солинадиган бўлса, бемор дардига эм бўлади. Бу ўринда қовоқ ҳамда сўтдан тайёрланадиган таомларнинг хосиятларини санаб интиҳосига етиш қийин. Афсуски, баъзан шамоллаган кишининг ҳарорати ниҳоятда бeланд бўлганда «тафтини олади» деган ниятда ёвгон хўрда тайёрлаб беришга ошиқадилар. Ваҳоланки, бемор организм учун тиргак бўладиган, яъни сервитамин суюқ таомлар берилиши лозим.

Кези келганда яна бир бор таъкидлаб ўтамиз: шамоллаган, тумов ёки грипга чалинган беморлар фақат шифокорнинг маслаҳати ҳамда тавсияси билан даволаниши даркор. Акс ҳолда, беморнинг кўхна касалликлари «бош кўтариши» ёки бир қатор асоратли хасталикларга илашиб қолиши мумкин. Касалликка бефарқ қараш ёхуд ўзбилармонларча даволаниш яхшиликка олиб келмайди.

Маннон НАБИЕВ,

доришунос, Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими



Тошкент шаҳар марказий алоқа бўлими кўп қаватли янги бинога кўчиб ўтди.

Оператор Фотима Мирзабоева.



В. Моллаҷев фотолари



# Тирак-Тиканак

## СОВУҚЛИК ЁНГИНИ

(Воқеа қиш чилласида бўлиб ўтади.)

Чиркин сигарета тутуни қоплаган хонада почапўстин кийган, қўлоқчинининг бир қулоғи кўтарилган, иккинчиси шалвираб турган ЖЭК [уй-жойдан фойдаланиш идорасининг бошлиғи] чап мушти билан дам-бадам бурнининг сувини артиб, ким биландир телефонда гаплашади, кейин, трубкани зарда билан жойига қўйиб, уф тортади.

**ЖЭК бошлиғи.** «Совуқда музлатилган балиққа ўхшаб қолган» эмишлар! Ваҳимангдан ўргилдим-е сенинг. Тирик балиқ гапирмайдию бу елим балиқ шикоят қилар эмишлар! Одамлар ҳам жуда фариштага ўхшаб нозиклашиб кетишябди-да... Ахир Шимолый кутбдагилар 50 градус совуқда финг демай яшайди-ку. [Рўпарасида турган мўйсафидга кўз тушади]. Нега қорбобга ўхшаб қаққайиб турибсиз, ўтиринг!

**Мўйсафид.** Илож йўқ, ўтирсам сумалакка ўхшаб саниб кетаман.

**ЖЭК бошлиғи.** Нафасни иссиқ қилинг-е, оқсоқол.

**Мўйсафид.** Яхлаган вужуддан иссиқ гап чикармади, ним.

**ЖЭК бошлиғи.** Юрагингизнинг кўри ўчиб қолибди-да, а?

**Мўйсафид.** Бизнинг совуқ уйларида кўр туғул вулқон ҳам ўчиб қолади.

**ЖЭК бошлиғи [бурини артиб].** Демак, Батараялар ишламайди, уйлари совуқ, шундайми?

**Мўйсафид.** Неварам шамоллаб қолди, касалхонага олиб кетишди. Кампирини оёғини грелка билан иситиб ўтирибди.

**ЖЭК бошлиғи.** Бизнинг уй ҳам шунақа совуқ болалар электроплита ёкиб ўтиришибди.

**Мўйсафид.** Биз ҳам қўйиб кўр-

дик: ҳавони куйдирар экан, бошимиз оғриб қолди.

**ЖЭК бошлиғи.** Одам ҳаракат қилса исийди: ўйин тушиш керак.

**Мўйсафид.** «Лаазига ўйнайликми, «Анжон полькасингами?»

**ЖЭК бошлиғи.** «Дилхирож» мазкулдир дейман?

**Мўйсафид.** Сафсата билан уй исмайди, ука, ишдан гапиринг!

**ЖЭК бошлиғи.** Ия, ўзимни ёкиб иситайми! Айтдим-ку сизга асосий иситиш трассаси бузилибди деб?

**Мўйсафид.** Ҳар йили аҳвол шу. Ёзда уйларимиз хумдондек қизиб кетади, нафас олиб бўлмайди, қишда бўлса, холодильникдай совуб кетади. Хўш, нима учун қиш ғамини ёзда емайсизлар? Менга айтинг-чи, масалан, сиз ёз бўйи нима иш қилдингиз?

**ЖЭК бошлиғи [несатиб].** «Яллама ёрим» айтиб юрдим.

**Мўйсафид.** Жуда соз, ёзда ялла қилиб юрган бўлсангиз, энди сизни ўйнатамиз!

**ЖЭК бошлиғи.** Билсак бўладими, қайси куйга ўйнатасизлар?

**Мўйсафид.** «Ассавга ўйнайсиз.

[ЖЭК бошлиғи жавоб қайтармоқчи бўлиб турганда телефон тўсатдан жиринглаб қолади, трубкани қулоғига туттади].

**ЖЭК бошлиғи.** [ваҳима билан ўрнидан туриб кетади]. Нима, нима? Қачон? Узи омоним! Хайрият, тезлик-да «скорий»га телефон қилинг. Мен ҳозир етиб бораман. [Шоша-пиша кийинар экан, мўйсафидга юзланади]. Кичкина ўғлим, жуда шўх... ёниб турган плитага темир қошиқ тикибди...

**Мўйсафид.** Ана холос, ўйини иситаман деб, куйиб кетишига оз қолибди-ку!

кетаётган кишига пиёла узатди:

— Юз грамм чойимиз бор, Мамаюсуф тога!

— Чойхонада юз грамм ичиш, юзсизлик бўлади,— деб ўтиб кетди Мамаюсуф ака.

### ИШОНСА БУЛАДИГАН ГАП

Бир олифта такси шоферига пул узатиб, қайтимини олмай кетаётган эди, шофер деди:

— Ака, қайтимингизни олинг! Олифта қўлини силтаб, жавоб берди:

— Қайтим керак эмас, ўзингиз чой пули қила қолинг.

Шофер чақани олифтанинг қўлига тутқазди:

— Мен садақага зор эмасман, бунга ўзингиз носвой олиб чекинг.

А. ИСОМИДИНОВ

## БИР ДОҒУЛИГА

Адолатдан гап сўқиб мудом Юлиб-юлаб яшадинг чунон. Соддаларни этмоқ учун ром, Не ҳунарлар қилмадинг ҳар он.

Эл-юрт мулкин қилиб аста гум, Пардаланинг сара сўз билан. Сен кўзларга ташлаб юриб кум, Оқ кўриндинг қора юз билан.

Очофатлик туби йўқ ботқоқ, Тобора ўз қомига тортгай, Ютоксираш уйғотиб ҳар чоқ, Йўзмамоққа иштиёқ ортағай.

Нега керак ҳадсиз мол-дунё, Дабдабали ҳашамдор даргоҳ! Виждонингга ўт кетди ми ё, Нафсинг хумдон, иштаҳанг ғўлоҳ?

Яшашликнинг пасткашлик йўли Ахир бориб тақалғай жарга. Шувит бўлмаё қолмас доғули, Ҳар қадами элтар хатарга.

Адолатнинг арқони узун, Фурсат етиб шартта тортилур. Минг чап бермоқ бекордир, бир кун — Қанча ниқоб бўлса йиртилур.

Ҳалол юртада ҳаром яшамоқ Ошкор бўлмаё қолганим ахир. Оз тер тўкиб, мўмай ошамоқ Фақат пасткаш одамга фаҳр.

Меҳнатсевар, фидойи бу халқ Не-не эзгу иш этур иршод. Сендекларнинг истиқболи талх. Бас, бу элга келтирманг иснод.

Одил замон гражданимиз, Нопокликнинг букилғай қади. Юрт олида пок виждонимиз, Қилвирикнинг сигмағай ҳадди.

### Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

#### ШОВҚИНИ ЗУР

— Қиладиган ишларинг боғбоннинг узумини талашу намунача чугурлайсизлар!— деб сўрабди Мусича чугурчиқлардан.

— Чугурламасак,— дея жавоб қилибди Чугурчиқлар сарқори,— бизни ҳамма ишламаяпти, деб ўйлайди-да! Шунинг учун ишдан кўра шовқинга зўр бераяпмиз!

#### БҒЁҚ ВА ҚОҒОЗ

Кўрғазмага қўйилган бир расмдаги БҒёқ кибрлибди дебди:

— Мен бўлмаганимда рассомни бунчалик мақташмаган бўларди!

— Мен бўлмаганимда,— дебди Қоғоз еллиниб,— сенинг ўзинг ҳам бунчалик мақтанмаган бўлардинг!

#### ДАЗМОЛ БИЛАН ҚУЙЛАК

Ғижим бўлиб ётган Қуйлак ўзини текислаётган Дазмолдан сўрабди:

— Намунча қизиб дазмоллаясан?

— Шунинг ҳам билмайсанми,— дея жавоб қилибди Дазмол,— иссигим бу — меҳрим. Сени меҳр билан дазмолламасам, ишим ҳеч кимга ёқмайди-да!

#### ТИРГОВИЧ

Қулаётган Пахса Девор ўзига қўйилган Тирговични мақтабди:

— Бахтимга яхшиям сен бор экансан, бўлмасам, аллақачон юмалоқ ёстиқ бўлиб кетардим.

— Сени-ку қулатмай ушлаб туравераман,— деб хўрсинибди Тиргович,— аммо ўзим қулайдиган бўлсам, ким мени ушлаб қолади, шунга ҳайронман.

## Қийқимлар

— Нега «Ҳаммом» билан «Имтиҳон» сўзини қофия қилдинг?— деб сўради шоирчадан дўсти.

— Иккаласидан ҳам терлаб чиқлади-да!

— Сартарошхонага кириб узун сочингни кесдириб чиқинг, тескари қарайдиган бўлишад.

— Нега бундай ғийқиллатиб кескин тормоз бердинг?

— Машинанинг тўхташини синаяпман.

— Ҳе, синамай ҳар нарса бўл! Юрагини тўхтатиб қўяй дединг-ку!

Қосим ОБИДОВ

## Митти масаллар

### ХҲРОЗМИЖОЗЛАРГА ШАЪМА

Бабақ Хўроз тожи қип-қизил қон, патлари юлинган ҳолда уйга сўлжайиб кириб келган эди, она Товуқ дашнон берди:

— Оғзингизга озгина тегса бўлди, жужа хўрозлар билан ташашганингиз-ташашган!

— Бир оғайним жужа кўрган экан, шунинг ювдик,— деб жавоб берди бабақ Хўроз ер тирнаб.

### ОНА ТОВУҚНИНГ ДАШНОМИ

Она Товуқ бир-бири билан жанг қилаётган жўжаларига бақирди:

— Отангнинг молини талашасанларми, табака бўлгурлар!..

### ТҮРРИ ТАНБЕҲ

Чойхонада «яримтавни» майдалаб ўтирган Шоди бекор кўчада ўтиб

## Эпиграммалар

### Ёмон

Одамнинг феълида ҳар хиллик ёмон, Узгаларга ҳасад, Бахиллик ёмон. Дўст билан душманниг ўрталарида Кўзлар илғаб бўлмас аҳиллик ёмон.

### Эмиш

Дарахлар баҳорни туш кўрар эмиш, Қарга эса қишни хуш кўрар эмиш. Биз ерда кўрмаган нон ушогини, Қўқда учиб юрган қуш кўрар эмиш.

Туроб НИЁЗОВ



## Орзиқиб кутилган матч

Совет шахмат мактаби йилдан-йилга тараққий этиб, камол топиб бормоқда. Унинг ветеранлари ҳам, навқирон вакиллари ҳам ўз зиммаларидаги бурчини шараф билан бажариб, шахмат санъатини янги ижодий гоълар билан бойитмоқдалар. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўз маҳоратини муттасил ошириб бормоқда, унинг энг нуфузли мусобақаларда эришяётган ишонарли галабалари шахмат тараққийтига муносиб ҳисса бўлиб кўшилмоқда. Шахмат тожи учун даввогарларнинг ўтган йил охирида Лондонда ўтказилган яримфинал матчлари ҳам совет шахматчиларининг ажойиб галабаси билан якуланди. Собиқ жаҳон чемпиони Василий Смирнов истеъдодли венгер гроссмейстери Золтан Риблини 6,5:4,5 ҳисоби билан енгди. У энди финал матчида Гарри Каспаров билан куч синашмоқда.

Василий Смирновнинг шахмат йўли ҳаяжонли воқеаларни, совет шахмат мактабига шўҳрат келтирган галабаларни қамраб олади. У 20 ёшида, 1941 йил баҳорда гроссмейстер унвонини олди. 1948 йили Михаил Ботвинникдан кейин, жаҳоннинг иккинчи шахматчиси бўлиб танилди. 1949 йили СССР чемпиони бўлди. 1953 ва 1956 йилларда даввогарлар турнирларида ишонарли галаба қозонди ва жаҳон

чемпионлиги учун Михаил Ботвинник билан яккама-якка шахмат жангига кирди. Ниҳоят, 1957 йили Михаил Ботвинникдан 12,5:9,5 ҳисобида голиб келиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Василий Смирнов кейинги йилларда халқаро турнирларда жуда кўп муҳим галабаларга эришди. Бу унинг кўнгли ёшлик ғайратига, янги, гўзал шахмат гоъларига тўла эканлигини кўрсатади. Шахмат тожи учун бўлган чорак, ярим финал матчларида қозонган галабалари шундай деб айтишга асос беради.

— Рибли билан бўлган матч гоът оғир бўлди,— деди В. Смирнов.— Тўрт учрашудан кейин ҳисоб тенг эди. Бешинчи ва еттинчи учрашу матчда бурилиш ясади. Бу партияларда мен оқ доналар билан ўйнаб, галабага эриша олдим. 3. Рибли маҳорати ҳақида сўзлаб, шунини айтишим керакки, у Венгриянинг энг истеъдодли шахматчиларидан бири бўлиб, Лондонда ўзини етук, оригинал шахматчи сифатида кўрсатди.

Куйида В. Смирнов — 3. Рибли матчида бурилиш ясаган бешинчи партияни келтираемиз.

СМИРНОВ — РИБЛИ

1. d4 Kf6 2. Kf3 e6 3. c4 d5 4. Kc3 c5 5. cd K: d5 6. e3 Kc6 7. Cd3 Ce7 8. o-o o-o 9. a3 cd 10. ed Cl6 11. Фc2 h6 12. Лd1 Фb6 13. Сс4 Лd8 14. Ке2 Сd7 15. Фе4 Ксе7 16. Сd3 Са4 17. Фh7+ Крf8 18. Ле1 Сb5 19. С: b5 Ф: b5 20. Кg3 Кg6 21. Ке5 Кde7 22. С: h6 К: e5 23. Kh5 Kf3+ 24. g1 Kf5 25. К: f6 К: h6 26. d5 Ф: b2 27. Фh8+ Кре7 28. Л: e6+ f6 29. Ф: g7+ Кf7 30. d6+ Л: d6 31. Кd5+ Л: d5 32. Ф: b2 h6 33. Фb4+ Крf6 34. Ле1 Лh8 35. h4 Лh8 36. Ле4 Кd6 37. Фc3+ e5 38. Л: e5 Л: e5 39. f4 Kf7 40. fе+ Кре6 41. Фc4+ шу ҳолатда қоралар таслим бўлди.

Шахмат ишқибозлари Василий Смирнов билан Гарри Каспаров ўртасидаги финал матчининг зўр қизиқиш билан қузатиб бормоқдалар. Бу ҳеч шубҳасиз, совет шахмат мактаби камолини яна бир марта намоян қилган, янги ижодий гоъларга бой, оригинал, замонавий шахмат тараққийтига муносиб ҳисса бўлиб кўшилган ажойиб матч сифатида салмоқли аҳамият касб этди.

М. ШЕРКУЛОВ

### МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. И. Ленин. 1918 йил, сентябрь. Рассом А. Михайловский чизган расм.

Иккинчи бет:

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиги Тамара Шогънёсова, Тошкент Кишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги заводининг слесарь йиғувчиси Юрий Степаненко, Оржоникидзе районидаги Ленин номи колхозининг ипакчилик агрономи Насиба Каримова ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сўт соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввара Исоқова.  
В. Молгачёв фотоси

«Бу тилда Ленин гапирган...» СУРАТДА: Бухоро область, Вобкент районидаги Алишер Навоий номи 5-мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Галина Мельникова.  
Т. Горяева фотоси

Учинчи бет: «Табаррук ёшингиз қўтлуғ бўлсин!» Пойтахтмидаги нуруий қариялардан Абдусамат ота Назармухамедов 105 ёшга тўлди. Уни 75 ёшли қизи Замирабиби ва эвараси Зумрад қўтлуғ ёш билан муборакбод этмоқдалар.

Жиззах КПСС XXV съезди номидаги Устки трикотаж кийимлар фабрикасининг илгор тўқувчиси, 1985 йил ҳисобига меҳнат қилаётган Ойтилла Холмуродова.


В. Молгачёв фотолари

Тўртинчи бет: Б. ШТИН. Самарқанд манзараси. Баҳор.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Тошкент оқшоми» газеталари ҳамда «Огонёк», «Наука и жизнь», «Здоровье» журналларидан фойдаланилди.



## ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД

1. Нафис сопол тури. 2. Қуш ошёни. 3. Дарахт аъзоси. 4. Қизлар исми. 5. Таниқли тожик ёзувчисининг тарихий романи. 6. Турар жой. 7. Севинч ифодаси. 8. Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам» романи қаҳрамони. 9. Улкан дарахтзор. 10. Эркалар исми. 11. Навоий замондоши, тожик классик шоири. 12. Театр бияосининг томоша кўрсатилмаган қисми. 13. Инки учига тарози паллалари оғиб қўйилмаган мослама. 14. Суварлар онласига мансуб Ўйрқич ҳайвони. 15. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 16. Куйта солиб айтишга мулжалланган шёар. 17. Ойбекнинг «Қўтлуғ қон» романи қаҳрамони. 18. Ўзбекистон халқ шоири. 19. Тожик совет адабиёти асосчиси, академик. 20. Вегона ўт. 21. Экин майдони. 22. Ҳаловат. 23. Қуёш атрофидаги тўққиз сайёрдан бири. 24. Афғанистандаги қуроёт шаҳар.

Кроссвордини ҳал этганингиздан сўнг жавобларнинг биринчи ҳарфларини шакл марказида берилган рақамлар билан алмаштириб кетма-кет ўқисангиз, Н. Островскийнинг ибратли сўзи келиб чиқади. Рим рақамлари билан белгиланган каталарда эса академик адиб Ойбекнинг ҳикматли сўзи яширинган.

Тузувчилар: Фозилжон ОРИПОВ,  
Анвар МИРЗАЕВ

### ЖУРНАЛНИНГ 2-СОНИДА БЕРИЛГАН «БУЮК ГАЛАБА» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 3. Москва. 6. Конев. 7. Порох. 10. С. Раҳимов. 11. Капитан. 12. Штурман. 17. «Кузатиш». 18. Вилков. 19. «Жасорат». 21. Жунов. 22. Колас. 23. «Босқин». 24. Погон.

Буйига: 1. Кошевой. 2. Автомат. 4. «Соҳил». 5. Котик. 8. Ракета. 9. «Даурия». 13. Армия. 14. Жалолов. 15. Туполов. 16. Парад. 20. Ватутин. 25. Чапаев.

### Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Махмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежесиячурал, обществоно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адрессимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; инжумой-сийсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 16.02.84 й. Босинга руҳсат этилди 16.03.84 й. Р-011125. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Напир ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 235010. Буртма № 2812. Напир Б—112.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли басмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.





ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.

